

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**А.А. Истомин, Ч.Р. Алимходжаева, В.П. Безверхов,
О.Г. Бурхонов**

**ТЕННИС ЎЙИНИНИНГ ХАЛҚАРО
СТАНДАРТ ҚОИДАЛАРИ**

Ўқув услубий қўлланма

ТОШКЕНТ - 2011

“Гуманитар-социология фанлари” ва “жисмоний тарбия ва спорт” кафедраси.

Истомин А.А., Алимходжаева Ч.Р., Безверхов В.П.,

Бурхонов О.Г. Теннис ўйинининг халқаро стандарт қоидалари: Рисола. - Т.: Иқтисодиёт, 2011. - 92б.

Мазкур ўқув услубий қўлланма илк бор давлат тилида тайёрланиб, унда халқаро теннис ташкилотларининг тузилиши, мусобақалар жараёни бўйича ҳакамлар учун Халқаро теннис федерациясининг қўлланмалари тақдим этилган. Шунингдек, ҳакамлар терминологияси, халқаро мусобақаларни ташкил қилиш, ўтказиш тартиблари ва учрашувларнинг жадвали ёритиб берилган.

Ушбу рисола республика педагогика олий ўқув юр்தларининг жисмоний тарбия факультетлари талабалари, Олимпия захиралари коллежи ўқувчилари, олий маҳорат спорт мактаблари, теннис бўйича мутахассислар ҳамда шу соҳага қизиқувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир

Керимов Ф.А. – педагогика
фанлари доктори,
профессор.

Тақризчилар:

Абидова Х.М. – Тошкент шаҳар
спорт ўйинлари бўйича Олий
маҳорат спорт мактаби
мураббийси,
Ғазиев Ш.К. – Ўзбекистон
Республика Олий маҳорат спорт
мактаби мураббийси.

ISBN 978-9943-333-48-2

© –“Иқтисодиёт”, 2011.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	4
I.	ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕННИСНИНГ ТАРИХИ ВА ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ.....	7
II.	ХАЛҚАРО ТЕННИС ТАШКИЛОТЛАРИ.....	11
III.	ТЕННИС ҚОИДАЛАРИ	26
IV.	МУСОБАҚАЛАР ЖАРАЁНИ БЎЙИЧА ҲАҚАМЛАР УЧУН ХАЛҚАРО ТЕННИС ФЕДЕРАЦИЯСИНинг ҚЎЛЛАНМАЛАРИ.....	42
V.	ҲАҚАМЛАР ТЕРМИНОЛОГИЯСИ.....	51
VI.	ЎЙИНЧИНинг АХЛОҚ КОДЕКСИ.....	62
VII.	МУСОБАҚАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МУСОБАҚАЛАРНИ ЎТКАЗИШ.....	70
VIII.	МУСОБАҚА ЖАДВАЛИДА ИШТИРОКЧИЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ.....	81
IX.	МУСОБАҚАНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ.....	86
X.	МУСОБАҚА ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ.....	88
XI.	МУСОБАҚА ИШТИРОКЧИЛАРИ.....	90
XII.	ЖАМОА САРДОРЛАРИ, МУРАББИЙ ВА ВАКИЛЛАР.....	93
XIII.	МУСОБАҚАНИнг ҲАҚАМЛИК ВА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ҲАЙЪАТИ.....	94
XIV.	ЎЗБЕКИСТОН ТЕННИСЧИЛАРИНИнг ТАСНИФИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ.....	105
XV.	ПРОФЕССИОНАЛ ЭРКАКЛАР ITF FUTURES ТУРНИРИГА ТАЛАБНОМА ТИЗИМИ.....	107
	ЛУҒАТ.....	115
	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	117

КИРИШ

Республикаимизнинг 27 миллионлик аҳолисини катта қисмини ёшлар ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва Ўзбекистон ҳукумати янги авлоднинг жисмонан ва маънан баркамол вояга етиши учун ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Бу масалани ижобий ҳал этишда спорт, хусусан, тенниснинг аҳамияти беқиёс бўлмоқда. Шу боисдан ҳам мустақиллик йилларида мамлакатимиз теннис стадионлари билан бойиганлиги, Ўзбекистон йирик теннис мусобақалари ўчоғига айланганлиги ва ниҳоят ўзбек ракетка усталари халқаро майдонларда сезиларли ютуқларни қўлга киритганлиги ҳеч кимни ажаблантирмай қўйди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон жаҳонга теннис мукаммал ривожланган мамлакат сифатида танилди. Бунини шубҳасиз республика ҳудудида ўтказиб келаётган турли даражадаги чемпионатлар ва халқаро турнирларга дунё миқёсида қизиқиш билдираётганлигида ҳам кўриш мумкин. Мазкур мусобақаларнинг нуфузига кўра, юртимиз сари турли китъаларнинг турли мамлакатларидан ёш иқтидор соҳибларидан тортиб, усталаргача, жаҳон миқёсида тан олинган теннис юлдузларигача етишиб чиқмоқда.

Эркаклар терма жамоамиз ўн йилдирки “Дэвис кубоги”нинг Осиё – Океания минтақаси биринчи гуруҳида доимий равишда ғолибликка даъвогарлар сафида бориб, мунтазам иштирок этиб келмоқда. Терма жамоамиз етакчиси Денис Истомин Ўзбекистоннинг эркак теннисчилари орасида биринчи марта жаҳон тасниф жадвалида дастлабки юзталиikka кирди ва Профессинал теннис ассоциациясининг рейтингида 57-поғонагача кўтарилди.

Мамлакатимизда бир қатор халқаро ўсмирлар мусобақалари, кўплаб “Фьючерс” ва “Челенжер” турнирлари, аёллар ўртасида WTA “Toshkent open” халқаро тури ўтказиб келинмоқда, аёллар ва эркаклар миллий терма жамоаларимиз норасмий жаҳон чемпионатларида муваффақиятли иштирок этишмоқда.

Тошкент очик чемпионатининг хизматлари фақатгина жаҳон теннисига ёрқин юлдузлар етиштириб бераётганлигида эмас. Унинг энг катта аҳамияти Ўзбекистонда аёллар теннисини ривожлантириш ҳамда оммавийлигини оширишдадир. Мазкур мусобақа боис Ирода Тўлаганова жаҳонда тан олинди, дунё рейтингида 16-поғонага кўтарилди, Оқгул Омонмуродова 50-поғонага чиқди, ўсиб келаётган бошқа ўзбек теннисчилари ҳам Аёллар теннисидаги илк қадамларини

ўз юртлирида бошлаб, номдор юртдошларига эргашишга ҳаракат қилмоқдалар.

“Toshkent open” халқаро теннис турнири Ўзбек тенниси таракқиётида алоҳида ўрин тутати. Мазкур мусобақа туфайли минглаб қизларимиз қалбида бу ажойиб турга ҳавас уйғонди. Бугунги кунда жаҳон теннис ҳамжамиятида ўз номи, ўз обрўсига эга Ирода Тўлаганова, Окгул Омонмуродова сингари теннис юлдузларимиз ҳам халқаро майдондаги илк қадамларини “Toshkent open” турнирида бошлаганлар. Уларнинг ҳар иккаласи жаҳон тасниф жадвалида кучли эллик нафар теннисчи қаторидан жой эгаллади. Ирода Тўлаганова 2004 йили Афина олимпиадасида Ватанимиз шарафини ҳимоя этган бўлса, Окгул Омонмуродова Пекинда ўтказилган энг нуфузли халқаро универсиада мусобақасида Ўзбекистон номидан кортга чиқди. Шундай истеъдодли қизларимиз туфайли музаффар байроғимиз халқаро ареналарда сарбаланд ҳилпирамокда, серкуёш ўлкамиз мадҳияси баралла янграмокда.

Ўзбекистонлик қизлар сўнгги йилларда сезиларли ютуқларга эришдилар. Асосийси у терма жамоа етакчисига айланиб, тажрибали Окгул Омонмуродова ва ғайратли ёшларимиздан: Нигина Абдураимова, Диляра Саидходжаева, Альбина Ҳабибулина, Сабина Шариповалар билан биргаликда Федерация кубогига Осиё зонаси ғолибига айландилар.

“Toshkent open” WTA турнирлари орасида ўз ўрни, нуфузига эга бўлиб бораяпти. Дунё теннис ҳамжамияти “Toshkent open”ни ёш иқтидорлар учун профессионал теннис оламига космодром вазифасини бажараётган мусобақа сифатида эътироф этилмокда. Ўз навбатида пойтахтимизда илк титулларига эга теннис юлдузларининг кейинги фаолиятлари давомидаги муваффақиятларини ҳам Ўзбекистонликлар катта қизиқиш билан кузатиб боришади. “Toshkent open”нинг турли йиллардаги ғолибалари Никол Вайдишова, Микаэлла Крайчек, Сун Тянтян сингари ракетка усталарининг ҳар бир мусобақадаги зафарли юриши ёки жаҳон таснифидаги юқори поғонага кўтарилишини биз ракетка усталари Ирода Тўлаганова, Окгул Омонмуродова ҳамда Варвара Лепченконинг ғалабасидан кам кўрмаймиз. Шу маънода “Toshkent open”га келаётган теннисчиларнинг барчаси биз учун кадрдонга айланмокда десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон заминидаги илк турнирлариданок уларнинг дастурига болалар учун турли тадбирлар киритиб келинмокда. Бу эса

мамлакатда болалар теннисини ривожлантириш, янги истеъдодларни кашф этиш дастурининг энг муҳим бандларидан биридир.

Тошкент очик чемпионатининг кўп йиллик анъаналарида теннис клуби тарбияланувчилари ҳамда эндигина қўлига ракетка тутаётган болалар учун “болалар кунида” теннис алифбосидан сабоқ бериш йўлга қўйилган. Болаларнинг орасидан мураббийлар иқтидорларни клубларга танлаб олмоқдалар. Ёш истеъдодчиларни тарбиялашда мураббийлардан Х.М. Абидова, Ш.К. Газиев, Г.К. Сирожиддинова, Т. Курбанов, С.Ҳайрова, Т.Сирожиддинов, Э. Саиджамилловаларнинг ҳиссалари катта.

I. ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕННИСНИНГ ТАРИХИ ВА ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Ўзбекистонда теннис XX асрнинг бошларида вужудга кела бошлади. Биринчи теннис майдончаси 1903 йилда Тошкент шаҳрида барпо этилди. Кекса теннисчиларнинг ҳикоя қилишларича, ҳатто Бухоро Амирининг теннис корти бўлган экан. Табиийки, теннис билан шуғулланиладиган бундай ўчоқлар доимий бўлмаган. Улар ташаббус пайдо бўлиши биланоқ юзага келган ва вазият ўзгариши билан йўқолган. У вақтларда ҳеч қандай теннис ҳаракатлари ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди. Шу даврда Туркистонда расмий мусобақалар ўтказилмаган.

20-йиллар ўрталари ва 60-йиллар бошларигача мувофиқ давлат органлари раҳбарлиги остида доимий теннис базалари ташкил этилган, теннис ҳаракатларининг тузилмаси ва мувофиқ анъаналари юзага келган. Маълумки, 1928 йилда Тошкент шаҳрида теннисчиларнинг етарлича мураккаб таснифи тузилган.

Шу йилларда мураббийлар А.Е. Плотников, А.В. Каплан, Е. Козлов, М.Ф. Ячменева муваффақиятли ишладилар. Россиялик теннисчилар билан алоқа доираси кенгайди.

1959 йилдан эътиборан Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти теннис бўйича мураббийлар ва бошқа мутахассисларни тайёрлай бошлади. Шу йиллар давомида бу ерда мингдан ортиқ малакали мутахассислар ҳаётга йўлланма олдилар. Ҳозирги кунда теннис бўлимида 50 дан ортиқ талаба таҳсил олмоқда. 100 дан ортиқ мураббийлар Ўзбекистоннинг турли вилоятларида иш олиб бормоқдалар, улар учун малака ошириш бўйича профессионал мактаблар яратилган.

1960 йиллар бошларида республиканинг теннис ҳаётига теннис мураббийларининг янги авлоди фаол тарзда қўшила бошлади. Уларнинг фаолияти катта ташкилий қобилиятлари билан ажралиб туради. Бу вақтга Ўзбекистонда замонавий теннис ривожининг дастлабки давларини киритиш мумкин.

Теннисни ривожлантиришда сезиларли муҳим босқичлари 70 йилларда 11 очик кортга эга бўлган «Динамо» Тошкент теннис стадионининг қурилиши тугатилиши бўлди. Ушбу давр теннисининг ривожланиш тенденциясини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Г.А. Дашевскийнинг ижодий таржимаи ҳоли жуда яхши кўрк беради. Теннис бўйича Ўзбекистоннинг терма командалари

билан иш бошлаган ҳолда у теннис қурилиши ва тенниснинг моддий базаси ривожланишида маълум муваффақиятларга эришди. Теннис активларига республиканинг машҳур инсонларини жалб қилиб ва уларнинг ёрдамларидан фойдаланган ҳолда у янги сифатли теннис базаларини яратди.

Ушбу даврнинг етакчи мураббийлари В.А. Каплан, В.Н. Камельзон, В.А. Пушкарёв, Н.Н. Шутов, Р.Н. Ибрагимова ва бошқаларнинг фаолиятлари ўзига хос хусусиятга эга. Аммо айтиш мумкинки, уларнинг хизматларига кўра ўша даврда Тошкент шаҳрида биз «Динамо», «Буревестник», «Пахтакор» каби ажойиб теннис мажмуаларига эга бўлдик, бу мажмуалар йирик ва энг яхши теннис базалари қаторига киради. Ундан ташқари яна теннис стадионлари ва алоҳида майдончалар мавжуд эди. Тошкент шаҳрида нуфузли халқаро мусобақалар, шунингдек халқаро ёшлар турнирлари ўтказилган.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга хусусан Республикамиз мустақилликни қўлга киритгандан сўнг теннисга ҳам бошқача ёндашув пайдо бўлди. 1992 йилга келиб, Ўзбекистон теннис Федерацияси ITF таркибига ассоциация ҳуқуқига эга бўлган ҳолда қабул қилинди. Таъкидлаш жоизки, Доминикан Республикасидаги Конгрессда Ўзбекистондан ташқари МДХнинг яна икки мамлакати - Россия ва Украина ҳам ITF таркибига қабул қилинди.

Ушбу йиллар давомида ўзбекистонликлар жаҳон теннис элитасига киришнинг барча босқичларидан ўтдилар. Осиё ва Океания ҳудудининг 3 гуруҳидан бошлаб, 1994 йил апрель ойида Катарда «Девис Кубоги» олий лигасига саралаш матчларигача етдилар.

Мамлакат ҳукумати, шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ташаббус билан республикада теннисни ривожлантиришга доимо давлат эътиборини қаратиб келди. 1998 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Тенниснинг келгусида ривожлантириш бўйича чоралар тўғрисида» ги махсус қарор қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда дастлабки йиллар тажрибали умумлаштирилган ва янги истиқболлар белгилаб берилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан Ўзбекистон Теннис Федерациясининг ташкилий тузилмаси маъқулланган. Теннис клублари Ўзбекистонда теннис ҳаракатлари тизимидаги асосий бўғин эканлиги маълум бўлди.

Халқ Таълими Вазирлиги билан ҳамкорликда мактабларда 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб ўқув жараёнига «мини-теннисни» жорий

қилиш ва келгусида ривожлантириш бўйича халқаро лойиҳа асосида тажриба ўтказиш бўйича дастур тайёрланди. Республикадаги 17 та мактабдаги бошланғич синфлар (1-3 синфлар)да дастлабки қадамлар қўйилди, «мини-теннис» бўйича дарслар доимий тарзда олиб борилмоқда. Ушбу дастурга ITF ўз хиссасини қўшмоқда. Ўзбекистон ITF дан мингта ракетка, тўрт мингдан ортиқ коптоқлар олди. Ҳозирги кунда уч мингдан ортиқ бола «мини-теннис» билан шуғулланмоқда. Болаларнинг орасидан мураббийлар иқтидорлиларини клубларга танлаб олмоқдалар. Болалар билан ишлайдиган мураббийларни тайёрлаш бўйича теннис мактабларини яратиш тўғрисида низом ишлаб чиқилган.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистонда теннис бўйича 45 та мусобақа ўтказилмоқда. Мусобақаларнинг ишлаб чиқилган календари барча ёшдаги гуруҳлар учун мўлжалланган. Ҳар йили эркаклар орасида: Андижон, Наманган, Гулистон, Фарғона, Қаршида «Фьючерслар», Самарқандда «Челленжер», «Тошкент-Опен» WTA аёллар турнирлари ташкил этилмоқда.

МДХ мамлакатларининг ҳеч бирида Ўзбекистондаги каби кўп сонли мусобақалар ўтказилмаяпти. Тошкентда ўтказилган аёллар «Челленжер»и WTA календаридида катта нуфузга эга бўлди. Мукофот фонди 25 мингдан 112,5 минг АҚШ долл.гача кўтарилди.

Ўзбекистон Кубкасининг таъсис этилиши мамлакатимиз спорт ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Таъкидлаш жоизки, ушбу миллий турнир ташаббускори ва бош ҳомийси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов ҳисобланади. Турнир илк бор 2001 йилнинг апрель-октябрь ойларида тўрт босқичда Сирдарё, Бухоро, Наманган, Фарғона ва Тошкент кортларида ўтказилган. Унда республикаимизнинг барча вилоятларидан келган командалар иштирок этди. Ўзбекистон кубоги мамлакатимиз ёш теннисчилари орасидан энг иқтидорли спортчиларни аниқлаш, уларни профессионал даражага етказишда муҳим аҳамият касб этди. Турнир ҳақиқий маҳорат мактаби сифатида теннисни ривожлантиришда алоҳида ўринга эга. Ушбу кубок мусобақалари республикаимиз вилоятларида қобилиятли теннисчилар етишиб чиқаётганини кўрсатди.

Ўзбекистон кубоки жойларда тенниснинг қандай ривожланаётгани, қайси жабҳадаги спортчиларда юқори салоҳият мавжуд аниқлаш имконияти туғилди. Ўзбекистон кубоги беллашувларида тошкентлик спортчилар биринчи ўринни эгалладилар.

Республикамизда янги миллий турнир учун асос яратилди. Бу эса-теннис ва спортимизни нисбатан юқори даражага кўтаришдан далолат бермоқда.

Шубҳасиз, мамлакатимизда бугунги кунда теннисни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани Ирода Тўлаганова, Оқгул Аманмурадова, Денис Истомин, Мурод Инаятов, Сарвар Икромов каби тенниснинг янги ёрқин юлдузлар пайдо бўлишига кўмаклашади.

Ўзбекистоннинг теннис дунёсида қўлга киритган барча ютуқлари—Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббус ва ёшларга бўлган эътибори, шунингдек ITF нинг фаол кўмаги туфайли амалга оширилмоқда.

II. ХАЛҚАРО ТЕННИС ТАШКИЛОТЛАРИ

2.1. ATP Tour

Профessional теннисчилар уюшмаси тури (АТР) – эркаклар профессионал теннисининг асосий ташкилоти.

Турнинг бош манзили Понте Ведро (АҚШ) да, минтақавий манзили Сиднейда («Халқаро гуруҳ») ва Монте-Карло (Европа) да жойлашган.

Иштирокчилар ташаббуси билан 1990 йилда ташкил этилган АТР Tour теннисчилар манфаатларини ҳимояловчи ўзига хос мустақил касаба уюшмасига айланди. Ҳозирда у мингдан ортиқ спортчиларни бирлаштирувчи ва жаҳонда теннисни ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича фаолият юритаётган мустақил ташкилотдир. АТР Tour фаолиятини Халқаро теннис федерацияси билан ҳамкорликда амалга оширади.

2.2. ATP tourнинг юзага келиши

Профessionalлар учун қизиқувчилар турнирлари очик бўлганда (шу даврдан бошлаб, «Очик аср» ва «Очик чемпионатлар» ҳақида гап кетади) Теннисчиларнинг турнир директорлари ва ITF билан муносабатлари 1968 йилда сезиларлича мураккаблашди. Спортчиларнинг фикрича, 1965 йилдаёқ ўйинчилар манфаатлари «ҳимоялаш» учун ташкил этилган Халқаро профессионал теннисчилар уюшмаси (АТР) уларнинг талабларини ҳисобга олмай, бюрократия тузилмасига айланган. Профessionalларнинг талаблари орасида соврин қийматини ошириш биринчи ўринда туради, лекин айнан шу теннис раҳбарлари томонидан эътиборсиз қолдирилди.

1972 йилда Профessional теннисчилар уюшмаси (АТР) ташкил этилиб, унда ўйинчиларнинг ўзлари раҳбарлик қилдилар. АТРнинг биринчи президенти машҳур профessional теннисчи Клифф Дрисдейл бўлди. ПТУ ва ITFнинг ҳамкорлиги Халқаро ўйинчилар кенгаши (1979 йилда ташкил этилган) орқали амалга оширилди, бу «буфер» ташкилоти эркаклар теннисдаги якуний парокандаликни бартараф этилиши лозим эди. Бундан ташқари теннисчи ва функционерларнинг муносабатлари 1973 йилда навбатдаги инқирозни бошдан кечирди.

АТР аъзоси югославиялик «Дэвис кубоги» да миллий терма жамоада иштирок этишдан бош тортгани учун Франция очик чемпионатида, кейинчалик Уимблдон турнирида иштирок этиши ман

этилди. Югославия теннис федерациясининг ITF томонидан қўллаб-қувватланган бу қарори 1973 йилдаги Уимблдон турнирида жаҳоннинг етакчи теннисчиларининг Никола Пилич билан бирдамлигини намоён этган машҳур норозилигига олиб келди.

80-йиллар охирида Б. Борг, Д. Макинрой, Д. Коннорс ва И. Лендл сингари ёрқин шахслар туфайли эркаклар тенниси телевидение ва ҳомийлар эътиборини тортиб, турнир ташкилотчиларига юқори даромад келтира бошлади. 80-йиллар охирида спортчилар даромадларни тақсимлаш ва фойдали теннис бизнесини бошқаришда кўпроқ ҳуқуқларни янада қатъий талаб этишлари ажабланарли эмас.

1989 йилда теннисчилар ITF билан келиша олмай, қалтис ҳаракатни амалга оширдилар. АҚШ очик чемпионатидаги матбуот анжуманида шахсий АТР Tourни ташкил этиш тўғрисида маълум қилинди, бу эркаклар тенниси тарихида янги давр бошланганини англатади.

1990 йил январида ўтказилган АТР Tourнинг нуфузли ҳомийси турнирларнинг ҳакамлик хизмати ва жаҳон рейтингини юритиш учун электрон ускуналарни етказиб берган IBM Америка корпорацияси бўлди.

Ҳозирда АТР Tour олти қитъадаги 30 дан ортиқ мамлакатда 77 турнирни ўз ичига олади.

2.3. АТР Tourнинг тузилиши

АТР Tourнинг юқори бошқарув органи Директорлар кенгаши ҳисобланиб, унга ўйинчи ва турнир ташкилотчиларидан уч вакил киради. Унинг раиси Марк Майлсдир.

Директорлар кенгаши теннисчилар манфаатларини ҳимоя қилувчи ўйинчилар кенгаши ва минтақавий принцип бўйича танланган мусобақа ташкилотчиларидан (13 аъзо) иборат Турнир кенгаши билан узвий мувофиқликда фаолият юритади.

2.4. АТР Tour турнир жадвалининг тузилиши

АТР Tour 4 тоифадаги турнирларни ташкил этади:

- «Супер тўққизлик» (Mercedes Super 9), ўртача мукофот фонди 2 250 000 доллар;
- серия (Chempionship Series), мукофот фонди 625 000 – 1500 000 доллар;
- жаҳон серияси (World Series), мукофот фонди 175 000 – 1 375 000 доллар;

- челленжерлар (Chellengers), мукофот фонди 50 000 – 125 000 доллар;

Шунингдек, турнирлар «ҳафталик» (Single Week Tournament's) ва ўн кунлик (Double-Up-Week Tournament's).

АТР Tour доирасида учта жаҳон чемпионати ўтказилади:

- яккалик разрядида финал турнири, мукофот фонди 3 300 000 доллар;

- жуфтлик разрядида финал турнири, мукофот фонди 500 000 доллар;

- 8 та энг яхши терма жамоалардан иборат Жаҳон жамоа кубоги («Пежо Кубоги»), мукофот фонди 19 00 000 доллар.

2.5. АТР Tour рейтингининг юритилиши

АТР Tour рейтинг баҳолари ҳисоби тизими сўнгги 52 ҳафтада (жорий ҳафтани киритган ҳолда) теннисчилар кўрсатган натижаларга асосланади. Сўнгги 52 ҳафтада улар ўйнаган турнирлар сонидан қатъи назар 14 та энг яхши натижа қўшилади.

Юқори жорий рейтингга эга рақиблар устидан ғалаба эришгани учун ўйинчига қўшимча баҳолар (бонуслар) берилади. «Катта шлем» сериясидаги турнирларда бонуслар икки марта оширилади.

2.6. Халқаро Теннис федерацияси (ITF)

Халқаро Теннис федерацияси (International Tennis Federation-ITF) – ҳозирда 190 дан ортиқ мамлакатнинг миллий федерацияларини бирлаштирувчи асосий халқаро теннис ташкилоти. ITF бош манзили Лондонда жойлашган. Ҳозирда ITF фаолияти соҳасига теннис жадвалидаги тўрт асосий чемпионат – «Катта шлем» (GRAND SLAM Tournament) турнирларини ташкил этиш, шунингдек «Девис кубоги» (эркаклар ўртасида) ва «Федерация кубоги» (аёллар ўртасида), Олимпия теннис турнирлари, NEC ёшлар ўртасида жаҳон кубоги (World Youth by NEC) ва NTT ёшлар жаҳон чемпионати (NTT World Tennis Event) норасмий жаҳон жамоа биринчиликларини ўтказиш киради.

ITFнинг асосий вазифаларидан бири теннис қоидаларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш ҳисобланади.

2.7. ITFнинг юзага келиши

Халқаро Теннис федерацияси спорт оламидаги энг қадимий халқаро ташкилотлардан биридир.

1911 йилда ягона жаҳон теннис ташкилотини тузиш ғоясини америкалик Дьюэн Уильямс илк бор таклиф этган эди. Унинг ғоясини ўша даврда Швейцария теннис уюшмасининг фахрли котиби Шарль Бард ва Француз Теннис федерацияси Президенти Анри Валлет қизғин қўллаб-қувватлаганлар.

1913 йилда Парижда Халқаро «лаун-теннис» федерацияси ташкил этилган (у 1977 йилда Халқаро Теннис федерацияси деб номланган). Афсуски, Таъсис Конгрессида Дьюэн Уильямс иштирок эта олмади, чунки у бир йил аввал «Титаник» кемаси ҳалокатида ҳалок бўлган эди. Шундай қилиб, 12 мамлакат вакиллари орасида АҚШ вакили бўлмаган.

12 мамлакат – Австралия, Осиё (Австралия ва Янги Зеландия Федерациялари бирлашмаси), Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Голландия, Дания, Россия, Швеция, Швейцария, Франция ва Жанубий Африка миллий федерациялари вакиллари янги ташкилотнинг таъсис ҳужжатини имзоладилар. Шундан буён ITF жаҳонда теннисни оммалаштириш ва тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этувчи йирик ва нуфузли спорт ташкилотига айланди.

2.8. ITFнинг ташкил этилиши

ITF юқори бошқарув органи – Бош Ассамблея (Annual General Meeting), у ҳар йили жаҳон теннисини ривожлантириш долзарб муаммоларининг муҳокамаси учун ўтказилади. Ҳар икки йилда Бош Ассамблеяда Президент (ҳар 4 йилда сайланади) бошчилигидаги 13 кишидан иборат Ижроия қўмитаси (Committee of Management) сайланади.

ITFнинг маъмурий ҳайъатини Бош менежер бошқариб, 10 та эркактар, аёллар, фахрийлар, ўсмирлар тенниси, маркетинг, ОАВ, Олимпия теннис турнирлари, техник ва молиявий ривожлантириш бўлимларига умумий раҳбарликни амалга оширади.

Ижроия қўмитасига ITFнинг турли йўналишлари бўйича қуйидаги қўмиталар бўйсунди:

- «Катта шлем» қўмитаси, Австралия, Франция, Англия ва АҚШ Миллий федерациялари билан бирга «Катта шлем» турнирларини ташкил этишга жавобгар;
- «Дэвис кубоги» қўмитаси. 1900 йилдан эътиборан ўтказиб

келинаётган норасмий жамоавий жаҳон чемпионати, у ITF жадвалида нуфузли ва кенг миқёсли, замонавий спортда йиллик энг муҳим жамоавий турнир, «Дэвис кубоги» да 131 мамлакат спортчилари иштирок этади;

- «Федерация кубоги» кўмитаси. 1963 йилда ITF томонидан таъсис этилган аёллар ўртасидаги норасмий жаҳон биринчилиги;

- Олимпия турнирлари кўмитаси 1924 йилга қадар Олимпия ўйинлари дастурларига ўзгаришсиз кирган теннис, 64 йилдан сўнг Сеулда (1988 й.) Олимпия фанлари «оиласи» га қайтди;

- Профессионал теннис кўмитаси маъмурий вазифаларни бажаради;

- ёш теннисчи қизларнинг аёллар турнир даври («Фьючерс» - WFC) ҳозирда 50 дан ортиқ мамлакатда 5 дан 75 минг долларгача мукофот фондига эга 200 дан ортиқ мусобақаларни жамлайди. Эркаклар Тури («Челленжер» - ST) 85 турнирларни ўз ичига олади. Икки турнир даври ҳам профессионал теннисда фаолиятини бошлаётган ёш спортчилар учун «трамплин» сифатида хизмат қилади. Икки Турдаги асосий мусобақа ғолиблари Профессионал теннисчилар уюшмаси ва Аёллар теннис уюшмасининг рейтинг баҳоларига эга бўладилар.

- Фахрийлар теннис кўмитаси. Халқаро фахрийлар тенниси уюшмаси билан ҳамкорликда фахрий теннисчилар ҳаракати масалаларини ҳал этади. 50 дан ортиқ мамлакат вакиллари ҳар йили 13 та ёш гуруҳида фахрийлар ўртасидаги ITF чемпионатларида иштирок этадилар. 1992 йилдан ITF фахрийларнинг компьютер рейтингини юритади.

- ногиронлар тенниси кўмитаси ногиронлик аравачасидаги теннисни ривожлантириш ва оммалаштириш билан шуғулланади. Халқаро ногиронлик аравачасидаги теннис федерацияси (IWTF) таъсис этилган кунидан (1988 й.) ITF патронажида фаолият юритади ва NEC япон корпорацияси ҳомийлигида Халқаро Турини ташкил этади. 1992 йилдан ногиронлик аравачасидаги теннисчиларнинг компьютер рейтингини юритилади;

- теннис қоидалари кўмитаси ITF қоидаларига ўзгартиришлар, шунингдек уларга қўшимчалар ишлаб чиқиш билан шуғулланади. ITF ташаббуси билан ўтказилаётган ҳамма мусобақалардаги қоидаларга риоя этишни назорат қилиш унинг вазифаларига тааллуқли;

- молия ва техника кўмиталари мусобақаларни тайёрлаш ва ўтказишда молия ва техника жиҳатлари билан мувофиқ тарзда

шуғулланади.

ITF таркибига қуйидаги уч комиссия киради:

- тиббиёт комиссияси (1985 йилда ташкил этилган), Халқаро Олимпия қўмитасининг допинга қарши дастури, допинга қарши назоратнинг бир қисми сифатида, шунингдек теннисчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва жароҳатланишларнинг олдини олиш билан шуғулланади;

- мураббийлик комиссияси, етакчи мураббийларнинг тажриба алмашуви, шунингдек илғор машғулот услубларини оммалаштириш мақсадида ташкил этилган;

- матбуот комиссияси (1984 йилда ташкил этилган), у оммавий ахборот воситалари билан ўзаро муносабат масалалари билан шуғулланади.

ITF шахсий фондлари орқали теннис ташкилотлари ва миллий федерация турнирларини молиявий қўллаб-қувватлайди:

- «Катта шлем» (1991 йилда асос солинган) ривожлантириш фонди – «Катта шлем» кубоги даромадларидан ажратилган йиллик бюджет 2 млн. доллар, қисман «Катта шлем» турнирлари, шунингдек, аввало ўсмирлар теннисини қўллаб-қувватлашга мўлжалланган «ITFнинг глобал тараққиёт дастури»ни молиялаштиради;

- ITF фонди миллий теннис федерациясини қўллаб-қувватлайди. ITF ҳамда теннис жиҳоз ва ускуналарини тайёрловчи йирик фирмалар ҳамкорлиги натижасида ташкил этилган. 1978 йилдан ITF ҳар йили ҳамма разрядлардаги катталар ва ўсмирлар, шунингдек ногиронлик аравачасидаги теннисчилар орасидан жаҳон чемпионларини аниқлайди.

- ITF шахсий матбуот органи – ойлик «ITF News» (1986 йилдан чиқади) газетасини нашр этади. Бошқа нашрлар – йиллик «Мир тенниса» (Теннис олами – World of Tennis 1968 йилдан нашр этилади), ITF (Rules of ITF), теннис қоидалари (Kules of Tennis).

2.9. «Дэвис кубоги»

Бу эркаклар ўртасидаги энг нуфузли норасмий жамоа чемпионати. У Дуайт Ф. Дэвис (АҚШ) томонидан 1900 йилда таъсис этилган. Ҳар йили ўтказилиб, 1910 йилдан 1915 йилгача – 1940 йилдан 1945 йилгача ўтказилмаган. Расмий номи: «Дэвис кубоги» (Davis Cup by NEC).

1981 йилдан нуфузли ҳомийси NEC ҳисобланади. Ёрдамчи ҳомийлар: Rado, Hugo, Boss, OpenVGM, Coca-Cola, Diadora, Heineker.

Бош соврин кумуш жом (умумий оғирлиги таг қисми билан-198 кг., бўйи – 33,02 см., диаметри – 46,99 см.), совринни Кубок асосчиси 750 доллар қийматида «Sherecve, Crump & Low» Бостон фирмасига буюртма қилган.

2.10. Дуайт Дэвис ким?

Дуайт Филли Дэвис – америкалик теннисчи, сиёсий арбоб, эркактар терма жамоалари ўртасидаги норасмий жамоа чемпионати таъсисчиси. У 1879 йил 5 июнда Сент-Луисда туғилган (1945 йил 28 ноябрда Вашингтонда вафот этган).

Д.Дэвис Гарвард университети талабаси бўлиб, таътил пайтида Массочусетсдаги талабалар оромгоҳида «лаун-теннис» билан шуғулланади. Курсдоши Х.Уорд билан бирга АҚШ университет чемпионатида ғалаба қозонади (1898 йил). Кейинги йили Д. Дэвис ва Х.Уорд жуфтлик разрядида ғолиб бўладилар ва уни уч йил давомида сақлаб турадилар.

1898 йилда Д.Дэвис финалда яккалик разрядида ўйнаб, тўрт сетда М. Уитлонга ўйинни бой беради.

1901 йилда Х.Уорд билан Уимблдон «челленжер-раунди» да ўйнайдилар - америкаликлар ўша даврдаги кучли жуфтлик–англиялик ака-ука Дохертиларга ўйинни бой берадилар.

Д.Дэвис ўзи таъсис этган, 1900 йилда Бостонда АҚШ ва Британия ороллари терма жамоалари ўртасида илк бор ўйналган «Чақирик кубоги» да яккалик ва жуфтлик (Х.Уорд билан) баҳсида ғалаба қозонади.

Д.Дэвис теннисдаги фаолиятини якунлагач, ҳарбий ва сиёсий фаолиятини бошлади. Генерал Д.Дэвис АҚШ мудофа вазири (1925-1929 йй.), кейинроқ Филиппин генарал-губернатори этиб тайинланган. Д. Дэвис чап қўлида ўйнаса ҳам орқа томонда ва тўр олдида қатъийликни йўқотмаган. Унинг техника захирасида энг кучли ва ўзига хос элемент («америкача айлантрилган» - «american twist» сифатида машҳур) кучли доира узатиш бўлган, сўнгги лаҳзада тўпга қатъий қўл ҳаракати билан кучли ўзгариш бериларди – бундай ҳаракат тўпнинг юқори ва эгри сакраши туфайли қийин ҳисобланарди.

Д.Дэвис АҚШ чемпионатида (Х.Уорд билан) жуфтлик разрядида уч бора ғалаба қозонган, 1899-1901 йй., 1901 йилда Уимблдон турнири жуфтлик разрядида финалчи бўлган.

2.11. «Дэвис кубоги» нинг бошқарув органлари

«Дэвис кубоги» мусобақаларини ўтказишга тааллуқли асосий масалалар фаолияти доирасига киради. ITF ҳар икки йил «Дэвис кубоги» қўмитасини белгилайди (Davis Cup Committee), унинг таркибига Раис (ITF Ижроия қўмитаси аъзоси) ва қўмитанинг камида 10 мавсум давомида «Дэвис кубоги» мусобақаларида иштирок этувчи мамлакатлар томонидан сайланган уч аъзоси киради.

Жаҳон ва ҳудудий гуруҳларда мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш, Кубок (ITF Ижро қўмитаси билан ҳамкорликда) мусобақаларини ўтказиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ва «Дэвис кубоги» эҳтиёжлари учун ITFнинг молиявий манбаларидан фойдаланишни назорат қилиш «Дэвис кубоги» фаолияти доирасига киради.

Кубок қўмитаси тайинлайдиган ва 4 кишидан иборат ҳудудий қўмиталар Раис билан бирга ўз минтақавий ҳудудлари, жумладан мусобақаларни ўтказишга ҳакамларни тайинлашга жавобгар, шунингдек мусобақаларни (масалан, ноқулай об-ҳаво шароитида) ўзгартиришга тааллуқли қарорларни қабул қилади.

«Дэвис кубоги» ни ўтказиш формуласи кўп бора ўзгарган. 1982 йилгача ўтган йилги ғолиб дастлабки (кейинроқ ҳудудлараро) турнир («челленжер-раунд») ғолиби билан ягона мусобақада ўз нуфузини ҳимоя қилган. 1972 йилда «челленжер-раунд» мусобақалари соддалаштирилди.

1923 йилдан бошлаб, икки ҳудуд – Европа ва Америкада мусобақалар ўтказилган. 1955 йилда шарқий (ҳозирда Осиё-Тинч океани) ҳудуд ташкил этилди. 1966 йилда Европа ҳудуди икки («А» ва «В») гуруҳ, 1967 йилда Америка ҳудуди – «Жанубий» ва «Шимолий гуруҳ» га бўлинди.

1981 йилда ҳозирда ҳам амалда бўлган янги формула қабул қилинди - Жаҳон гуруҳида 16 та кучли жамоа, 8 та терма – «сочма» («сочмалар» танловини «Дэвис кубоги» қўмитаси амалга оширади, у турли йилларда Кубокда иштирок этувчи мамлакат кўрсатган натижалар, шунингдек ўйинчиларнинг жорий рейтингини ҳисобга олади) асосий соврин учун кураш олиб боради.

Бошқа терма жамоалар қуйидаги минтақавий ҳудудлар бўйича тақсимланган:

- Евро-Америка ҳудуди, I, II, III (А ва Б кичик гуруҳлар), IV гуруҳлар (А ва Б кичик гуруҳлар);
- Америка ҳудуди, I, II, III, IV гуруҳлар;

- Осиё-Тинч океани, I, II, III, IV гуруҳлар.

Гуруҳларнинг таркиби мусобақа натижаларига кўра ҳар йили ўзгаради.

Жаҳон гуруҳининг Квалификацион турнирида (Qualifying Round) Жаҳон гуруҳи биринчи доирасида мағлуб бўлган терма жамоалар ва ҳар бир минтақавий ҳудуднинг ғолиб биринчи гуруҳ терма жамоалари учрашади.

Минтақавий ҳудудларда юқоридаги мағлуб ва қуйидаги ғолиб гуруҳлар ўртасида юқоридаги гуруҳга кириш ёки унда қолиш ҳуқуқини берувчи Квалификацион турнирлари ўтказилади.

Ўз майдонларида рақибларни қабул қилувчи терма жамоалар мусобақани ўтказиш ва майдонларни қоплаш жойларини танлаш ҳуқуқига эга. Маҳаллий ва сафардаги мусобақаларнинг мунтазамлиги кетма-кетлик принципи бўйича белгиланади (аввал ўз майдонида рақибни қабул қилган томон, кейинги мусобақани одатда сафарда ўтказди). Агар рақиблар аввал ўзаро учрашмаган бўлсалар, мезбон томон куръа ташлаш ёрдамида аниқланади.

1973 йилдан эътиборан «Дэвис кубоги» «очик» мусобақага айланди – мусобақаларга профессионал спортчилар расман киритилди.

2.12. Жамоа мусобақаси тартиби

Жамоа мусобақалари уч кун ўтказилади ва беш учрашувдан иборат бўлади:

- тўртта яккалик ва битта жуфтлик, тизим бўйича ҳар бири «best-of-five» (уч ғалабага эришилган сет) бешинчи сетда тай-брексиз (1989 йилгача Кубокда ўйналмаган). Мусобақанинг иккинчи кунидан сўнг ҳам ҳисоб жамоаларнинг бири фойдасига 3:0 бўлса, жамоа сардорларининг ўзаро келишуви бўйича қолган яккалик мусобақалари уч сетдан ўйналиши мумкин.

Мусобақанинг биринчи кунида терма жамоаларнинг биринчи ракеткалари (жорий рейтингга кўра жамоа сардорлари биринчи рақам остида эълон қилинган теннисчиларни аниқлайдилар) иккинчи рақам билан эълон қилинган рақибларга қарши ўйнайдилар. Иккинчи куни жуфтлик мусобақаси ўйналади. Учинчи кун биринчи ракеткалар мусобақаси билан очилади, тўртинчи яккалик мусобақасини иккинчи ракеткалар ўйнайдилар.

2.13. Қуръа ташлаш

Қуръа ташлаш биринчи яккалик учрашувидан бир кун аввал мусобақа бош ҳаками, ITF вакили, мусобақа ташкилотчилари ва мезбон томон иштирокида ўтказилади. Унинг моҳияти мусобақани очиб берувчи биринчи рақиблар жуфтлигини аниқлашдан иборат. Қуръа ташлаш учун махсус тайёрланган буюмдан (одатда, ваза ёки жом) биринчи мусобақа иштирокчисининг номи ёзилган қоғоз олинади – унинг рақибни автоматик тарзда аниқланади (агар қуръа ёрдамида биринчи рақам билан эълон қилинган ўйинчи аниқланса, у рақибларнинг иккинчи ракеткасига қарши ўйнайди, агар қуръа иккинчи ракеткага тушса, унинг рақибни бошқа терма жамоада эълон қилинган биринчи ракетка бўлади).

2.14. Иштирокчиларни эълон қилиш ва уларни алмаштириш тартиби

«Дэвис кубоги» терма жамоасига 3 дан 4 кишигача (ўйновчи сардор эълон қилинганда) ёки 4 дан 5 кишигача (ўйнамайдиган сардор эълон қилинганда).

Мусобақадан ўн кун олдин терма жамоанинг аввал эълон қилинган таркиби бир ёки бир неча бор тўлиқ алмаштирилиши мумкин. Мусобақадан бир соат аввал иккита алмашув амалга оширилиши мумкин.

Жуфтлик бирлашмаси таркибидаги ўзгаришлар жуфтлик баҳси бошланишидан бир соат аввал амалга оширилиши мумкин.

2.15. Тарихдан лавҳалар

«Дэвис кубоги» 1900 йилда Бостонда АҚШ (Д.Дэвис, Х.Уорд, М.Уитлон) ва Британия ороллари (А.Гор, Э.Блэк, Х-Р Баррет) терма жамоалари ўртасида илк бор ўйналган. Мусобақа америкаликларнинг 3:0 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. 1904 йилгача мусобақалар фақат АҚШ ва Буюк Британия ўртасида ўтказилган. 1904 йилда уларга Бельгия ва Франция, 1905 йилда Австралосиё терма жамоаси (Н.Брукс, Э.Уайлдинг) қўшилган, у 1907 йилда инглиз ва америкаликлар устунлигини бузиб, I Жаҳон урушигача Кубокни қўлга киритган.

1923 йилда 13 жамоа Кубок учун баҳс олиб борди. 1920 йилдан 1925 йилгача Кубокда буюк Б.Тилден, сўнгра (1927-1932 йй.) француз теннис «мушкетерлари» Ж. Боротра, А. Коше, Р. Лакост ва Ж. Брюньон машҳурликка эришганлар.

Урушдан аввалги ўн йилликда инглиз-америка рақобатига маҳоратли Австралия теннисчилари Ж. Кроуфорд, А. Квист ва Ж. Бромвич қўшилди. Ўша йилларда кортларда Ф. Перри, Д. Бадж, Г. Фон Крамм, Б. Риггс сингари моҳир теннисчилар ғолибликни қўлдан бермаганлар.

АҚШ терма жамоаси Ж. Крамер, Ф. Паркер ва П. Гонсалес сингари етакчи теннисчилар туфайли тўрт йил давомида ғалабани қўлдан бермаган. 1950 йилдан Кубок тарихида Австралия устунликка эга бўлган. 18 йил давомида (1950-1967 йй.) машҳур Г. Хопман терма жамоаси 15 марта ғолиб бўлган.

Сўнгги ўн йилликда мусобақалар янада оммалашди, «Дэвис кубоги» спорт тарихида йирик жамоа чемпионати бўлиб қолди. 1966 йилда Кубокда 131 та миллий терма жамоа қатнашди. 1962 йилда Россия терма жамоаси «Дэвис кубоги» ўйинларида илк бор иштирок этди. У икки бор (1974-1975 йй.) ҳудуд мусобақаларида ғалаба қозониб, ғолиблар тўртлигидан ўрин олди ва икки бор (1994-1995 йй.) «Жаҳон гуруҳи» финалига чиқди. А. Матвелли терма жамоа учун кўпгина учрашувларда қатнашди (14 йил давомида 105 мусобақа).

Эркаклар «Дэвис Кубоги» га ўхшаш Халқаро аёллар терма жамоалари Кубогини ташкил этиш тўғрисидаги фикр аввал ҳам, жумладан бир неча бор АҚШ чемпиони, АҚШ ва Буюк Британия аёллар жамоалари ўртасида «Кубок Уайтмен» номи билан машҳур жамоа чемпионатини таъсис этган америкалик Хазель Уайтмен томонидан билдирилган.

1962 йилда эса аёллар жамоавий мусобақалари ғояси ITF томонидан маъқулланган, у 1963 йилда 50 йиллигини нишонлаган. Лондондаги «Queen's Club»да бўлиб ўтган Кубокнинг биринчи ўйинини ташкил этишда ўша йиллардаги етакчи теннисчилар Маргерет Смит-Корт ва Билли-Жин Кингларнинг мадади ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлди.

Биринчи турнирда жаҳон норасмий чемпиони номи учун 16 терма жамоа курашди. Финалда икки энг жўшқин ташаббускорлар – австралиялик С.Корт ва америкалик Д.Кинг учрашдилар.

1967 йилгача иштирокчилар совринли ўринларни эгаллай олмаганлар. 1976 йилда «Colgate» америка косметика фирмаси Кубокнинг нуфузли ҳомийси бўлгач, вазият ўзгарди.

2.16. «Дэвис кубоги» рекордлари

Жамоа ғалабаларининг миқдори – АҚШ-31. Кетма-кет ғалабалар сони – АҚШ -7 (1920-1926 йй.).

Энг узок давом этган мусобақа (сетлар сони бўйича) қуйида берилган:

- яккалик разрядида – Г.Фритц (Канада) – Х.Эндрю (Венесуэла) 16\14, 11\9, 9\11, 4\6, 11\9 (100 гейм) – 1932 йил.

- жуфтлик разрядида - С.Смит\ Эван Диллен – Х.Фильол\ Ш.Корнехо: 7\9, 37\39, 8\6, 6\1, 6\3 (122 гейм, Кубок тарихида давомийлиги бўйича иккинчи рекорд сети) – 1973 йил.

Кубок тарихида энг давомий жамоа мусобақаси 113 кун давом этган.

Брисбанда (1976 й.) Шарқий ҳудуднинг Австралия-Янги Зеландия финали. Кучли ёмғир туфайли мусобақа тўхтатилиб, Ноттингемда (Англияда) давом эттирилди. Унда австралияликлар 3:1 ҳисобда ғалаба қозондилар.

Кубокда ўйналган матчлар миқдори бўйича Н. Пьетранджелли (Италия) рекорд натижага эришди. У 66 жамоа баҳсларида иштирок этиб (1954-1972 йй.), 164 матчда 120 та ғалаба қозонди.

2.17. Федерация кубоги

Аёллар терма жамоалари ўртасида жаҳон норасмий жамоа чемпионати. Расмий номи – KB Fed Cup. У 1963 йилда ИТФнинг 50 йиллиги муносабати билан таъсис этилган. Нуфузли ҳомийси (1966 йилдан) – «Komerční Banka» (Чехия).

1988 йилда Федерация кубоги ўйинларида 99 мамлакат (Кубок ташкил этилгандан буён рекорд сон) иштирок этди.

2.18. Регламент

Жаҳон гуруҳида 8 терма жамоадан икки гуруҳга бўлинган 16 жамоа кураш олиб боради.

1-жаҳон гуруҳи (кучли жаҳон терма жамоалари) ва 2-жаҳон гуруҳи. Минтақавий турнирларда географик ҳудудларга бўлинган бошқа терма жамоалар мусобақалашади.

Халқаро Теннис федерацияси қоидаларига кўра Федерация Кубогида иштирок этувчи терма жамоалар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- тўрт теннисчи ва ўйнамайдиган ўйинчи (капитан) ёки;
- уч теннисчи ва ўйновчи капитан ёки;

- уч теннисчи ва ўйновчи ёки ўйнамайдиган капитан.

Мусобақа разрядида тўртта яккалик ва жуфтлик разрядида битта учрашувдан иборат. Ҳамма яккалик ва жуфтлик учрашувлари 3 сетдаги тай-брексиз 3 сетдан ўтказилади. Жаҳон гуруҳидаги мусобақалари қуръа ёки рақиб кортидаги кетма-кет ёки «уйдаги» кортларда ўтказилади.

1-доирадаги Жаҳон гуруҳи ғолиблари «play on» “ўтувчи” (переходной) саккизта кучли жамоанинг 1-доира турнирида мағлуб бўлган терма жамоаларга қарши Жаҳон гуруҳига чиқиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун курашади.

Худуд турнирларида ғолиб бўлган терма жамоалар Квалификацион турнирида 1-доира Жаҳон гуруҳи турнирида мағлубиятга учраган терма жамоалар билан «ўтувчи» мусобақаларда Жаҳон гуруҳида иштирок этиш ҳуқуқи учун курашади.

2.19. WTA Tour

Аёллар теннис уюшмаси тури (Women's Tennis Association Tour) аёллар профессионал теннисининг раҳбар ташкилоти. Унинг бош манзили Стэмфордда жойлашган (Коннектикут, АҚШ).

«Виржиния Слимс» дан WTA Tourгача

WTA Tourнинг тарихи машҳур америка теннисчиси Билли Жин Кингнинг номи билан боғлиқ, у теннисчи аёлларнинг камситилишини бекор қилиш, шу жумладан ҳамкасб эркалар билан тенг совринли ўринлар учун биринчилардан чиққан. Лос-Анжелосда эрка ва аёллар мусобақаларида совринли ўринларнинг номувофиқ нисбатини эълон қилган нуфузли турнир ташкилотчиларининг қарори теннисчи аёлларнинг сабр косасини тўлдирди.

Билли-Жин Кинг ва Рози Казалс «World Tennis» журнали ношири Глэдис Хелдманга ёрдам сўраб мурожаат этдилар. Хелдманнинг илтимосига кўра «Филип Моррис» корпорацияси раҳбарияти 7500 мукофот фондига эга ва Лос-Анжелосдаги турнир сингари Техаснинг пойтахтида ўтказилувчи «Virginia Slims of Houston» турнирига ҳомийлик ёрдамини кўрсатишга рози бўлди. Тўққиз теннисчи (П.Бартковитц, Р.Казалс, Ж.М.Хелдман, Б.Ж.Кинг, К.Пиджон, Н.Ричи, В.Цайгенфус, Ж.Дольтон, К.Мелвилл) «Виржиния Слимс» (машҳур аёллар сигаретаси нави бўйича) номини олган мустақил турнир даврини ташкил этдилар.

Р.Казалс «Виржиния Слимс» сериясининг биринчи турнири

ғолиби бўлиб, 1600 доллар миқдорида ютуққа эришди. «Филип Моррис» компанияси қиш ойларида АҚШнинг турли шаҳарларидаги ёпиқ кортларда ўтказилган мустақил аёллар турнирини молиявий қўллаб-қувватлашни давом эттирди.

1971 йилдаги Тур АҚШнинг 19 шаҳрида 309 100 доллар умумий мукофот фондига эга мусобақалардан иборат бўлди. 1972 йилда унда 60 теннисчи иштирок этди. Шу йили Калифорниянинг Бока-Рейтон шаҳрида биринчи «Virginia Slims Champion ship» финал турнири бўлиб ўтди.

1973 йил 22 июлда Лондондаги Gloucester Hotel меҳмонхонасида 62 теннисчи иштирокидаги мажлисда Аёллар Теннис Ташкилоти (WTA) мустақил ташкилоти таъсис этилди. У Тур бошқарувини ўз зиммасига олди.

1994 йилда аёллар профессионал тенниси тузилмаси WTA Tour ягона ташкилотига бирлашди.

1996 йилда «COREL» Канада фирмаси Турнинг нуфузли ҳомийси сифатида намоён бўлди.

Ҳозирги кунда WTA Tour жаҳон, аёллар спортида энг миқёсли турнир даври ҳисобланади. У 54 турнир, шу жумладан 23 мамлакатда ўтувчи «Катта шлем» турнири ва Федерация кубогини ўз ичига олади. 76 мамлакатдан 1000 дан ортиқ теннисчи аёл 1997 йилда умумий мукофот фонди 38 млн. АҚШ доллари миқдор фондига эга Турда кураш олиб борадилар.

2.20. WTA Tourнинг тузилиши

WTA Tourнинг юқори бошқарув органи Турнинг ижроия директори бошчилигидаги WTA директорлари кенгаши ҳисобланади.

WTA Tourнинг таркибига маркетинг, менежмент, ахборот тизимлари Турни бошқариш ўйинчилар билан алоқалар, спорт фани ва тиббиёт, турнир ишлари ва бизнес, шунингдек молиявий-маъмурий бўлимлар киради.

2.21. WTA Tour турнир жадвалининг тузилиши

Тур жадвалига қуйидаги турнирлар киради:

- Австралия, Франция, АҚШ чемпионатларининг очилиши ва Уимблдон турнири;

- **CHASI CYAMPIONSHIPS OF THE COREL WTA TOUR** чемпионати. Мавсумнинг якуний турнири ноябрда Нью-Йоркда ўтказилади. Унинг мукофот фонди 2 млн. доллар;

- қуйидаги тоифалардаги турнирлар: 1-тоифа (энг кам мукофот фонди - 926 250 АҚШ долларига эга 9 та турнир), 2-тоифа (энг кам мукофот фонди - 450 000 АҚШ долларига эга 14 та турнир), 3-тоифа (энг кам мукофот фонди – 164 250 АҚШ долларига эга 12 та турнир), 4-тоифа (мукофот фонди 107 500 АҚШ доллари бўлган 13 та турнир).

2.22. WTA Tour рейтингининг юритилиши

Теннисчиларнинг компьютер рейтинги йил давомида улар тўплаган баҳоларнинг арифметик йиғиндисига асосланади. Ҳар ҳафта тўпланган очколар янгиланади.

III. ТЕННИС ҚОИДАЛАРИ

3.1. Якка тартибдаги ўйинлар

3.1.1. КОРТ (ўлчами 40x20 м бўлган атрофи ўралган текис майдон).

Корт (теннис майдони) - узунлиги 78 фут /23,77м/ ва эни якка ўйинлар учун 27 фут /8,23м/, жуфтликлар учун 36 фут /10,97м/ бўлган тўғри тўртбурчакли майдон. Корт ўртасида кўндалангига майдонни тенг иккига бўлиб турувчи тўр/сетка/ тортилган бўлади. Тўрнинг юқори қисми қалин ипли арқон ёки симли тросс билан ён томондаги устунчаларга тортилган бўлиши керак. Устунчалар диаметри 6 дюйм /15см/ дан катта бўлмаслиги, баландлиги 3 фут 7 дюйм /109,5м/ бўлиб, жуфтлик майдон чизиғининг ҳар иккала томонидан 3 фут нарида ўрнатилган металл /қувур/ дан ясалади. Устунчаларга тўрнинг юқори тросли қисми ердан 3 фут 6 дюйм /1.07м/ баландликда боғланган ёки маҳкамлаб қотирилган бўлиши керак.

Якка тартибдаги ўйинлар учун умумий кортлардан фойдаланилганда, тўрнинг икки ён томонларига якка тартибдаги майдон чизиғидан 3 фут /0,914м/ нарида диаметри 3 дюйм /7,5см/ дан катта бўлмаган баландлиги 3 фут 6 дюйм /1,07/ устунчалар ёрдамида кўтарилиб туради. Тўр иккала устун орасини тўлиқ, эгаллаган бўлиб, таранг тортилган бўлиши керак, тўрнинг баландлиги марказда ердан 3 фут /0,914м/ бўлиб, шу жойда қалинлиги 2 дюйм /5см/ дан катта бўлмаган оқ рангли тасма билан пастга тортилган бўлиши керак. Тўрнинг тросс тортилган юқorigи чекка қисми иккала томонидан эни 2 дюйм /5см/ дан кичик бўлмаган, лекин 2,5 дюйм /6,25/ дан ошмаган оқ рангли тасма ёки матодан хошия қилиб ўралган бўлиши керак. Кортнинг ён ва орқа томонларидан тортилган чизиклар мос равишда ён ва орқа чизиклар деб юритилади.

Ён чизиклар орасидан якка ўйинлар учун 27 фут /8,23м/, жуфтликлар учун 36 фут /10,97м/ дан иборат. Тўрнинг ҳар икки томонидан унга параллел ҳолатда 21фут /6,40м/ оралиғида тўп узатиш майдонини белгиловчи чизик ўтказилади. Марказдан тўрнинг икки томонига майдон энини тенг иккига бўлувчи қалинлиги 2 дюйм /5см/ ли, ён чизикларга параллел равишда тўп узатиш майдонигача чизик тортилади. Бу тўп узатиш майдонининг марказий чизиклари деб юритилади.


Кортнинг орқа чизиклари ўртасидан майдон марказига қараб орқа чизикка перпендикуляр равишда узунлиги 4 дюйм /10см/,

қалинлиги 2 дюйм /5см/ ли, марказий чизикларни давоми сифатида чизикча тортилган бўлиб, у чизикчага марказий белги деб ном берилган. Корт майдонни белгиловчи чизикларнинг қалинлиги корт ўлчамлари ичига кириб бир хил рангда бўлиши, орқа чизик қалинлиги 4 дюйм /10/ дан ва бошқа чизиклари 1-2 дюйм /2,5-5см/ дан ошмаслиги керак.

Корт майдони атрофида ён чизиклардан 4 м ва орқа чизиклардан 8 м масофада симли ёки қалин ипли тўрдан тўкилган, мустаҳкам ўрнатилган тўсиқ-девор билан ўралган бўлиши керак. Тўсиқ билан корт чизиклари орасидаги майдон спортчиларнинг эркин-бемалол ҳаракатланиши учун зарур эркин кенглик деб аталади. Орқа девор ёки тўсиқлар кўзга ташланмайдиган рангли (оқ, сариқ, қизилдан бошқа) мато ёки бризент билан ёпилган бўлиб, ташқаридаги ҳаракат шарпалари кўринмаслиги керак. Тўсиқлардаги ҳар қандай реклама ёки бошқа ёзувлар жуда очиқ рангда бўлмаслиги, ўйин пайтида ўйинчилар кўриши учун ҳалақит қилмаслиги керак.

ТЕННИС МАЙДОНИ ЎЛЧАМЛАРИ

1. Узунлиги 23,77м.
2. Эни жуфт ўйин учун 10,97м, якка учун 8,23м.
3. Тўп узатиш майдони ўрта чизикдан 6.41 м нарида бўлади.
4. Чизикларни қалинлиги орқа чизикдан бошқа ҳамма жойда 5 см бўлиб, ўлчамлар ичига киради, орқа чизик 10 см бўлиб майдон ўлчамига киради.
5. Тўр баландлиги чеккада-1,07, ўртада –0,914 м бўлади.



Корт майдончалари ва чизиқларининг номлари



Изоҳ. Ҳаваскор теннисчиларнинг ўйинлари учун, орқа ва ён чизиқлардан кейинги эркин кенглик майдонлари мос равишда 5м ва 3м гача қисқартирилган бўлиши мумкин. ДЕВИС кубоги ва Федерация кубоги, халқаро Теннис Федерациясининг /ITF/ расмий чемпионатлари ўтказиладиган майдонлар учун орқа ва ён чизиқдан кейинги эркин кенглик майдонларига, тўсиқлар ва ундаги реклама-ёзувлар учун алоҳида ўзига хос талаб ва қоидалар мавжуд.

3.1.2. Доимий асбоб-анжомлар

Кортнинг доимий анжомларига қуйидагилар киради: тўр, устунлар, якка ўйинлар учун устунчалар, тросс, тасма, атрофини ўраб турган тўсиқ-деворлар, зарурат жойига қўйилган ўриндик-стуллар, ҳакамлар ўтирадиган баланд стул /устун/, ўз вазифасини бажараётган ҳакамлар, чизиқ ҳакамлари, тўп олиб берувчи болалар /болбой/, шунингдек ўйин бошқариб ўтказиш учун зарур предметлар /видеокамера, микрофон/ ҳам доимий анжомларга киради.

Агар жуфтлик ўйинлари учун тўр ва тиргак билан жиҳозланган кортда яккалик ўйинлари ўтказиладиган бўлса, у ҳолда тўрли устунлар ва тиргакларнинг ташқи томонидаги тўр қисми кортнинг доимий анжомларини акс эттиради ва тўрли устун ёки тўр қисмлари ҳисобланмайди.

Изоҳ. Аниқлик киритамиз: ҳакам, чизиқ ҳаками, болбой деганда муайян ўйинни ўтказиш учун тайинланган ва кортда бўлишга ҳуқуқига эга шахслар тушунилади.

3.1.3. Тўп

Теннис қоидалари билан ўйин учун тасдиқланган тўплар, қуйидаги техник талабларга жавоб бериш керак:

а) Тўпнинг устки қисми /сфера/ бир хилдаги қалин матодан /жунли/ бўлиб оқ ёки сариқ рангда, чоклари бўлса, билинмас даражада силлиқланган бўлиши керак. оғирлиги 56,7-58,5 граммга тенг бўлиши (1 унция 29,8 гр.га тенг) керак.

б) Теннис қоидалари асосида ўтказиладиган ҳар қандай расмий турнир ёки мусобақалар, сакраши, деформацияланиши ва ўлчамлари синовдан ўтган тўплар билан ўйналади. Улар халқаро теннис федерацияси /ITF/ маъқуллаган расмий тўплар рўйхатида бўлиши шарт.

в) ХТФ /ITF/ ўз ташаббуси ёки ишлаб чиқарувчилар, ўйинчилар ва бошқа қизиққан томонларнинг таклифига асосан Теннис

Қоидаларида кўрсатилган талабларига жавоб бериши ёки бермаслигини кўриб чиқиб, тўп тўғрисида ўз қарорини билдириши керак.

Мусобақа ташкилотчилари мусобақадан олдин қуйидагиларни эълон қилишлари керак:

- а) матчни ўтказиш учун тўплар сони (икки, уч, тўрт ёки олтита);
- б) агар кўзда тутилган бўлса, тўпларни алмаштириш.

Агар тўпларни алмаштириш кўзда тутилган бўлса, у қуйидагича амалга оширилади:

1) келишилган тоқ сонли геймлардан сўнг. Бу ҳолатда матчда тўпларнинг биринчи бор алмаштирилиши машқни ҳисобга олган ҳолда матч натижасидан аввал икки геймда ўтказилиши керак. Тай-брек тўпни алмаштириш учун битта гейм сифатида ҳисобга олинади. Тай-брек олдидан тўп алмаштирилмайди, балки кейинги сетнинг иккинчи геймига қадар қолдирилади;

2) ёки сет якунлангач.

Агар очко ўйналаётганда, тўп ёрилиб кетса, очко қайта ўйналади.

1-изоҳ. Очко ўйналиши якунлангач, тўп ёрилмаса-да, юмшаб (ички босим камайган бўлса), хусусиятини йўқотган бўлса, очко қайта ўйналмайди.

2-изоҳ. Турнирда мазкур қоидаларга кўра, фойдаланилувчи ҳар қандай тўп ITF томонидан маъқулланиши ва ITF матчларининг чоп этиладиган расмий рўйхатида келтирилиши керак.

3.1.4. Ракетка

Қуйидаги техник талаб меъёрларига жавоб бермайдиган ракеткалар, Теннис қоидалари билан маъқулланмаган ҳисобланади:

а) Ракеткани зарба уриш юзаси бир текисликда жойлашиб кесишган ва бир хилдаги материалдан иборат торлар билан тўқилган, ҳамда марказ қисми чеккасига нисбатан зичроқ тортилган бўлиши керак. Ракеткани иккала томонидан ҳам айнан бир хил зарба берадиган ҳолатда тортилган бўлиши лозим.

1-изоҳ. Ракетканинг урилувчи томонида торларнинг бир комплектидан фойдаланишга рухсат этилади.

2-изоҳ. Торлар бир текисда тортилган бўлиши керак.

3-изоҳ. Вибрация пасайтирувчи қурилма ракетканинг тўқилган торлардан ташиқарида жойлаштирилиши лозим.

4-изоҳ. Электр батареяси ўрнатилган ва ракетканинг ўйин

тавсифларига таъсир этувчи ракеткадан фойдаланиш ман этилади, чунки у қуёш батареялари ва бошқа шундай қурилмалар сингари қувват манбаи ҳисобланади.

3.2. Тўп узатувчи ва қабул қилувчи

Ўйинчилар тўрни қарама-қарши томонларида туришлари керак: Тўпни биринчи ўйинга киритадиган ўйинчи-узатувчи, унинг рақибини эса-қабул қилувчи деб юритилади.

Изоҳ. Қабул қилувчи кортнинг жойлашган ярмини чекловчи чизик ичида ва ундан ташқарида ўз томонида исталган жойда туриши мумкин.

3.2.1. Тўп узатиш

Тўп узатишдан аввал тўп узатувчи теннисчи орқа чизикдан ташқарида, ён чизикни ва марказий белгини кўрсатувчи чизикни давомидаги ораликда иккала оёғини ҳам ҳаракатлантirmасдан туриши керак. Ундан кейин тўпни қўли билан ҳавога иргитиб, ерга тушгунича ракетка билан уриши керак. Тўпни ракетка билан ургандан кейин тўп узатиш бажарилган ҳисобланади. Тўп узатиш ракетка тўпга теккан пайтида ёки зарбани хато беришда якунланган ҳисобланади.

Бир қўли билан ўйнай оловчи ўйинчи тўп узатишда ракеткадан фойдаланиши мумкин.

3.2.2. Корт томонларини танлаш ва тўп узатиш

Корт томонларини танлаш, тўп узатувчи бўлиш ёки қабул қилиш, ўйинни бошлашдан аввал (5 минутли разминкадан) олдин қуръа ташлаш йўли билан аниқланади. Қуръада ғолиб чиққан ўйинчи ўзи танлаши мумкин, ёки рақибига танлаш ҳуқуқини бериши мумкин:

а) матчнинг биринчи геймида узатувчи ёки қабул қилувчи бўлишни танласа, рақиб матчнинг биринчи геймида ўйнаш учун корт томонини танлаши; ёки

б) матчнинг биринчи геймини ўйнаш учун корт томонини – бу ҳолатда рақиб матчнинг биринчи геймидаги тўп узатиш ёки қабул қилишни танлаши мумкин; ёки

в) рақибни юқорида таъкидланган вариантлардан бирини танлашга ундаши.

1-изоҳ. Агар машқ тўхтатилиб, ўйинчилар кортдан чиқсалар, дастлабки қуръа ташлаш ўз кучида қолади, бироқ икки ўйинчи (икки жуфтлик) ҳам янгидан танлаш имкониятига эга.

3.2.3. Тўп узатишда чизиқни босиш /футфоол/

Тўп узатувчи тўп узатаётганда:

б) тўп узатувчи ён, орқа ва марказий белгининг давомини кўрсатувчи чизиқларни босиши, улардан ўтиб кетиши хато /футфоол/га киради;

а) дастлабки турган ҳолатидан юриб ёки югуриб ўзгартириши мумкин эмас. Тўп узатувчи дастлабки ҳолатидан оёқларини салгина жилдириши туфайли хато қилди деб айбланиши мумкин эмас.

в) ён чизиқнинг давомидаги майдонни оёғи билан босиши мумкин эмас;

г) ўрта белгининг давомини оёғи билан босиши мумкин эмас.

Бу талабларнинг бузилиши узатувчи учун «чизиқни босиш» (зашаг) ҳисобланади.

1-изоҳ. Узатувчи яккалик ўйинида яккалик ва жуфтлик ўйинлари учун корт чизиқлари ўртасидаги орқа чизиқда дастлабки ўринни эгаллаши мумкин эмас.

2-изоҳ. Узатувчи бир ёки икки оёғини ердан узишига рухсат берилади.

3.2.4. Тўп узатишни бажариш

Оддий геймда тўп узатишда теннисчи тўп узатишни корт майдонини ўнг тарафидан геймни бошлайди ва ҳар сафар навбати билан кортнинг ўнг ва чап ярим томонидан тўп узатишни бажариши лозим. Агар тўп узатиш нотўғри томондан бажарилса ва хато кейинчалик аниқланса, дарҳол тўғри томондан узатишга ўтказилади ва шунгача ўйналган очколар ўз ўрнида қолади.

“Тай-брейкда” тўп узатишни ўнг томондан бошлаган ҳолда, кортнинг ўнг ва чап томонидан навбатма-навбат бажариш лозим.

Узатилган тўп, тўр устидан кесиб ўтиб узатувчига диоганал бўйича қарама-қарши турган кортнинг узатиш майдонига тушиши керак. Қабул қилувчи тўп узатиш майдонига тўғри тушсагина, ёки тегиб қайтганидан кейин қайтариши керак.

3.2.5. Тўп узатишдаги хатолар

Қуйидаги ҳолларда тўп узатиш хато ҳисобланади:

а) узатувчи 7,8,9 Қоидаларга риоя этмаса;

б) узатишдаги уринишларда бажарилган зарба тўпга тегмасдан ўтиб кетса;

в) узатилган тўп ерга тегмасдан олдин доимий анжомларга /тўр,

тасма, тўрнинг юқори қисмига тортилган ҳошиясидан ташқарига тегса;

г) узатилган тўп узатувчига (ёки унинг шеригига) ёки унинг (ёки шеригининг) кийимига ёки бирор буюмига тегса.

1-изоҳ. Узатувчи тўпни ташлагандан кейин, узатишга тайёр эмаслигини сезиб тўпни урмасдан қўли билан илиб олишига ёки тўпнинг ерга тушишига имкон беришга рухсат этилади.

2-изоҳ. Яккалик ўйинида ўйнаётган теннисчи узатган тўп, якка ўйинлар учун махсус қўйилган устунга тегиб, узатиш майдонига тўғри тушса, у ҳолда бу узатишдаги хато ҳисобланади.

3.2.6. Иккинчи бор тўп узатиш

Теннисчи биринчи тўп узатишда хато қилса, кортнинг шу жойидан иккинчи марта тўп узатишга уринишни бажаришига рухсат берилади, агарда бунгача теннисчи томонидан хато қилинмаган бўлса, узатиш томонидан хатоликка йўл қўйилган бўлса, кортни иккинчи ярим томонидан узатишдаги иккинчи уринишга рухсат берилади.

3.2.7. Қачон узатиш ва қабул қилиш керак

Теннисчи рақиби қабул қилиш учун тайёр бўлмагунча тўп узатмаслиги керак. Агар рақиби қабул қилишга ҳаракат қилса, у тайёр ҳисобланади, қабул қилувчи тайёр эмаслигини кўрсатсаю, узатувчи буни пайқамасдан узатиб, хатоликка йўл қўйса, қайтадан узатади, қабул қилувчи бу ҳолатда узатувчига хато қилдинг деб даъво қилишга ҳаққи йўқ.

3.2.8. Қайта ўйнаш (переигрывание)

Қоида бўйича ўйинда қайта ўйнаш эълон қилинса, бу ҳолда 2 та тўп ўйналади:

а) ўйинчи иккинчи тўпни узатишдан аввал “қайта ўйнаш” эълон қилинса, у ҳолда битта тўп ўйналади.

Изоҳ. Очко ўйналаётганда бошқа тўп кортга юмалаб кетса, “қайта ўйнаш” эълон қилинади. Ҳатто ундан аввал биринчи узатиш хато бўлса ҳам, очко доимо биринчи узатишдан қайта ўйналади.

3.2.9. Тўп узатишни қайта ўйнаш

Қуйидаги ҳолларда тўп узатиш қайта ўйналади:

а) Узатилган тўп тўр, тасма, тўрнинг юқори ҳошиясига тегиб,

кортнинг узатиш майдонига тўғри тушса ёки худди шу анжомларга тегиб, ерга тегишдан олдин қабул қилувчи ёки унинг бирор анжومي (спорт кийими ёхуд пойафзали), жуфтликдаги шеригига тегса.

б) Тўп узатиш қабул қилувчи тайёр бўлмасдан туриб бажарилган бўлса.

3.2.10. Тўп узатиш тартиби

Биринчи гейм якунланиши билан, қабул қилувчи тўп узатувчи ва аксинча тўп узатувчи қабул қилувчи бўлиб қолади, худди шундай учрашув охиригача навбати билан кейинги геймларда ҳам алмашинади. Агар теннисчи нотўғри навбатда тўп узатиб юборса, хато аниқланиши билан, тўп узатиш навбати рақибига ўтади, ҳамма ўйналган очколар ўз ўрнида қолади. Агар нотўғри навбатда тўп узатилиб гейм тугаган бўлса, тўп узатиш навбати шу нотўғри навбат тартибида қолаверади.

3.2.11. Ўйинчиларнинг томонлар билан алмашинуви

Ўйинчилар томонларни биринчи ва ҳар бир тоқ геймдан кейин алмашади. Сет (партия) тугаганда агар ўйналган геймлар сони жуфт бўлса, кейинги сетни биринчи геймдан кейин томонларни алмаштиради.

Агар хатоликка йўл қўйилиб алмашиш кетма-кетлиги бузилган бўлса, аниқланиши билан тўғри ҳолатга туришлари керак ва бошланғич ҳолатдан давом этишади.

3.2.12. Тўп ўйинда

Тўп узатиш бажарилган пайтдан тўп ўйинда ҳисобланади. Агар тўп узатишда хато қилинмаган ва қайта ўйнаш эълон қилинмаган бўлса, тўп очко ўйналгунча ўйинда қолади.

1-мисол: Ўйинчи зарба беришни уддаламади, ҳакам ҳеч қандай хато эълон қилмади ва тўп ўйинда қолади. Берилган зарба хато бўлса-да, ҳакам кўрмай қолган. Рақиб ўйин тўхтагандан кейин ушбу очкога эътироз билдира оладими?

Қарор: Йўқ, билдира олмайди, агар рақибига ҳалақит қилинмаган бўлса, ва хатодан кейин ўйинни давом эттиришган бўлсалар, эътирозга ўрин йўқ.

3.2.13. Узатувчи очко ютиши

Тўп узатувчи қуйидаги ҳолларда очко ютади:

а) Тўғри узатилган тўп, ерга тушишидан олдин қабул қилувчига ёки ракеткасига, жуфтликдаги шеригига, уларнинг бирор кийиб турган кийимига тегса;

б) Қабул қилувчи бошқа ҳолатларда ютқазганда, яъни 3.20-қоида бўйича.

3.2.14. Қабул қилувчининг очко ютиши

Қабул қилувчи қуйидаги ҳолларда очко ютади:

а) узатувчи тўп узатишда кетма кет икки бор хатоликка йўл қўйса;

б) узатувчи бошқа ҳолларда, яъни 3.20-қоида бўйича ютқазганда.

3.2.15. Ўйинчининг очкони бой бериши

Ўйинчи қуйидаги ҳолларда очкони бой беради:

а) тўп ўйинчининг ўз майдонига икки марта ерга тегса;

б) қайтарган тўпи майдон ташқарисига тушса, ёки доимий анжомга тегиб, майдондан ташқарига тушса;

в) тўпга зарба бераётганда, атайлаб ракеткада ушлаб қолса, узоқ вақт узатса ёки бир мартадан ортиқ ракетка билан тегса;

г) тўп ўйин пайтида бирор-бир тана қисми, ракеткаси, устидаги кийими, жуфтликдаги шериги-тўрга, унинг тасмасига, устунчаларига, тортилган троссга ёки рақиб томонидаги корт ўйин майдонига тегиб кетса,

д) ўйинчи тўпни ўртадаги тўрни кесиб ўтмасдан олдин зарба берса;

е) ўйин пайтида тўп ўйинчи ракеткасидан бошқа жойга тегиб кетса,

ж) қўлидаги ракеткани улоқтириб, тўпга зарба бермоқчи бўлса;

з) ўйинчи ўйин пайтида ракеткани атайин тескари ушлаб, ёки шаклини ўзгартириб ўйнаса;

1-изоҳ. Тўп узатиш пайтида тўп ерга теккунга қадар, узатувчини қўлидан ракетка учиб чиқиб тўрга тегса, тўп узатувчи очко ютқазади, чунки ракетка тўрга тўп ўйин пайтида теккан.

2-изоҳ. Тўп узатиш пайтида, тўп нотўғри майдонга тушгандан кейин, узатувчини қўлидаги ракетка учиб чиқиб, тўрга тегса: бу узатишдаги хато ҳисобланади, чунки ракетка тўп ўйиндан чиққанда тўрга теккан.

3-изоҳ. Жуфтлик ўйинида қабул қилувчининг шериги узатилган

тўп узатиши майдонидан ташқаридаги корт устига тегишидан аввал тўрга тегса, қабул қилувчи жуфтлик очкони бой беради, чунки қабул қилувчининг шериги тўп ўйиндалигида тўрга теккан.

4-изоҳ. Очко ўйналаётганда ўйинчининг тўрдан рақиб томонига сакраб ўтиши ман этилади. Бу ҳолатда очкони бой беради.

5- изоҳ. Тўп узатиши майдонидан ташқарида турган, узатилган тўп ерга тегишдан олдин рақиб томонига тушса ва рақиб бу тўпни олиш имконига эга бўлмаса, ўйинчи очкони бой беради.

6-изоҳ. Кортдан ташқарида турган ўйинчи тўпни аниқ ташқарига чиқиб кетаётганлигини кўриб, ҳавода ўйнаётган тўпни ушлаб олиб ёки қайтарганидан кейин “тўп чиқиб кетаётган эди” деб даъво қилиб, очкони ўз фойдасига ҳал қилишни талаб этса, унинг очкоси бой берилган саналади.

3.2.16. Чизикқа тушган тўп

Чизикқа тушган тўп, кортнинг шу чизик билан чегараланган ўйин майдонига тушган ҳисобланади.

3.2.17. Доимий анжомларга теккан тўп

Агар тўп ерга тушгандан кейин доимий анжомларга тегса (тўр, устунча, камар, металл, тросс, тасмадан ташқари) зарба урган ўйинчи очко ютади, тўп ерга тегмасдан олдин анжомларга тегса ютқазади, рақиб очко ютади.

1-мисол: Тўп ўйналадиган пайтда ҳакамга уни стулига баланд (устун) стулга тегса, лекин ўйинчи тўпни кортга йўналтирганман деб даъво қилса, ҳақлими?

Қарор: Ўйинчи очко ютқазади.

3.2.18. Тўғри зарба

Берилган зарба тўғри ҳисобланади агарда:

а) тўп тўрдан ўтаётганда тўрга, устунчаларга, троссга тасмага тўрнинг ҳошиясига тегиб ўтиб Кортнинг ўйин майдонига тушса;

1-изоҳ. Агар тўп ўйинчининг зарбасидан сўнг тутқичга тушиб, корт доирасида ерга тушса, зарба тўғри ҳисобланади. Бироқ, агар тўп узатилгач, тутқичга тушса, бу узатишидаги хато саналади.

2-изоҳ. Агар ўйиндаги тўп бошқа тўпга тегса, ўйин давом этади. Агар айнан ўйиндаги тўпни олиб қўйиш ноаниқ бўлса, ўйин ўйналади.

3.2.19. Ўйинчига халақит бериш (помеха)

Агар очко ўйналаётганда ўйинчига рақибнинг бирор атайин ҳаракати халақит берса, шу ўйинчи очко ютади. Бироқ ўйин пайтида ўйинчини зарба бериши учун ўйинчини назоратидан ташқаридаги бирор омил халақит берса, “ҚАЙТА ЎЙИН” эълон қилиши керак.

1-изоҳ. Атайин қилинмаган икки марталик зарба халақит саналмайди.

2-изоҳ. Агар ўйинчи рақибига бирор-бир тўсқинлик қилинмоқда деб, ўйинни тўхтатса, бу ўйинчи очкони бой беради.

3-изоҳ. Агар ўйиндаги тўп корт устида учаётган қушларга тегса, очко такроран ўйналади.

4-изоҳ. Очко ўйналаётганда ўйинчига тўп ёки ўйин бошлангунга қадар унинг томонида ётган бошқа нарса халақит берса, бу тўсқинлик саналмайди ва очкони такроран ўйнаш учун асос бўла олмайди.

5-изоҳ. Тўп узатувчи ва қабул қилувчининг шериги корт ичи ва ташқарисида тўр ёнидаги ўз томонида исталган жойда туришига рухсат этилади.

Бироқ ўйинчи рақиб (рақибларига)халақит берса, халақит тўғрисидаги қоида қўллаш лозим.

3.3. Геймдаги ҳисоб

3.3.1. Оддий гейм

Оддий геймдаги ҳисоб қуйидаги тарзда юритилади (дастлаб узатувчи томонидан ютиб олинган очколар эълон қилинади):

Ютиб олинган очколар йўқ – «ноль»

Биринчи ютиб олинган очко – «ўн беш»

Иккинчи ютиб олинган очко – «ўттиз»

Учинчи ютиб олинган очко – «қирқ»

Тўртинчи ютиб олинган очко –қуйидагиларни истисно этгандаги «гейм»:

Агар иккала ўйинчи ҳам уч очкодан ютган бўлса, ҳисоб тенг-«баробар» деб эълон қилинади, навбатдаги очкони қайси ўйинчи ютса, у геймни ютиш имтиёзига эга бўлади ва шу ўйинчи фойдасига “кўпроқ” деб эълон қилинади, кейинги очкони ҳам шу ўйинчи ютса геймни ютган ҳисобланади; агарда кейинги очкони бошқа ўйинчи ютса (кўпроқ пайтида) у ҳолда яна “баробар” деб эълон қилинади. Шу тариқа “баробардан” кейин ўйинчилардан қайси биридир кетма-кет икки марта очкони ютган бўлса, ўша ўйинчи геймни ҳам ютган бўлади.

3.3.2. Тай-брейк

«Тай брейк» тизими бўйича гейм ўйналганда очколар ҳисоби қуйидагича юритилади: «ноль», «бир», «икки», «уч» ва ҳоказо. Дастлаб етти очкони ютган ўйинчи (жуфтлик) рақибига нисбатан иккита кўп очко тўплаганда гейм ва сетни ютиб олади. Заруратга кўра, икки очколик устунликка эришилгунга қадар тай-брекни давом эттириш лозим.

Тўпни узатиш навбати келган ўйинчи тай-брейкда биринчи очкони ўйнашда тўп узатиши керак. Унинг рақиб (жуфтлик ўйинида – тўп узатиш навбати келган рақиблар жуфтлиги ўйинчиси) кейинги икки очкони ўйнашда тўп узатиши керак. Сўнгра ҳар бир ўйинчи (жуфтлик) кейинги икки очкони ўйнашда тай-брейк якунига қадар навбатма-навбат тўп узатадилар. Жуфтлик ўйинида тўп узатиш кетма-кетлиги бу сетда ҳам дастлабкиларидаги сингари сақланиб қолади.

Тай-брейкда биринчи бўлиб тўп узатиш навбати келган ўйинчи кейинги сетнинг биринчи геймида тўпни қабул қилиши керак.

3.3.3. Альтернатив ҳисоб қоидаси

Ҳисоб қоидаси анъанавий 2000-йилгача қўллаб келинган Қоидага альтернатив ҳолатда қўшимча ҳисоб юритиш тизими ҳисобланади. Низомда кўрсатилишича, мусобақа бошланишидан аввал эълон қилиниб, кейин қўлланади. Бу тизимда ҳисоб қуйидагича юритилади:

Агар ўйинчи кетма-кет учта очкони ютса, мос равишда 15, 30, 40 деб шу ўйинчи, фойдасига эълон қилинади, тўртинчи очко билан геймни ютиши мумкин, лекин иккала ўйинчи навбати билан учтадан очко ютиб, ҳисоб тенг-баробар бўлганда охирги ҳал қилувчи очкони ўйналади, худди шу пайтда қабул қилувчи кортнинг чап ёки ўнг ярим майдонига тўп узатиш кераклигини танлайди. Шу ҳал қилувчи очкони ким ютса, ўша ўйинчи геймни ҳам ютган ҳисобланади.

3.3.4. Жуфтлик ўйинларидаги ҳисоб

Жуфтлик ўйинларида ҳам, якка ўйинлардаги каби ҳисоб юритилади. Ҳисоб тенг бўлганда, қабул қилувчи жамоа чап ёки ўнг томонга тўп қабул қилишни танлайди. Шу ҳал қилувчи очкони ким ютса, у ўша ўйинчи геймни ҳам ютган ҳисобланади.

3.3.5. Аралаш жуфтликлар

Аралаш жуфтликлар ўйинида ҳисоб тенг бўлиб қолса, ҳал қилувчи очкога тўп узатилганда эркак киши узатса эркак, агар аёл узатса, қандай турганлигидан қатъий назар аёл киши қабул қилиши лозим.

3.4. Сетлардаги ҳисоб

Сетда турлича ҳисоб тизимлари мавжуд. Икки асосий тизим – «тай-брейксиз сет» ва «тай-брейкли сет». Мусобақалар олдидан тизимлардан бирини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиниши шарти билан икки тизимдан исталганини қўллаш мумкин. Агар «тай-брейкли сет» тизимидан фойдаланилса, у ҳолда ҳал қилувчи сетда қайси тизим қўлланилиши эълон қилинади.

а) «тай-брейксиз сет». Олти геймни биринчи ютиб олган ўйинчи (жуфтлик) рақибига нисбатан икки гейм кўп ютиб олгани сабабли шу сетда ҳам ғолиб саналади. Заруратга кўра, сет икки геймда устунликка эришилгунга қадар давом эттирилади.

б) «тай-брейкли сет». Олти геймни биринчи ютиб олган ўйинчи (жуфтлик) рақибига нисбатан икки гейм кўп ютиб олгани сабабли шу сетда ҳам ғолиб саналади. Агар сетда геймлар ҳисоби «олти бўйича» га етса, тай-брейк ўйналади. «Тай-брейк» геймда қуйидагича тартибда ҳисоб юритилади:

3.5. Якка ўйинларда ҳисоб юритиш

1. Тай-брейк геймда очколар санок сонларда ҳисобланади ва ким олдин етти очкони икки очко фарқ билан ютган бўлса, М: 7-5 геймни ва сетни ютган ҳисобланади. Агар очколар тенг бўлиб 6:6 бўлиб қолса, икки очко фарқ билан ютгунларича гейм давом этаверади.

2. Қайси ўйинчининг навбати келган бўлса, биринчи очкога ўша ўйинчи тўп узатади, рақиб 2- ва 3-очколарни ўйнаш учун тўп узатади, ундан кейин тўп узатишни ўйинчилар навбати билан иккитадан очко учун гейм тугаллангунча давом эттирадилар.

3. Биринчи очкодан бошлаб ҳар бир тўп узатишни навбати билан ўнг томондан ва чап томондан бажарилиши керак. Агар томонларда адашмовчилик бўлса, аниқланиши билан тўғри ҳолатга турилади ва шунгача ўйналган очколар ўз ҳолича қолдирилиб, ўйин давом эттирилади.

4. Ўйинчилар тай-брейк геймда ҳар олтита очко ўйналгандан кейин томонлари алмашишлари керак.

5. Ҳал қилувчи тай-брейк гейм тўп алмаштириш учун битта гейм ҳисобида бўлади. Тай-брек геймдан олдин тўплар алмаштирилмайди, агар вақти шу пайтга келиб қолган бўлса, тўп алмаштириш кейинги сетни 2-геймдан олдингача қолдирилиб турилади.

Жуфтлик ўйинлари. Жуфтликларда ҳам якка ўйинлардаги сингари тартиб қўлланади, қайси ўйинчининг навбати бўлса, ўша биринчи очко учун тўп узатади, ундан кейинги ўйинчи ўз навбатида иккитадан очко учун тўп узатишни бажаришни гейм ёки сет тугаллагунча давом эттиради.

Тўп узатиш навбати. Тай-брейк геймда қайси ўйинчи (жуфтлик) биринчи тўп узатган бўлса, кейинги геймда (сетни 1-геймида) тўп узатишни қабул қилиши керак.

3.6. Сетлар сони (ҳисоби)

Ўйин (матч) - уч сетдан иборат бўлса, ўйинчига (жуфтликка икки сетни ютиши керак бўлади ёки беш сетдан иборат бўлса, ўйинчига) жуфтликка уч сетни ютиши керак, шундагина ўйинчи ўйинни ютган ҳисобланади.

IV. МУСОБАҚАЛАР ЖАРАЁНИ БЎЙИЧА ҲАҚАМЛАР УЧУН ХАЛҚАРО ТЕННИС ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ

4.1.1. Теннис қонун-қоидалари бўйича саволлар

Теннис қонун-қоидалари бўйича савол деганда конкрет факт бўйича Теннис қоидасини қўлланиши, Қонун ва Низомларнинг тузилиши, турнир пайтида Ахлоқ кодекси тушунилади. Ўйин /матч/ пайтида теннис қонун-қоидалари тўғрисидаги саволни аввало биринчи /устундаги/ ҳакам ҳал қилиши ёки аниқлаши керак. Агар биринчи ҳакам ўз қарорига тўлиқ ишонч ҳосил қилмаса ёки ўйинчи бунга эътироз билдирса, у ҳолда Бош ҳакам /Рефери/ қарор чиқаради. Бу қарор қатъий бўлиб, ҳеч ким инкор қилолмайди.

4.1.2. Ўйинчининг апелляцияси

Теннис Қоидалари бўйича ўйинчи ўзини қониқтирмаган қарорлар бўйича қуйидагича тарзда /формада/ апелляция қилиш ҳуқуқига эга:

Қачонки, ўйинчи биринчи ҳакамни Теннис қоидаси бўйича қарорини нотўғри деб билса, буни ўйинчи биринчи ҳакамга ўз қарашини профессионал тарзда ҳақоратланмасдан билдириши керак, бу пайтда биринчи ҳакам ўйинни тўхтатиб микрофонни ўчириб, дарҳол бош ҳакамни кортга таклиф қилиши керак. Бош ҳакам келиши билан биринчи ҳакам содир бўлган ҳолат бўйича ҳамма фактларни баён қилиб беради, шулар асосида бош ҳакам эълон қилиши учун қарор чиқариб беради. Ундан кейин биринчи ҳакам теннис қоидаларини қўлланилиши бош ҳакам қарори бўйича эълон қилади /ўйинчига/, ўйинчи бу қарорга нисбатан ўзини позициясини ифода қилиши мумкин.

Бош ҳакам қўлланилган Қоидани ўйинчи ва ҳакам билан қисқача муҳокама қилиб, биринчи ҳакам қарорини тасдиқлаши ёки ўзгартириши керак. Шундан кейин бош ҳакам «Let's Play» ўйинни бошланг деб эълон қилади, ўйинчилар бундан кейин 20 секунд вақт ичида ўйинни давом эттиришлари керак. Бундай апелляцияларини иложи борица тезроқ ҳал қилиб, “ўйинни бошланг” эълони айтилгандан кейин биринчи ҳакам 20 секундлик вақт ҳисобини санашга ўтиши керак.

4.1.3. Содир бўлган ҳодиса – факт бўйича саволлар

Факт бўйича савол деб конкрет моментда содир бўлган ҳодиса – ҳаракатга боғлиқ бўлган саволга айтилади. Ўйин пайтида факт бўйича ҳосил бўлган саволларни кортдаги ҳакамлар ҳал қилади ва уларнинг қарори ўйинчи ҳамда бош ҳакам учун мажбурийдир. Ўйинчи охириги моментдаги чизик ҳакамнинг факт бўйича қарорини ёки эълонини биринчи ҳакамдан текшириб кўришини талаб қилиши мумкин. Ҳакам бу текширувни 20 секундлик вақт ичида бажариши керак. Агар биринчи ҳакам текширув учун алоҳида вақт ажратишга қарор қилса, у вақтни «Let's Play» - ўйинни бошланг эълони билан тугатиши ва 20 секундлик вақт ҳисобига ўтиб ўйинни давом этиши керак.

4.1.4. Тузатиш

Биринчи (устундаги) ҳакам чизик ҳакамнинг хатосини аниқ кўрсагина, уни тузатиши мумкин, фақат бу тузатиш йўл қўйилган хатодан кейин дарҳол бажарилиши лозим.

а) Ҳақиқатда хато бўлганлигини аниқроқ билиш мушкул иш. Тажрибада биринчи ҳакам чизик ҳакамини йўл қўйган хатосини аниқ кўришга имкон бўлиб, бегумри бўлгандагина қарор чиқариши керак. Биринчи ҳакам чизикқа жуда яқин тушган деган қарорини тузатиш киритишга шомаслиги керак, чизик ҳакамини тўғри тушди деган қарорини тузатиш учун чизик билан тўп орасидаги оралиқ масофани аниқ майдонга ёки чизик устига тушганини кўриши керак.

Тўп узатишда чизикқа қадам босишни чизик ҳаками эълон қилмаса, ҳақиқатда хато содир бўлса, эътиборни қаратиш ва хатони аниқлаштириш учун биринчи ҳакам хатони эълон қилиши мумкин.

б) Тезда тузатиш. Теннис Қонунларининг асоси бўйича чизик ҳаками йўл қўйган хатони шу заҳотиёқ тезда тузатиши керак.

Биринчи ҳакам ўйинчини эътирози туфайли чизик ҳаками қарорини тузатиши мумкин эмас. Чизик ҳаками ўйинчининг эътирози туфайли ўз қарорини ўзгартириши мумкин эмас.

4.2. Тўп изини текшириш жараёни ва ҳолатлари

а) Тўпни тушган жойдаги изини текшириш фақат кум – тупроқли кортларда амалга оширилади.

б) Тўпни изини текширишни фақат биринчи ҳакам бажариши мумкин, шунда ҳам тепадан (устундан) тўп тушган жой аниқ кўринмасдан гумонли бўлса, ва фақат очко ўйналаётгандаги тўпни

охирги тушган тўп изи ёки ўйинчи (жуфтлик) ўйиндан тўхтаб қолгандагина текшириш учун устундан тушиб келади. (Ўйинчи рефлексли жавоб зарбасини бир марта бериши мумкин, кейин албатта ўйин тўхталиши керак).

в) Биринчи ҳакам тўп изини текширишни ўтказаетганда, жойидан тушиб ўзи кўриши керак, агар у тўп изи қаердалигини кўрмаган бўлса, чизик ҳакамлари кўрсатиб қўйиши ва биринчи ҳакам ўзи изни текшириши лозим.

г) Агар чизик ҳаками ва биринчи ҳакам тўп тушган жойни аниқлай олмаса, из яхши кўринмаса, у ҳолда дастлабки чиқарилган қарор ўз кучида қолади.

д) Қум – тупроқли кортлардаги ўйинларда биринчи ҳакам ҳисобни эълон қилишда шошмаслиги керак, агар у тўпни ҳақиқатда тушган ёки тушмаганлигини кўрмаган бўлса, шошилиб бўлмайди.

е) Жуфтлик ўйинларда апелляция қилувчи ўйинчи апелляцияни шундай қилиши керакки, жуфтликлардаги иккала ўйинчи ҳам ўйиндан тўхташи керак ёки ҳакам ўйинни тўхтатган бўлиши керак. Агар апелляция қилинган бўлса, биринчи ҳакам апелляция бериш тўғри содир бўлаяптими – йўқми эътибор қилиши керак, апелляция нотўғри берилган ёки кечикиб берилган бўлса, у ҳолда ҳакам бу ҳаракатни рақибига атайин ҳалақит берди деб баҳолаши мумкин.

ж) Ўйинчи тўп изини ҳакам қарорини кутмасдан ўчириб юборса, бу ҳаракат ўйинчи дастлабки қарорга розилиги аломати деб баҳоланади.

з) Ўйинчи тур устидан рақиб майдони томонига тўп изини кўриш учун ўтиши мумкин эмас. Бу ҳаракат спортчилар хулқига зид деб баҳоланиб, ўйинчи жаримага тортилади.

4.2.1. Электрон кузатув тартиби

Агар турнирларда электрон кузатув тизимидан фойдаланилса, у ҳолда у жойлаштирилган кортдаги матч пайтида қуйидаги тартиб қўлланади:

1. Ўйинчи очко ўйинини тўхтатганда (жавоб зарбасига рухсат этилади, лекин шундан сўнг дарҳол тўхташи шарт) очко ўйинини якунлаган тўпнинг тушиши тўғрисидаги қарорнинг электрон кузатувини (ёки уни бекор қилишни) илтимос қилиши мумкин.

2. Агар тўпнинг тушиши тўғрисидаги қарорнинг тўғрилигига шубҳа туғилса, устундаги ҳакам электрон кузатувдан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Шу билан бирга устундаги

ҳакам ўйинчининг илтимоси асоссиз ёки ўз вақтида эмас деб ҳисобласа, электрон кузатувдан фойдаланишдан бош тортиши ҳам мумкин.

3. Жуфтлик ўйинида ўйинчи ўйин тўхтатилиши, ёхуд устундаги ҳакам ўйинни тўхтатиши учун электрон кузатув тўғрисида сўраши керак. Агар устундаги ҳакамга изни текшириш учун илтимос билан мурожаат қилинса, у ҳолда ҳакам дастлаб мурожаат тартиби тўғри бажарилганлигини текшириши керак. Агар мурожаат нотўғри бўлса, у ҳолда устундаги ҳакам уни рақибларга атайин ҳалақит сифатида квалификациялаши мумкин. Бундай ҳолатда апелляцияловчи жуфтлик очкони бой беради.

4. Агар баъзи ҳолатларда бирор сабабга кўра, электрон кузатув қарор қабул қилиш имконини бермаса, дастлабки қарор ёки қарорнинг бекор қилиниши (текширувга қадар қабул қилинган якуний қарор) ўз кучида қолади.

5. Электрон кузатув натижаси устундаги ҳакамнинг якуний қарори ҳисобланиб, шикоятга ўрин йўқ. Агар маълум сакрашни кузатиш учун тизимда қўлдаги танлов талаб этилса, у ҳолда рефери томонидан тасдиқланган электрон кузатув ҳаками тўпнинг айнан қандай сакрашини кўриш лозимлигини белгилаши керак.

6. Ҳар бир ўйинчига (жуфтликка) тай-брейкдаги битта қўшимча апелляция ҳисобидан учта муваффақиятсиз апелляцияга рухсат этилади. Тай-брейксиз сетлардаги матчларда ўйинчилар (жуфтликлар) «олтигача» ҳисобда, шунингдек ундан сўнг ҳар 12 геймда учта муваффақиятсиз апелляция оладилар. Ҳал этувчи тай-брейкли матчлар учун бу тай-брейк янги сет саналади, бунда ҳар бир ўйинчи (жуфтлик) учта апелляцияли уринишга эга бўлади. Ўйинчиларнинг муваффақиятли апелляциялари чегараланмаган.

4.3. Турнир ва ўйинни (матч) бошлаш

Турнир расмий равишда биринчи ўйинда (матчда) биринчи тўп узатиш бажарилганда бошланган ҳисобланади.

Ўйин (матч) биринчи тўп узатиш бажарилганда бошланади.

4.3.1. Дам олиш, тиббий текширув ва ўйинчини даволаш

а) Турнирлар оралиғидаги дам олиш. Халқаро Теннис Федерацияси /ITF/ тасарруфидаги турнирда ўйнаётган ўйинчи, кейинги ҳафтада худди шундай турнирда ўйнаш учун Бош ҳакамга ариза бериб ўтаётган турнирдаги охирги ўйинни ой, куни ва вақтини

билдирса, иккала турнир оралиғида бу ўйинчига бир кунлик дам олиш учун бош ҳакам имконият яратиб беради, албатта бунда об-ҳаво ва бошқа ҳолатлар ўйинлар жадвалига таъсир ўтказмаган бўлса, яъни ўйинчи якшанбадаги финал ўйинини душанба куни ўйнамаган бўлса.

б) Саралаш ва асосий турдаги ўйинлар оралиғидаги дам олиш. Алоҳида ҳолатлардан ташқари (об-ҳаво, самолёт) ўйинчидан ҳал қилувчи саралаш ўйинини ўйнаб бўлгандан кейин, 12 соат дам олмасдан туриб, асосий турдаги якка ўйинларни ўйнаш учун мажбур қилиш мумкин эмас. Агар ўйинчи бир кунда иккидаги жадвалида биринчи ўйинга қўйилиши мумкин эмас, агар у ўйинчи асосий турга имтиёзли (Lucky Loser) киритилмаган бўлса, яъни охирги турдагина ютқазган бўлиб, асосий турдаги ўйинчилардан бирортаси ўйинга келмаган бўлса.

в) Ўйинлар оралиғидаги дам олиш. Об-ҳаво шароити ёки кузда кутилмаган бошқа ҳолатлардан ташқари пайтда, ўйинчилар ўйин жадвали бўйича бир кунда битта якка тартибда ва битта жуфтлик тартибидаги ўйинни ўйнашлари мумкин. Жадвал ўйинчини олдинги турдаги ёки кундаги ўйини билан кейинги кундаги 12 соат фарқ билан тузилиши керак. Агар бир кунда биттадан ортиқ ўйин ўтказиш зарурати бўлса, якка ва жуфтлик финал ўйинларини ўйнашга тўғри келса, у ҳолда ўйинчи қуйидагича энг кам дам олиш ҳуқуқига эга бўлади:

- агар 1 – ўйинни бир соатдан кам ўйнаса - 0,5 соат дам;
- агар 1 – 1,5 соат орасида ўйнаса - 1,0 соат дам;
- агар 1,5 соатдан ортиқ ўйнаса - 1,5 соат дам

олиш керак.

4.3.2. Тиббий шарт-шароитлар

а) Тиббий кўрик. Мусобақа пайтида ўйинчи тиббий кўриikka муҳтож бўлса, ўйин пайти ёки машқ (разминка)да ўйинчи биринчи ҳакамдан докторни Кортга таклиф қилишни сўраши мумкин. (ташхис қўйиш учун.)

Турнир шифокори ҳар бир турли хилдаги жароҳат учун ушдақиқали тиббий таймаутга рухсат бериши мумкин. Ўйинчи бу таймаутдан ўзи хоҳлаган пайтда машқ ёки ўйин пайтида фойдаланиши мумкин. Тиббий текширув ва даволаш фақат турнир доктори томонидан олиб борилади. Доктор кўриб бўлиб ташхис қўяди, ундан кейин таймаут вақти бошланади, баҳолаш ва даволаш ишлари кортдан ташқарида бажарилиши мумкин. Турнир доктори

ўйинчининг жисмоний ҳолати, яъни офтоб уришдан зарур бўлса даволаши мумкин, лекин офтоб уриш, пай тортиш каби жисмоний ҳолатга боғлиқ даволашга ўйин давомида бир марта тайм-аут рухсат берилади.

б) Тиббий даволаш. Ўйин пайтида томонларнинг алмашувидаги 90 секундлик танаффус пайтида, сетлар оралиғидаги танаффусда ўйинчи турнир докторини кўриб, даволаши учун таклиф қилиши мумкин. Бу ҳақда у биринчи ҳакамга илтимос билан мурожаат этади. Рисолида бу тиббий ёрдам икки танаффусдан ошмаслиги керак.

в) Даволанмайдиган тиббий шароитлар. Қуйидаги шароитларда ўйинчига ўйин пайтидаги тиббий даволаш-ёрдам, яъни тайм-аут етарли эмас ёки мумкин эмас:

1. Турнир доктори томонидан кўрилиб, етарли даволанмайди ёки берилган тиббий ёрдам билан яхшиланмайди деб аниқланган ҳар қандай касаллик.

2. Ўйин пайтида ёмонлашмасдан олдин ҳам бор бўлган касаллик.

3. Ўйинчини умуман жисмоний чарчаганлик ҳолатлари.

4. Кислород, қон томирига ёки бошқа уқолларни талаб қилувчи касаллик, ёки жароҳатлар. Тиббий маълумотномага эга қанд касали борларга кортдан чиқиб қондаги қандни ўлчовчи асбобдан фойдаланиш ва терига керак бўлса инсулин уқолини олишга рухсат берилади.

г) Тиббий тайм-аутни бажарилиши / процедура / жараёни.

1. Машқ пайтида /разминкада/. Ўйинчи жадвалдаги вақт бўйича ўйиндан олдинги машқ пайтида ўзини тиббий ҳолатини нохуш сезиб ўйинни ўз вақтида бошлашга ҳалақит берса, ўйинчи тиббий тайм-аут олиши, ёки машқдан сўнг- ўйин бошланишидан олдин 90 секундли тиббий ёрдам олиши мумкин. Агар тайм-аут ёки тиббий ёрдамдан кейин ҳам ўйинда жисмоний курашмаслиги аниқ бўлиб қолса ўйинни бошламаслик керак. Ҳар қандай машқдаги тиббий ҳолат, ўйин бошлангандан кейин, олдиндан бор бўлган касаллик шароити дейилади.

2. Ўйин пайтида. Ўйинчи тиббий тайм-аут олишни биринчи ҳакамдан яқинлашаётган томонларнинг алмашуви пайтида ёки сет тугаганида сўраши мумкин, ёки турнир доктори келиб ташхислаб ёрдам кўрсатишга тайёрлигини айтганда тайм-аут сўраши мумкин. Биринчисида тайм-аут танаффусга 90 ёки 120 секундга яна уч дақиқа қўшиб берилади.

Турнир шифокори келгунича ўйин тўхталган бўлса, шифокорнинг маслаҳати ёки даволашининг тугаши биланок ўйин бошланиши керак. Биринчи ҳакам ўйинчини ҳолатига қараб ўйинни тўхтатиб шифокорни кортга таклиф қилса, шифокор жароҳат ёки касалликни кўриб ташхис қўйиши керак. Агар у ўйинчини ўйинни давом эттириши унинг саломатлигига зарар етказиши мумкин деб хулоса чиқарса, у ҳолда бош ҳакам ўйинчини ўйиндан четлатиб, унга мағлубият ёзиши мумкин.

д) Жарима. Уч дақиқали тайм аутдан кейин (ўйиндами ёки машқдами) ҳар қандай вақт ўтказиш, ўйинда вақтни чўзиш деб баҳоланади ва ўйинчи вақтни чўзганлиги учун жаримага тортилади.

е) Жисмоний қобилиятини йўқотиш. Ўйинчи бирор жароҳати ёки касаллиги туфайли вақтинча жисмоний қобилиятини ва профессионал даражада ўйнаш қобилиятини йўқотса, ўйинни ўтказишдан теннисчилар ҳам, мухлислар ҳам, теннис ҳам зиён кўргудек бўлса, бош ҳакам “ўйинчи мусобақага тайёр эмас” деб қарор чиқариши мумкин. Бундай ҳолатларда бош ҳакам тиббий хулоса ва бошқа мос ахборотларни йиғиб, жуда эҳтиётлик билан хулоса қилиши лозим. Агар турнир шифокори шу куни ўйинчини бошқа турда якка жуфтлик ёки аралаш жуфтлик тартибидаги ўйинда, эртасига ўйин ўтказиши мумкинлигини айтса, жадвал бўйича рухсат берилади. Шунинг учун турнирга билимли ва масъулиятли шифокорни таклиф қилиш керак.

ж) Кийим алмаштириш ва ҳожат учун танаффус. Ўйинчига ўйин пайтида кортдан чиқиш учун зарурат бўлса, меъёрдаги вақтга рухсат берилади. Кийим алмаштириш (аёлларга) ва ҳожат учун сет орасидаги танаффус пайтида рухсат берилади ва фақат сўралган мақсадда ишлатилади.

Кийим алмаштириш учун берилган танаффус аёлларда қўшимча беш дақиқадан ошмаслиги керак, буни бош ҳакам чегаралаб бериши мумкин. Якка тартибдаги аёллар ўйинида ўйин давомида иккита шундай танаффусга рухсат берилади. Эркаклардаги якка ўйинларда уч сетли бўлса, битта танаффусга, беш сетли ўйинда иккита танаффусга рухсат этилади.

Жуфтлик ўйинларда ҳар бир жамоа иккитадан танаффусга эга бўлиб, жуфтликдагиларни бир танаффус пайтида биргаликда фойдаланиши битта ҳисобига ўтади. Қўшимча олинган танаффуслар алоҳида белгиланган ҳисобида ўтиб, ўйинчи ўз вақтида ўйинга шай бўлмаса, жарима тизими бўйича жаримага тортилади.

4.4. Ўйиннинг тўхталиши ёки кечиктирилиши

Биринчи ҳакам ёки бош ҳакам об-ҳаво шароити, қоронғулик, кортни ҳолати туфайли ўйинни тўхтатиш ёки кейинги вақтга кўчириш мумкин. Ўйин биринчи ҳакам томонидан тўхтатилган заҳотиёқ бош ҳакамга етказилиши керак. Бош ҳакам томонидан ўйинни кейинга қолдиришни эълон қилмагунча ўйинчилар, ҳакамлар кортда ўйинни давом этиш учун тайёр бўлишлари керак. Ўйинни қолдириш тўғрисида қарорни фақат бош ҳакам ҳал қилмоғи лозим.

Агар тўхтатиш керак бўлса, уни сет тугаганида ҳисобда геймлар тенг бўлганда бажариш керак. Ўйин тўхтатилган ёки қолдирилган пайтда биринчи ҳакам вақтни, сетдаги, геймдаги ва очкодаги ҳисобни, ҳар бир ўйинчи турган томони ва ҳолатини тўп узатувчини исмини ёзиб олиши керак, шунингдек ўйналган тўпларни йиғиб олиши керак. Тўхтатилган ёки қолдирилган ўйинни бошлаш олдидан қуйидагича тартибда машққа рухсат берилади: 0 – 15 дақиқагача – машқ йўқ; 15 – 30 дақиқагача – уч дақиқа; 30 – дақиқадан ортиғига – беш дақиқа машқ.

4.4.1. Узлуксиз ўйин, ўйин вақтининг сабабсиз чўзилиши

Ўйин пайтида тўп ўйиндан тўхтатгандан кейинги моментдан навбатдаги очкога тўп узатилгунча энг кўпи билан 20 секунд вақт берилади. Томонларнинг алмашувидаги 90 секундли ва сетлар орасидаги 120 секундли танаффуслар бундан мустасно. Бу қоидага риоя қилиш қуйидагича амалга оширилади:

20 секунд қоидаси - Тўп ўйиндан чиқиши билан ёки ўйинчига ўйин бошлашга рухсат берилганда секундомерни ишга тушириб ҳисоб бошланади.

20 секунд ўтиши билан тўп ўйинга киритилмаса, вақт тугагани тўғрисида огоҳлантирилади (time warning), вақт тартибини бузганлиги учун (time violation) ёки Ахлоқ кодексини бузганлиги учун (code violation) жазоларидан бирини қўлланишини аниқлаб эълон қилинади (агар биринчи марта бўлса, тайм виолейшн, иккинчисида код виолейшн билан жазоланади).

4.4.2. Профессионал ўйин – интерпритацияси

А. Жорий қилиниши. Бу боб қоидалари Халқаро Теннис Федерацияси (ITF) тасарруфидаги ҳамма профессионал мусобақаларга тегишлидир.

Б. Интерпритация – Юқоридаги қоидаларда кўзда тутилмаган ҳолатларда жорий қилиниши. 1. Узилган тор билан ўйнаш.

Ўйинчи тори узилган ракетка билан очкони ўйнашга ҳаққи йўқ, агар ўйин пайтида ракетка тори узилиб кетса, шу очкони ўйинини тугатиши лозим. Агар қабул қилувчи биринчи узатилаётган топни олаётган (ёки 1-узатишни қайта узатаётган) пайтда ракетка тори узилган бўлса, дарҳол алмаштириши мумкин. Агар қабул қилувчи биринчи узатиш хато бўлиб, иккинчи тўп узатишни қабул қилаётгандан танлаши мумкин: а) ракеткани алмаштиришни, у ҳолда узатувчига 1-узатиш ҳуқуқи берилади; б) ёки шу очкони узилган торли ракетка билан ўйнаши мумкин - у ҳолда узатувчига фақат 2-узатишга рухсат берилади.

2. Ҳўл пойафзал ёки пайпоқни алмаштириш.

Томонлар алмашуви олдидан, ўйинчи пойафзали ёки ҳўл пайпоқларини алмаштириш учун рухсат сўраса, томонлар алмашувидаги 90 секундли танаффусга меъёрий равишда қўшимча вақт берилади, фақат янгисини тайёрлаб туриш керак. Бунга ўйин пайтида бир мартагина рухсат берилиши мумкин, агарда “ишлатишга нолойиқ ҳолатдаги анжомлар” Низомига тўғри келса, масалан пойабзал корт қопламасини бузса ёки йиртилиб кетса, биринчи ҳакам ҳар бир илтимосни кўриб чиқиб дарҳол хулоса чиқаради, лозим бўлса яна рухсат бериши мумкин.

3. Содир бўлган фактни биринчи ҳакам кўрмай қолган ҳолатлар. Биринчи ҳакамга ёрдамчи ҳакамлар йўқ бўлса, яъни асосий масъулият унда бўлганда, тўпни иккита тегиши (not-ups), тегиб ўтиши (touches), тўп тешигидан ўтиши (nets / throughs) каби ҳолатларни ечим қарори тезда айтилиши керак. Агар биринчи ҳакам бу хатолардан бирортасини кўрмай ўтказиб юборса, бу қоида бузилишига кирмайди, ўйин давом этиши ёки очко ҳисобланиши керак.

V. ҲАКАМЛАР ТЕРМИНОЛОГИЯСИ

5.1.1. Ўйин бошлангунга қадар бериладиган эълонлар

1. Машқ пайтида:

- машқ якунига 2 дақиқа қолганда – «икки дақиқа»;

- 1 дақиқа – «бир дақиқа»;

- иштирокчиларни тақдим этиш:

«Матчда» _____ (...доира, ўрин учун ва ш.)

Ҳакамлар устунидан чап томонда қаршиланади:

_____ (фамилия (лар))

ўнгдан _____

_____ (фамилия (лар))

_____ сетлардан

матч.

(3 ёки 5 эркаклар мусобақаларидагина эълон қилинади)

_____ сетдан иборат

тай-брейк

Қуръани ютиб олди _____

ва танлади _____».

(узатишини, қабул қилишини, томонни)

2. Машқ якунлангач:

«Машқ якунланди. Ўйинга тайёргарлик.

Биринчи сетда узатади _____».

(фамилия (лар))

3. Жуфтлик ўйинида иккинчи геймдан аввал:

«Узатади _____».

(фамилия)

4. Иккинчи (учинчи, тўртинчи) сет олдидан: «Иккинчи (учинчи, тўртинчи)».

Ҳал этувчи сет: «Ҳал этувчи сет».

5. Очко ўйналишидан аввал, халақит юзага келса:

«Илтимос, кутинг».

1-изоҳ. Халқаро мусобақаларда давлатга мансублик эълон қилинади.

2-изоҳ. Республикадаги мусобақаларда теннисчиларнинг Қорақалпоғистон Республикасига вилоят ёки шаҳарга мансублиги.

5.1.2. Очко ўйналиш пайтидаги эълонлар

1. Узатиш пайтида узатувчи қуйидагиларни бажаради:

- дастлабки қадам ёки югуриш ҳолатини ўзгартирди – «*Чизиқни босиш (замах)*» - «*Foot Fault*»;

- оёғи билан ёки узатишдан зонасидан ташқарида югуриб, кортни босди: «*Чизиқни босиш (замах)*» - «*Foot Fault*»;

- тўпга зарба беришга уриниб, хато қилди: «*Йўқ*» - «*Fault*».

2. Узатувчи белгиланмаган узатиш зонасидан тўпни узатди «*Fault*».

3. Тўп узатгач:

а) тўп белгиланмаган узатиш майдонида ерга тушди

- биринчи ва иккинчи узатишдан сўнг: «*Йўқ*» - «*Fault*»,

б) тўп белгиланган майдонда ерга тушишдан аввал, тутқич ва устун орасидаги тўрнинг юқори четига, шунингдек яккалик ўйинида тутқич ёки жуфтлик ўйинида устунга тегди; кортдан ташқаридаги нарса ёки ўйинчининг (қабул қилувчи томон) шахсга тегди; узатувчи шерик, унинг кийими ёки жуфтлик ўйинида – биринчи ёки иккинчи узатишдан сўнг ракеткага тегди: «*Йўқ*» - «*Fault*».

в) тўғри узатилган тўп белгиланган узатиш майдонига тушишдан аввал яккалик ўйинида тутқичлар ёки жуфтлик ўйинида устунлар оралиғидаги тўрнинг юқори қисмига; ёхуд тўпни биринчи узатишдан сўнг, ерга тушишдан аввал тўрга теккач қабул қилувчи (ёки унинг шериги), унинг кийими ёки ракеткаси тегди: «*Тўр. Биринчи узатиш*»,

- иккинчи узатишдан сўнг: «*Тўр. Иккинчи узатиш*».

4. Тўпни қабул қилувчи кортга тушгунча тўрга тегмаган тўпга зарба берди: «*Ҳаводан қабул қилиш*».

5. Тўп қабул қилинган ёки кейинги зарбадан сўнг:

а) тўп майдон четида ерга тушди: «*Аут*»,

б) иккинчи сакрашдан сўнг ўйинчи тўпга зарба берди: «*Кеч*».

в) ўйинчи рақиб томонидаги тўпга зарба берди: «*Ўтказиб*».

г) ўйинчи тўпга бирдан ортиқ зарба берди ёки зарба беришда тўпни ракетка билан тўхтатди ва уни ташлади, шунингдек жуфтлик ўйинида шериги ракетка билан тўпга зарба берди: «*Икки бор зарба*».

д) ўйинчи қўлдан чиққан тўпни ифодалади: «*Отиш*».

6. Исталган зарбадан сўнг:

а) тўп яккалик ўйинида тутқичлар ёки жуфтлик ўйинида устунлар орасидан учиб ўтди: «*Орасидан*».

б) тўп ерга тушишдан аввал ўйинчи томонидан устундаги ҳакамдан беркитилди (у қарор чиқараётганда): *«Беркитилди»*.

в) ўйинчи, кийими ёки (қўлидаги ёки қўлидан чиқарилган) ракетка тутқичлар орасидаги ёхуд тутқичга (яккалик ўйинида), устунлар орасидаги тўрга ёхуд устунга (жуфтлик ўйинида) ёки рақиб томонидаги корт устига тегди: *«Тегди»*.

г) тўп ўйинчи, унинг кийими, ракетка ёхуд корт ташқарисидаги нарсага тегди: *«Тегди»*.

д) ҳар бир ҳолатда қоидага кўра очкони қайта ўйнаш талаб этилади: *«Қайта ўйнаш»*.

е) тўпнинг майдон доирасида ерга тушиш далили тасдиқланиши зарурати юзага келди: *«Тўғри»*.

ж) ўйинни тўхтатиш зарурати юзага келди: *«Стоп»*.

з) ўйинчи беҳосдан рақибининг зарба беришига ҳалал берувчи ҳаракатни бажарди: *«Ўйинчига ҳалал бериш», (Помеха)*

1-изоҳ. Узатишдан сўнг биринчи тўп тўрга тушиши эълон қилинмай.

2-изоҳ. Агар тўп биринчи зарбадан ташқари исталган зарбадан сўнг, тўрга тушса ёки ўйинчи рақиб томонидан тўғри узатилган тўпни акс эттира олмаса, ҳисобни эълон қилади.

7. Хато қарорларни бекор этишда, масалан,

- аниқ «йўқ» ёки «аут» хато хитоблар: *«Тўғри, тузатиши»*,

- «тўғри» аниқ хато имо-ишора ва ҳоказо: *«Йўқ (аут), тузатиши»*.

5.1.3. Ҳисобни эълон қилиш

Геймдаги очколар ҳисоби тўп узатувчининг очколарида бошлаб юритилади. Тўп узатувчи (қабул қилувчи) томон ғалаба қозонади:

Биринчи очко – 15/0 (0/15):

«Ўн беш - ноль»

(«Ноль - ўн беш»),

Иккинчи очко – 30/0 (0/30):

«Ўттиз – ноль»

(«Ноль - ўттиз»),

Учинчи очко – 40/0 (0/40):

«Қирқ - ноль»

(Ноль - қирқ).

Иккала томон ҳам ғалаба қозонади – 15/15:

«Ўн беш бўйича».

Тўп узатувчи (қабул қилувчи) томон икки очко, қабул қилувчи (узатувчи) эса бир очко ютиб олди – 30/15 (15/30):

«Ўттиз - ўн беш»

(«Ўн беш - ўттиз»).

Иккала томон ҳам икки очко ютади – 30/30:

«Ўттиз бўйича».

Тўп узатувчи (қабул қилувчи) томон уч очко, қабул қилувчи (узатувчи) эса бир очко ютиб олди – 40/15 (15/40):

«Қирқ - ўн беш»

(Ўн беш - қирқ).

Тўп узатувчи (қабул қилувчи) томон уч очко, қабул қилувчи (узатувчи) эса бир очко ютиб олди – 40/30 (30/40):

«Қирқ - ўттиз»

(«ўттиз - қирқ »).

Иккала томон ҳам уч ва ундан ортиқ очко ютади:

«Тенг» (баробар)

Тўп узатувчи томон «тенг» ҳисобдан сўнг қуйидаги очкони ютиб олади:

«Кўпроқ»

Қабул қилувчи томон «тенг» ҳисобдан сўнг қуйидаги очкони ютиб олади:

«Кам».

Ахмедов 1-сетнинг 1-геймида (2-геймда кетма-кет) ғалаба қозонди:

Ахмедов гейми. Биринчи сетда бир – ноль (икки - ноль).

Ахмедов 1-геймда ғалаба қозонгач, Пулатов 2-геймда ғолиб бўлди:

«Пулатов гейми. Биринчи сетда биттадан».

Ахмедов 1-сетни 7/5 ҳисобида якунлади:

«Гейм ва биринчи сетда Ахмедов етти – беш ҳисобида ғалаба қозонди».

Сетлар ҳисобидан сўнг Ахмедов 3-сетда 7/6 ҳисобида ғалаба қозонди:

«Ахмедов гейм ва учинчи сетни етти – олти ҳисобида якунлади. Ахмедов бир-икки матчда олдинда».

Ахмедов матчни 7/5, 4/6, 7/6, 0/6, 6/2 ҳисобида якунлади:

«Гейм, бешинчи сет ва матчда Ахмедов уч-икки, етти-беш, тўрт-олти, етти-олти, ноль-олти, олти-икки ҳисобида галаба қозонди».

Изоҳ. Жамоа мусобақаларида ўйинчининг фамилияси ўрнига вилоят, шаҳар ва ҳоказоларнинг номи эълон қилинади.

Ўйинчилар учун эслатмалар

Биринчи (устундаги) ҳакамсиз ўйналадиган ўйинлардаги тартиб қоидалар.

Баъзи мусобақаларда дастлабки бир неча ўйинлар биринчи ҳакамсиз ўйналади, ҳамма ўйинчилар бундай ҳолларда тўғри тушуниб, ўйиннинг асосий принципларини билиши керак:

- ҳар бир ўйинчини ўз томонидаги тўпни тўғрилигига масъулдир;

- ўйинчини ўз томонидаги ҳамма “аут”, “фолт; каби чизикдаги ташқаридаги тўпларни, ўз вақтида ердан тўп сакраши биланок дарҳол баланд овоз билан, рақиб эшитадиган даражада айтиши керак;

- агар бирор тўпга гумони бўлса, рақибини фойдасига айтиши керак.

5.2. Ҳакамларнинг роли

Биринчи баланддаги ҳакам тайинланган ўйинларда унинг қарори қатъий бўлади. Агар рефери ёки назоратчи тайинланган ўйинлар бўлса, биринчи ҳакамни қарори бўйича эътирозларни реферига билдириш мумкин, лекин рефери қарори қатъий ва охириги ҳисобланади. Биринчи ҳакамга ёрдамчи ҳакам ва болбойлар белгиланган ўйинларда воқелик факти бўйича уларнинг қарори аниқ ва қатъий бўлиши керак.

Биринчи ҳакам ёрдамчи ҳакамларга хато қилганликларини кўрса, уларнинг қарорини ўзгартириб, хатосини тузатиш ёки қайта ўйин эълон қилиши мумкин. Ёрдамчи ҳакам бирор ўйин факти бўйича қарорга келолмаса, бу ҳақида у дарҳол биринчи ҳакамга билдириш керак, 1-ҳакам қарор чиқариш, ёки конкрет факт бўйича қарор қилолмаса, қайта ўйин эълон қилиши керак.

“Девис Кубоги” ва шунга ўхшаш жамоавий ўйинларда Рефери кортда ўтиради ва у бошқа ҳакамларни қарорини ўзгартириш ҳуқуқига эга, агар уни хато деб билса, биринчи ҳакамга очкони қайтадан ўйнаш учун ҳам кўрсатма бериши мумкин.

Рефери ҳавонинг ўзгариши, қоронғилик, корт майдони қопламасининг нобоплиги туфайли, ўйинни қолдириш ёки кўчириши

мумкин. Ўйин вақти кўчирилган, тўхтатилган пайтда ўйиндаги ҳисоб, ўйинчиларнинг кортдаги турган ҳолатлари сақланиб қолиши керак, агар Рефери ва ўйинчилар бошқача келишиб олмаган бўлсалар.

1-мисол: Биринчи баланддаги ҳакам ўйинни қайтадан ўйнаш керак деб қарор қилди, ўйинчи шу очкони қайта ўйнамасликни талаб қилиб, кортга реферини таклиф қилиши мумкинми?

Қарор: Ҳа, мумкин, бу масала теннис Қоидасига боғлиқ савол бўлиб, муҳокама қилиниши лозим бўлган алоҳида ҳолатларда қўлланади. Агар биринчи ҳакамни қарори ўйинчини қониктирмаса ва эътирози бўлса, Рефери кортга таклиф қилиниб, унинг қарорини сўралади, рефери қарори қатъий бўлиб, эътирозга ўрин йўқ.

2-мисол: Тўп майдон ташқарисига тушди деб аниқланди ва қарор қилинди, аммо ўйинчи тўп тўғри тушди деб эътироз билдирса, шундай ҳолда Реферини кортга таклиф қилиши ва қарор чиқариши мумкинми?

Қарор: Йўқ, бу конкрет воқелик тўғрисидаги савол - содир бўлган эпизод билан боғлиқ, унга нисбатан Кортдаги ҳакамнинг қарори қатъийдир.

3-мисол. 1-ҳакам очко ўйналаётганни якунлаш арафасидаги ёрдамчи ҳакамнинг қарорини ўйин бошида хатолик бўлган эди деб ўзгартириши мумкинми?

Қарор: 1-ҳакам ёрдамчи ҳакамнинг хатосини дарҳол ўрнида тузатиб, қарор қилиниши керак.

4-мисол. Чизик ҳаками тўпни «аут» деб эълон қилди, 1-ҳакам аниқ кўрмаса-да, унга тўп майдонга тушгандек туюлди, у чизик ҳакамини қарорини ўзгартириши мумкинми?

Қарор: Йўқ, ўзгартириши мумкин эмас, 1-ҳакам чизик ҳакам қарорини ўзгартириш учун аниқ кўриб ишонч ҳосил қилиши керак. «Аут» ни тўпни чизик устига тушганини кўрсагина ёки «тушган» тўпни чизик билан тўп орасидаги бўшлиқни кўрсагина ўзгартириш мумкин.

5-мисол: Биринчи ҳакам ҳисобни эълон қилганидан кейин чизик ҳаками хато қилганини англаб қарорини ўзгартириши мумкинми?

Қарор: Ҳа, агар чизик ҳаками хатоликка йўл қўйган бўлса, хатосини тузатиши мумкин, лекин буни у дарҳол бажариши керак.

6-мисол: Чизик ҳаками тўпни «аут» деб эълон қилгандан кейин, ўйинчи тўпни тўғри тушган деб тасдиқласа, ҳакам чизик ҳаками қарорини ўзгартириши мумкинми?

Қарор: Йўқ, мумкин эмас, ҳакам ўйинчини эътирози ёки

арзидан кейин, чизик ҳакамини қарорини ўзгартириши мумкин эмас (муҳокамага лойиқ бўлса ҳам, О. Б).

5.2.1. Ўйиннинг бориши, давомийлиги ва танаффус вақтлари

Ўйин (матч) биринчи тўп узатилгандан кейин узлуксиз равишда токи тугаллангунча давом этиши керак, ўйиннинг бориши қуйидагича тартибда кечади:

а) Агар биринчи тўп узатиш хато бўлса, иккинчи уриниш вақт ўтказмасдан дарҳол бажарилиши керак, қабул қилувчи қабулга тайёр туриши ва узатувчини ҳаракат темпига яқин ўйнаши, у узатишга тайёрлангунча, қабулга тайёр бўлиши керак. Томонларнинг алмашуви гейм тугаганидан кейингиси бошлангунча, кўпи билан 90 секунд ўтиши керак ҳолос.

Ҳар бир сет тугаганидан кейин ҳисоб қандай бўлганлигидан қатъий назар ўйинчилар дам олиш ҳуқуқига эга, бу танаффус гейм тугаганидан янгиси бошлангунча 120 секунддан ошмаслиги керак.

Ўйин узлуксизлигига ҳалақит қилувчи омилларга биринчи ҳакам ўз қараши билан аниқлик киритиб ҳаракат қилиши лозим.

ХТФ (ITF) тасарруфидаги ташкиллаштирилган турнирлар ва жамоавий мусобақаларда очколар оралиғида рухсат этилган вақтни қўшимча белгилаши мумкин.

Бу очколар оралиғидаги вақт ҳам 20 секунддан ошмаслиги керак. АТР (профессионал теннисчилар ассоциацияси) ўз турнирларида 25 секунд белгиланган.

б) ўйин бошлангандан ўйинчиларни бирортаси нафас ростлаши, дам олиши, учун ўйинни тўхтатиш, тўхтаб туриш, атайин вақтни чўзишга рухсат этилмайди. Лекин тиббий ёрдам зарур бўлса, биринчи ҳакам уч дақиқалик тиббий тайм - аутга рухсат бериши мумкин.

в) Ўйинчига шахсан боғлиқ бўлмаган ҳолатларда: кийими, пойабзали, ракеткаси ёки бирор анжومي ишдан чиқса, ўйинни давом қилишга носоз бўлса ёки ярамаса, биринчи ҳакам носозликни англаб олиши ёки алмаштириб олиши учун учрашувни қисқа вақтда тўхтатиб туриши мумкин.

г) Биринчи баланддаги ҳакам зарурат бўлганда бирор вақтга тўхтатиши, ушлаб туриши мумкин.

д) Ўйинчи сетдан кейин, аёлларда икки сетдан кейин, иккала ўйинчи ҳам 10 дақиқадан ошмайдиган дам олиш ҳуқуқига эга. Бу танаффус 15 градус Шим. Кен ва 15 градус жан. Узунликда

жойлашган юртларда 45 дақиқага чўзилиши мумкин. Ўйинчиларга боғлиқ, бўлмаган об-ҳаво ёки бошқа ташқи шароитларда, биринчи ҳакам керагича танаффус эълон қилиши мумкин. Агар ўйин қолдирилиб, ўн дақиқадан кейин бошланмаса, кейинги кунга фақат учинчи сетни ўйналаётган, аёлларда иккинчи сетни ўйналаётгандан кейингина дам олишга рухсат берилади. Бу ҳолларда охириги тугалланмаган сет-бир сет ҳисобида бўлади.

Ҳар қайси давлат ёки ташкилий кўмита турнир ташкил қилишда юқоридаги тартибга ўзгартириш киритиши ёки бекор қилиши мумкин, фақат буни ХТФ (ITF) билан келишган ҳолда ўз турнири Низомида олдиндан эълон қилиши керак. ДЕВИС Кубоги ва Федерация Кубоги ўйинларида фақатгина ХТФ ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

е) Ташкилий кўмита ўйин (матч) олдиндан машқ (разминка) вақтини белгилаши мумкин, лекин бу ҳам беш дақиқадан ошмаслиги ва турнир бошланишидан олдин эълон қилиниши керак.

ж) Огоҳлантиришларни қўллашда, агар ташкилий кўмита ўзгартириш киритмаган бўлса, биринчи ҳакам ушбу Қоидадаги тартибга мос қарор чиқариши керак.

з) Биринчи ҳакам заруратга кўра ўйиннинг узлуксизлигини бузганлиги учун мос равишда огоҳлантиришдан кейин айбдорни ўйиндан четлатиши мумкин.

5.2.2. Мураббий (тренер) маслаҳати

Ўйинчи жамоавий ўйинлардагина, Кортда ўгирган капитан (мураббий) дан, томонларни алмашадиган танаффус пайтидагина маслаҳат ёки кўрсатма олиши мумкин, «тай-брейк» геймдаги алмашиш бунга кирмайди.

Бошқа учрашув ва ўйинларда ўйинчига ўйин пайтида мураббий кўрсатмасини олишга рухсат берилмайди. Қоиданинг ушбу бандига қатъий риоя қилиш керак, мос огоҳлантиришлардан кейин, ўйинчи ўйиндан четлантирилиши мумкин. Жарима кўзда тутилган турнирларда 1-ҳакам кўрсатилган тизим асосида жарима очкоси белгилаши керак.

1-мисол: Мураббийнинг ўзига хос имо-ишоралар билан кўрсатма бериши туфайли, ўйинчини огоҳлантириш ёки ўйиндан четлатиш мумкинми?

Қарор: Биринчи баланддаги ҳакам мураббий томонидан оғзаки ёки сигналлар билан кўрсатма берилаётганлигини пайқаса, дарров

қарор қилиши керак, агар ҳакам буни сезмаса, ўйинчи ўз ҳаракатлари билан бу фактга ҳакамнинг диққатини тортиши мумкин.

2-мисол: Ўйинчи рухсат этилган дам олиш пайтида ёки ўйинда узилиш бўлиб, Кортдан ташқарига чиққанда, кўрсатмасини олиши мумкинми?

Қарор: Ҳа, Ўйинчи танаффусда Кортдан ташқаридаги вақтида мураббий кўрсатмасига чекловлар йўқ. Тренер кўрсатмасига чекловлар йўқ.

Изоҳ: “Тренер кўрсатмасига” ҳар қандай маслаҳат ва кўрсатмалар киради.

5.2.3. Тўплар алмашуви

Тўпларнинг алмашиши турнир ташкилотчилари ёки ITF белгиланган маълум геймлардан кейин амалга оширилади, агарда тўпларни ўз вақтида алмаштириш эсдан чиқиб қолган бўлса, энди тўпни алмаштиришни тўп узатиш навбати қайси ўйинчида лозим бўлган бўлса, ўша ўйинчи ёки жуфтликка узатиш навбати келганда алмаштирилади, яъни янги тўп билан шу ўйинчи тўп узатишни бажариши керак. Ундан кейин тўплар аввал қанча геймда алмашган бўлса, шундай бажарилаверади.

5.2.4. Жуфтлик ўйини

Юқоридаги қоидалар жуфтлик ўйинлар учун ҳам мажбурийдир, қуйидаги қоидалар фақат жуфтлик ўйинларида қўшимча сифатида қўлланади.

5.2.5. Жуфтлик ўйинлари учун корт майдони

Жуфтлик ўйинлар учун корт майдони энига 36 фут (10,97м), яъни якка ўйинлар учун корт майдони энидан иккала томонга 4,5 дюйм (1,37м) кенгроқ бўлади. Якка ўйинлар майдонини тўп узатиш чизиклари оралиғидаги майдон тўп узатиш майдони ва унинг ён чизгилари деб юритилади. Якка ўйин майдонини тўп узатиш майдони ён чизгилари давомидаги ён чизиклари жуфтликда ҳисобланмайди ёки инкор қилинади.

5.2.6. Жуфтликда тўп узатиш тартиби

Жуфтлик ўйинида ҳар бир сетнинг биринчи геймида бу геймда тўп узатиши керак бўлган жуфтлик танлаб олинади. Шу тарзда, иккинчи гейм олдидан рақиб жуфтлик бу геймда ким тўп узатишини

ҳал қилиши лозим. Биринчи геймда тўп узатган ўйинчининг шериги учинчи геймда тўп узатиши керак; иккинчи геймда тўп узатган ўйинчининг шериги тўртинчи геймда тўп узатиши керак. Бу кетма-кетлик сет якунигача давом этиши зарур.

5.2.7. Жуфтликда узатилган тўпни қабул қилиш тартиби

Ҳар бир сет бошланишидан олдин тўп қабул қилиш тартиби қуйидагича ҳал қилиниши лозим:

Биринчи геймда қабул қилаётган жуфтлик шерикларидан қайсиси биринчи тўпни қабул қилишини аниқлаши лозим ва бу ўйинчи ушбу сетда ҳамма тоқ геймларда тўп қабул қилади. Рақиб жуфтлиги ҳам, иккинчи геймда биринчи тўп узатишини ким қабул қилишини аниқлайди ва бу ўйинчи ушбу сетда ҳамма жуфт геймларда биринчи тўпни қабул қилиши керак. Жуфтликлар ҳар геймда навбати билан тўп қабул қилишни бажарадилар.

1-мисол: Жуфтлик ўйинларда, тўп узатилаётганда, қабул қилувчини кўриш майдонини тўсиб туриши мумкинми?

Қарор: Ҳа, узатувчи ёки қабул қилувчини шериги ўз томонида кортнинг хоҳлаган жойида ёки ташқарисида туришига рухсат берилган.

5.2.8. Жуфтликда тўп узатиш навбати бузилиши

Жуфтликда тўп узатиш навбати бузилиб, бошқа шерик тўп узатган бўлса, хато аниқланиши захотиёқ ўз навбатидаги шериги тўп узатишни бажариши керак, шу пайтгача ўйналган очколар ва қилинган хатолар ҳисобга олиниб сақланади. Агар нотўғри навбатда гейм тугаган бўлса, очколар ҳисобланади ва узатиш навбат ўзгарган тартибда қолади.

5.2.9. Жуфтликда қабул қилиш тартибидаги хатолик

Қабул қилиш навбати қабул қилувчилар томонидан бузилса, яъни жуфтликдаги шериклар ўрни алмашган бўлса, шу гейм тугагунича ўзгарган тартибда қолиши керак, ҳамда жуфтликлар ушбу сетни яна қабул қиладиган геймида, дастлабки ҳолдаги қабул қилувчи тартибида бўлиб олишлари керак.

5.2.10. Жуфтликда тўп узатишдаги хатолар

Ушбун қоидадаги кўзда тутилган ҳолларда тўп узатиш хато ҳисобланади ва яна қўшимча узатувчини жуфтликдаги шеригига

узатилаётган тўп тегиб ўтса, (уст кийими ва ракеткасига тегса ҳам) узатиш хато ҳисобланади.

Агар узатилган тўп қабул қилувчи жуфтликни шеригига тўғри тўп бўлиб, ерга тегишидан олдин тегиб ўтса, тўп узатувчи очко ютади.

5.2.11. Жуфтликда очко (тўп) ўйналиши тартиби

Жуфтликда тўпга навбати билан рақибларнинг бирортаси зарба бериши керак, яъни жуфтликдаги шериклардан биттасининг зарбасидан кейин, шеригини тўпга тегиши таъқиқланади. Ушбу қоидага зид ҳолда жуфтликдаги шериклар кетма-кет ракеткаси билан тегиб кетса ҳам, рақиблари очко ютади.

1-изоҳ: Агар аёллар учун истисно тариқасида бошқача тартиб турнир низомида кўзда тутилмаган бўлса, ушбу қоидалар аёлларга ҳам эркакларга ҳам бир хилда қўлланади.

VI. ЎЙИНЧИНИНГ АХЛОҚ КОДЕКСИ

Ушбу Кодекс ўйинчиларни хулқини одоб андозалари даражасида тутиб туриши, мусобақаларни юқори даражада ўтказиш, ташкилотчиларни ва бошқа иштирокчилар ҳуқуқи, умуман теннисни ҳимоя қилиш мақсадида тузилган.

6.1. Ўйинчининг мажбуриятлари

6.1.1. Батартиблик (Пунктуальность)

Кундалик жадвалдаги ўйинлар – учрашувлар тартиб бўйича бирин-кетин ўз вақтида ўтказилиши лозим. Ўйинлар жадвали ҳамма ўйинчилар ва мухлисларга кўринадиган жойга илинган бўлиши керак. Ўйинчилар ўйинга чақирилган пайтда, унга тайёр бўлиб туришлари керак.

Ўйинга 10 дақиқадан ортиқ кеч қолган ўйинчи жарима тўлайди, агар ўйинга 15 дақиқадан ортиқ кеч қолса, ўйинчига мағлубият ёзилиши керак, бироқ бош ҳакам кеч қолиш сабабини ўрганиб чиқиб, узрли ҳолатларни ҳисобга олиб мағлубият ёзмаслиги мумкин (аёлларда 10 дақиқага жарима қилинмайди).

6.1.2. Иштирок этиш учун ариза

Мусобақага иштирок этиш учун бериладиган ариза турнирни ўтказиш шартлари низомига мос бўлиши керак, ҳамда қатнашишдан бош тортиш, рад этиш талаблари ва жаримага тортиш тартибларига зид келмаслиги керак.

6.1.3. Кечикиб ариза бериш ёки иштирок этишни рад этиш

Ҳеч қайси ўйинчи мусобақада иштирок этиш учун ариза беришни белгиланган муддатидан кейин ариза беришга рухсат берилмайди.

Ҳар бир ўйинчи турнирда иштирок этишни рад этиш муддатидан кейин жаримасиз қатнашишдан воз кечишга ҳаққи йўқ (бунинг учун чора кўрилади).

6.1.3. Бутун куч қудратини намоён этиш

Ўйинчи учрашувни ютиш учун бутун куч қудратини ишлатиши ва ҳаракат қилиши шарт. Бош ҳакам ва биринчи ҳакамларнинг фикри бўйича бор кучини сарф қилмай ўйнаётган ўйинчини улар ўйиндан четлатишлари ва жазолашлари мумкин.

6.1.4. Кийим-бош ва анжомлар

Ўйинчи профессионал ўйинга мос кийиниши керак. Кийим-бош теннисга хос бўлиши ва тоза бўлиши лозим, ўйинчига мос кийимларини кийиб олиши учун ўн беш дақиқа вақт берилади. Мос келмайдиган кундалик юришдаги майка ва бошқа кийимларни ўйин пайтида ёки машқда кийиш таъқиқланади.

Жуфтликдаги кийим-бош. Жуфтлик ўйинлардаги ўйинчилар бир жамоа аъзолари бир хил рангдаги спорт формасида бўлиши шарт. Масалан: оқ кўйлак ва қора шўртик жуфтликдаги иккала ўйинчида бир хил бўлиши керак, ҳар хил кўйлак ёки шўртикларда ўйнашга рухсат берилмайди.

6.1.5. Машқ вақтидаги кийим

Ўйинчилар машқ вақтида ҳам юқоридаги низомга мос ҳолда кийим кийиши ва шу кийим билан ўйинда ўйнаши мумкин, лекин бу ҳақида реферидан олдиндан рухсат олиб тасдиқлатиб олиши керак.

6.2. Ишлаб чиқарувчи ва тижорат рекламаси

Тижорат ва ишлаб чиқарувчини рекламасининг ўлчамлари ва жойлашуви Халқаро Теннис Федерациясининг (ITF) ва Профессионал Теннисчилар Ассоциацияси (АТР) нинг талабларига мос ва хос бўлиши керак.

Ўйинчининг кийим-бош ва буюмларида, бирор расмий анжуманда қатнашганда, ортиқча ёзув рекламаси бўлиши мумкин эмас. Бу соҳада у қуйидаги қоидага риоя қилиши керак:

а) Кўйлак, жемпер, камзул-нимчаларнинг енгида:

- ҳар бир енгда биттадан ўлчами (19,5 кв.см) дан ошмайдиган тижорат ва қўшимча биттадан ўлчами (13 кв.см) дан ошмайдиган ишлаб чиқарувчининг эмблемаси бўлиши мумкин;

- олди, орқаси ва ёқасида – ишлаб чиқарувчининг (13 кв.см) – дан ошмайдиган иккита эмблемаси (улар ҳар хил вариантда: битта олдида, биттаси орқада ёки ёқада бўлиши мумкин), ёки битта (19,5кв.см) эмблемаси хоҳлаган жойида орқада, олдида ёки ёқасида жойлашган бўлиши мумкин.

б) Шортларда ишлаб чиқарувчининг иккита 13 кв.см.дан ошмайдиган ёки битта 19,5 кв.см. ўлчамдаги эмблема бўлишига рухсат этилади.

в) Пойабзал ва пайпоқларда:

Ҳар бир пойабзал ва пайпоқда ишлаб чиқарувчини икки дюймли

стандарт эмблемаси ўлчами 13 кв.см.дан ошмаслиги керак:

г) Ракетка:

Ракеткада ишлаб чиқарувчининг стандарт эмблемаси ва торларда ҳам ишлаб чиқарувчининг стандарт эмблемаси бўлиши мумкин.

д) кепка, сумка, сочиқ ёки бошка анжомларда:

Ишлаб чиқарувчининг стандарт эмблемасидан ташқари сумкада қўшимча иккита алоҳида тижорат эмблемаси ўлчами тўрт дюймли (26 кв.см) бўлиши мумкин.

е) Кийим, анжомларни алмаштириш, ёпиштириш:

Ушбу бўлим Низомини бузган ўйинчи бош ҳакам ёки биринчи ҳакам томонидан кийимини ёки анжомларини алмаштиришга мажбур қилиниши мумкин. Бу талабни бажармаган ўйинчига мағлубият эълон қилинади. Кийимдаги ёки анжомлардаги ёзув-эмблемани ёпиб ёпиштиришга рухсат берилмайди.

6.3. Юқоридаги низом қоидаларини бузганлиги учун жарималар

Ушбу Низом қоидаларини бузиб, мағлубиятдан қутилиб қолган ўйинчи турнир тартибига биноан жаримага тортилади. Қуйидаги ҳолларда:

а) Теннисга мос спорт формаси ёки жуфтликда бир хил форма кийилмаганлиги учун;

б) Бошқа теннис турнирини реклама қилиши ўйинчини ўтказилаётган турнирга ҳурматсизлик деб баҳоланиб, турнир тартибига кўра жаримага тортилади.

6.3.1. Кортдан чиқиб кетиш

Ўйинчи машқдан бошлаб ўйин пайтида биринчи ҳакамнинг рухсатисиз кортни тарк этиши мумкин эмас. Ушбу қоида бузганлиги учун ўйинчига турнир тартибига кўра жарима қилинади, ҳар бир ҳаракати учун алоҳида жарима қўлланиб, бунга қўшимча равишда мағлубият ёзилиши ва ўйиндан бош тортганлиги учун айбланиши мумкин.

6.3.2. Учрашувни ўйнашдан бош тортиш

Ўйинчи ўйинни охиригача ўйнаши шарт, агар унда ҳақиқатда жисмоний имконият етарли бўлмаса, ушбу қоида бузгани учун, турнир тартибига асосан ўйинчига жарима қўлланилади ва яна дарҳол мағлубият ёзилади.

6.4. Матбуот конференцияси

Агар ўйинчи жароҳат олмаса, жисмоний жиҳатдан имконияти бўлса, ўйиндан кейинги ўттиз дақиқа ичида ташкил қилинган матбуот конференциясида иштирок этиши шарт (ютадими ёки ютқазадами, аҳамиятсиз). Бош ҳакам бошқача қарор чиқармаса, ушбу бандни бузганлиги учун ҳам турнир тартибига асосан жарима тўлашга мажбур.

6.4.1. Маросимлар

Финал учрашувида ўйнаган ўйинчилар, совринли ўйинни эгаллаганлар, агар етарли сабаблари бўлмаса, тақдирлаш маросимида иштирок этишлари шарт, ушбу қондани бузганлиги учун ҳам турнир тартибига биноан жарима тўлашга тўғри келади.

6.5. Ўйиннинг чўзилиши - (Unreasonable delay)

Биринчи ҳакамнинг чақириғи билан ўйинчилар ўйинни бошлашлари керак, ўйин давомида асоссиз ўйинни чўзишга ҳаққи йўқ, бунга жисмоний толиқиш, жароҳат олиш ёки бош тортиш ҳам сабаб бўла олмайди (буни ўз тартиби бўйича баён қилади).

Тўп ўйиндан тўхтаганидан кейин, навбатдаги очкога 1-тўп узатиш бажарилгунча 20 секунддан ошмаслиги керак. Томонларни алмашишганда 90 секунд, сет тугаганида 120 секундли танаффусга рухсат берилади.

Агар сетдаги геймлар йиғиндиси жуфт бўлса, алмашув кейинги сетнинг биринчи геймидан кейин бажарилади.

Қабул қилувчи узатувчини ўйин темпига етказиб бориши керак, узатувчи тўп узатишга тайёр бўлганда қабулга тайёр туриши керак. Жисмоний толиқиш, ўйиндан бош товлаш сабабли ўйинни чўзиш, ушбу банд қондасини бузиш ҳисобланади.

6.5.1. Сўкиниш (Audible obscenity)

Ўйинчи сўкиниш, ҳақоратлаш, дўқ уришларни ифодаладиган уятли сўзлардан фойдаланмаслиги керак. Ушбу қондани бузганлиги учун ўйинчига турнир тартибига мос жарима қўлланилади. Агар бу ўйин пайтида содир қилинса, ўйинчи дастлаб огоҳлантирилади. Биринчи ҳакам ёки чизик ҳаками сўкинишни эшитиб қолса, бу қондани бузганлиги сифатида қаралади ва жазоланади.

6.5.2. Ўйинчини мураббийси, вакиллари, қариндошлари

Турнир пайтида ўйинчининг мураббийси, вакили ёки бирор қариндошлари турнир ташкилотларига, ITF га, ўйинчиларга, ўйинга

нисбатан ножўя ҳаракат қилиши ёки ноўрин гаплар қилиши мумкин эмас. Улар томонидан бирор ўйинчини, ҳакамни ёки ташкилотчини ҳақоратлайдиган хулқ, ушбу бандни қондасини бузганлиги сифатида қаралади ва унинг учун жазоланиб:

- имтиёзли ҳизматлардан фойдаланишдан маҳрум қилиниши ёки турнир ва турнирлардан четлатилиши мумкин;
- Ёшлар турнири қўмитасининг жарималари қўлланади.

6.5.3. Мураббий маслаҳати, ахлоқи (Coaching and Coaches)

Ўйин пайтида жамоавий ўйинда 90 сек ёки 120 секундли танаффус вақтидагина ўйинчилар кортда ўтирган мураббий маслаҳати ва кўрсатмасини олишлари мумкин, бошқа ҳолларда ўйинчилар мураббий кўрсатмасини олишлари мумкин эмас. Мураббий ўйинчиларни қўйидагилардан сақлаши керак:

1) турнир пайтида сўқинишдан; 2) ҳақоратловчи ҳар қандай ҳаракат ёки жестларни ифодаланишдан; 3) ҳакам, ўйинчи, рақиби, томошабин ёки бошқа шахсларни сўз билан ҳақоратлашдан; 4) ҳакам, рақибин ёки томошабинни жисмоний ҳақорат қилишдан; 5) турнир шаънига путур етказувчи ёки ҳакамларга йўналтирилган ножўя матбуот чиқишини тасдиқлаш ва уларга қўшилишдан.

Ушбу Низомни бузганлиги учун, турнир тартибига мос ҳар бир ҳаракат учун алоҳида жарима қўлланилади. Агар ўйин пайтида содир қилса, ўйинчи огоҳлантирилади, Ахлоқ кодекси бўйича жазоланади. Мураббий (ота-оналар)нинг хулқи турнирга ҳалақит қилиб, путур етказадиган бўлса, бош ҳакам ёки ёрдамчиси уларни турнирдан четлатиши мумкин.

6.5.4. Ҳақоратловчи имо-ишора(жест)лар (Visible obsenity)

Ўйинчи ҳақоратловчи характердаги ҳар қандай ҳаракат ёки имо-ишораларни қилиши мумкин эмас. Ушбу қондани бузганлиги учун у албатта жаримага тортилади, ундан ташқари ўйин пайтидаги шундай ҳаракатлари учун огоҳлантирилиб олдин очко билан кейин мағлубият билан жазоланиши мумкин, “ҳақоратли ҳаракат” (жест) - деб кўл ёки бошқа аъзолари, ракетка, тўп билан кўпчилик учун тушинарли бўлган ҳаракатларни тушунилади.

6.5.5. Тўпни ташлаш, ирғитиш (Ballabuse)

Ўйинчи аччиқланиб тўпга кўли ёки оёғи билан зарба бериши, ўйин тўхтаганда тўпни ирғитиб юбориши мумкин эмас. Ушбу

қоидани бузганлиги учун турнир тартибига мос жаримага тортилади ва Ахлоқ кодекси бўйича огоҳлантириш олади. “Тўпни ирғитиш” деб тўпга билиб туриб қаттиқ зарба бериш ва кортдан чиқариб юбориш ёки ҳавфли жойга (ҳакам, ёрдамчи ҳакамлар, ўйинчига) тегишли мумкин бўлган зарбаларга айтилади.

6.5.6. Ракеткани ёки анжомини ташлаш (racketabuse)

Ўйинчи жаҳил билан ракеткаси ёки бошқа анжомларини ташлаб юбориши, ерга уриши мумкин эмас, ушбу қоидани бузганлиги учун, турнир тартибига мос жаримага тортилади. Агар бу ўйин пайтида содир бўлса, ўйинчи Ахлоқ кодекси бўйича огоҳлантирилиб, жазоланади.

6.5.7. Сўз билан ҳақоратлаш (Verbal abuse)

Турнир пайтида ўйинчилар сўз билан ҳакам, рақиб ва томошабинларни ёки шахсларни ҳақоратлаши мумкин эмас. Ушбу қоидани бузганлиги учун турнир тартибига мос жаримага тортилади. Ундан ташқари ўйинчи ўйин пайтида сўз билан ҳақоратласа, Ахлоқ кодекси бўйича огоҳлантирилади, агар ўйинчини ҳақорати турнирга зиён етказса, бир марталик айби учун унга мағлубият ёзилиши мумкин. «Сўз билан ҳақоратлаш» деб ҳакам, рақиб ва томошабинларга қаратиб айтилган беҳурмат қилувчи сўзлар ва уларни тасдиқлашга айтилади.

6.5.8. Жисмоний ҳақоратлаш (Physical abuse)

Ўйинчилар ҳакам, рақиб ва томошабин ёки бошқа шахсларни жисмоний ҳақоратлаш мумкин эмас. Ушбу қоидани бузганлиги учун, турнир тартибига мос жаримага тортилади, агар ўйин пайтида содир қилса, Ахлоқ кодекси бўйича қўшимча равишда огоҳлантирилади. Баъзи ҳолларда турнирга зиён етказгани учун ўйинчига мағлубият эълон қилиниши мумкин.

«Жисмоний ҳақоратлаш» деб, ўйинчининг ҳакам рухсатисиз қўл, ракетка ёки тўп билан бирор бир шахсга тегишига айтилади.

6.5.9. Спортчини хулқига зид ҳаракат (Unsportsmanlike conduct)

Ўйинчилар ўзини спортчига хос хулқда тутиши ҳакамлар, рақиблари ва томошабинларга нисбатан ҳурмат билан муомалада бўлиши керак. Ушбу қоидани бузганлиги учун турнир тартибига кўра жаримага тортилади. Агар ўйинчи бундай ҳаракатни ўйин пайтида

содир қилса, у Ахлоқ кодекси бўйича огоҳлантирилади, турнирга зиён етказадиган ҳолатларда мағлубият эълон қилиниши мумкин.

«СПОРТчи хулқига зид ҳаракат» деб хулқ меъёрлари бузилиши, спортга ҳурматсизларча муносабат, юқорида кўрсатилган Низомда кўрилмаган бошқа ҳолатлар, ундан ташқари турнирга ёки ҳакамларга зиён етказиши мумкин бўлган матбуотдаги оғзаки ёки ёзма чиқишлар ва уларни тарқатиш тушунилади.

6.6. Жарималар тизими

Юқоридаги Низом бандларини бузганликлари учун қуйидагича жарималаш тизими қўлланилади:

Биринчи марта қоида бузганлиги учун – Огоҳлантириш; (Code Violation Warning)

иккинчи мартасида (Point penalty) – Очко билан жазоланади;

учинчиси ва кейингиларида (Game penalty) – Гейм билан жазоланади.

Бироқ учинчисидан кейин Рефери ўйинчига мағлубият эълон қилишни кўриб чиқиши, кейинги сафар мағлубият эълон қилиши мумкин.

Жарима очколари биринчи ҳакам томонидан тайинланади, агар биринчи ҳакам жарима очкосини тайинламаса, Рефери, бош ҳакам унга очко ёки гейм билан жазолаш кераклигини буюриши мумкин. Ўйинчига ҳар бир огоҳлантириш ва ундан кейин бўладиган жарималар (очко, гейм тўғрисида аниқ ахборот бериб турилиши керак).

6.6.1. Мағлубият

Биринчи ҳакам ёки бош ҳакам, ёрдамчиси ўйинчига алоҳида битта қўпол равишда қоидани бузганлик айби учун ёки юқорида кўрсатиб ўтилган бир нечта айблари учун жарималар тизимига мос равишда мағлубият эълон қилиши мумкин.

Ўйинчини эътирози бўйича биринчи ҳакам эълон қилган мағлубиятни бош ҳакам кўриб чиқиши ва дарҳол қарорни тасдиқлаши ёки бошқа қарор чиқариши лозим, бош ҳакамнинг қарори қатъий ва якунийдир.

Бош ҳакам Ахлоқ кодексининг бирор банди бўйича мағлубият эълон қилиши мумкин, унинг қарорига эътироз қабул қилинмайди.

Ҳар қандай ўйинчи жаримани устига қўшимча равишда яна мағлубият жаримасини олиш мумкин. Бирор тартибдаги ўйинда

(якка, жуфтлик хулқи учун олинган мағлубият, бошқа тартибдаги ўйинда ҳам мағлубиятга олиб келади).

6.6.2. Жуфтлик ўйини

Жуфтлик ўйинларидаги қоида бузилиши жамоа зиммасига тушади, жарималар жамоа томонидан тўланади ва жамоа жазоланади.

Изоҳ: Ўйинчи очколар орасидаги 20 секунд (АТР турда 25 сек.), томонларнинг алмашивудаги 90 секунд ёки сетлар орасидаги 120 секундли вақтлар ичида ўйинга тайёр туриши аҳамиятлидир, агар тайёр бўлмаса, вақт тартибини бузганлиги учун биринчи марта огоҳлантирилади (тайм виолейшн), кейингисида ҳар сафар очко билан жарима қилинади.

Вақт тартибини бузганлиги учун огоҳлантириш ёки жарима битта очко ўйналиши баробарида бир марта эълон қилинади. Агар ўйинчи у тарзда вақтни чўзиб ўйинни давом эттираверса, у ҳолда у ўйин вақтини чўзганлиги учун «спортчи хулқига зид» ҳаракат деб баҳоланиб, жаримага тортилиши ва оқибатда турнирга зиён етказиш, яъни «ҳақоратли ахлоқ» деб баҳоланиши ва янада қаттиқроқ жазога тортилиши мумкин.

VII. МУСОБАҚАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МУСОБАҚАЛАРНИ ЎТКАЗИШ

7.1. Мусобақа турлари ва разрядлари

Мусобақалар шахсий, жамоа ва шахсий-жамоа турларига бўлинади. Бу турлар яккалик (аёллар ва эркеклар) ва жуфтлик (аёллар, эркеклар ва аралаш) разрядларидан иборат бўлиши мумкин.

Шахсий турда мусобақа иштирокчиларининг натижалари алоҳида ҳисобга олинади. Жамоа турига жамоалар ўртасидаги мусобақалар кириб, уларда алоҳида мусобақа натижалари жамоа ҳисобига ўтказилади.

Шахсий-жамоа турида натижалар бир вақтда алоҳида иштирокчилар ва жамоа ҳисобига қўшилади.

7.2. Мусобақаларни ўтказиш тизимлари

Олимпия, такомиллаштирилган олимпия ва доира тизимлар теннис бўйича мусобақаларнинг асосий тизимлари ҳисобланади. Шунингдек аралаш тизимлар қўлланилиб, улар мусобақанинг турли босқичларида асосий тизимларнинг бирлашиши ҳисобланади.

7.2.1. Олимпия тизими

Мусобақаларни ўтказишнинг олимпия тизими ғолибни аниқлаш учунгина қўлланилади. Иштирокчи биринчи мағлубиятдан сўнг мусобақадан чиқиб кетади. Натижада ҳеч бир беллашувда мағлубиятга учрамаган иштирокчи ғолибга айланади.

Олимпия тизимлари бўйича бир неча турдаги мусобақалар ўтказилади. Турларнинг сони иштирокчилар сонига боғлиқ ва 1-жадвал бўйича аниқланиши мумкин.

1 жадвал

Иштирокчилар сони	3-4	5-8	9-16	17-32	33-64
Турлар сони	2	3	4	5	6

Мусобақаларни ўтказиш учун зарур ўйин кунлари сони турлар сонига тенг (ҳар бир иштирокчи кунига бир беллашувда иштирок этиш шarti билан).

Олимпия тизими бўйича мусобақаларни ўтказишда беллашувларнинг умумий сони иштирокчилар сонидан бир рақам кам.

Мусобақанинг ҳар бир турида иштирокчилар сони аниқланиб, бу беллашув натижалари махсус мусобақа жадвали бўйича ҳисобга олинади. Намуна сифатида 32 ва 24 иштирокчига мўлжалланган (сетка) мусобақа жадваллари келтирилган (2- ва 3-жадваллар). Икки ҳолатда ҳам 2-жадвалга кўра 5 турда мусобақалар ўтказилади. Жадвалларда ҳар бир тур бўйича мусобақалар бир вертикал қаторга мос келади. Ҳар бир қатор горизонтал қаторлардан иборат бўлиб, уларда мусобақа иштирокчиларининг исми шарифлари ёки жамоа номлари кўрсатилади.

Ҳар бир турда исм-шарифлари ён (бирлашган) қаторларда ўнг томондан вертикал чизиқ билан бирлашган бир қаторда жойлашган иштирокчилар ўзаро учрашадилар. Биринчи чап қаторда иштирокчиларнинг исм-шарифлари жойлаштириш (қуръа ташлаш) натижалари бўйича мувофиқ қаторларда жойлаштирилади (VIII қисмга қаранг).

2- жадвал



3-жадвал



2-й тур

3-й тур

4-й тур ¼ финала

5-й тур ½ финала

финал

1-тур беллашувлари ғолиблари 2-турга (мусобақа жадвалида – кейинги вертикал қатор), 2-тур беллашувларидаги ғолиблар 3-турга ўтадилар ва ҳоказо.

Турлар бўйича ғолибларнинг ҳаракати 2- ва 3-жадвалларда кичик рақамлардаги иштирокчилар беллашувларда ғалаба қозонган вазиятлари учун кўрсатилган.

8 иштирокчи учрашадиган тур чорак финал, 4 иштирокчи – ярим финал, 2 иштирокчи - финал дейилади. Финал беллашуви ғолиби мусобақа ғолибига айланади. Баъзан олимпия тизимида ўтказилувчи мусобақаларда биринчи турларда мағлубиятга учраган иштирокчиларга тинчлантириш мусобақаларида (масалан, биринчи ва иккинчи турда мағлубиятга учраганлар учун) иштирок этиш имконияти тақдим этилади.

Бундай ҳолатларда қўшимча жадваллар тузилиб, уларда иштирокчиларнинг исм-шарифлари мусобақа асосий жадвалининг мувофиқ ўринларидаги мағлубиятдан сўнг келади. Масалан, асосий жадвалнинг чап қаторидан қўшимчага 32, 17, 24, 25, 28, 21, 20 ва ҳоказо рақамлардаги иштирокчиларнинг исм--шарифлари ўтади.

«Тинчлантириш» (утешительные) мусобақаси халқаро «конселейшн» тизими бўйича ўтиши мумкин. Биринчи турда мағлубиятга учраганлар қўшимча жадвални ташкил этади. Қўшимча жадвалнинг биринчи турида ғалаба қозонганлар асосий жадвалнинг иккинчи турида мағлубиятга учраганлар билан учрашадилар.

Мувофиқ тарзда жойлаштирилган иккинчи тур ғолиблари қўшимча жадвалда асосий жадвалнинг учинчи турида мағлубиятга учраганлар билан ва ҳоказо асосий жадвалнинг яримфиналигача учрашадилар. Шу тарзда турнирдаги 5-ўрин аниқланади. «Тинчлантириш» турнирида ўйновчилар асосий жадвалга нисбатан битта кўпроқ ўйинда иштирок этадилар.

Қўшимча жадвал бўйича «тинчлантириш» мусобақалари олимпия тизими бўйича ҳам ўтказилади.

7.2.2. Такмиллаштирилган олимпия тизими

Такмиллаштирилган олимпия тизими ҳамма ўринлар учун беллашувларда қўлланилади. Бунда спортчи ҳар бир мағлубиятдан сўнг мусобақадан эмас, балки маълум ўрин учун курашдан чиқиб кетади. Натижада ҳеч бир беллашувда мағлубиятга учрамаган иштирокчи ғолиб бўлиб, ҳеч қандай ғалабага эришмаган ўйинчи охириги ўринни эгаллайди.

4-жадвал

Такомиллашган олимпия тизими бўйича ўтказиладиган мусобақа бир разрядининг ҳар бир турида беллашувларнинг сонини аниқлаш, иштирокчилар сонига кўра, уларнинг ғалаба ва мағлубиятлари мунтазамлигига кўра бошқа иштирокчилар ўртасида тақсимланади

Ишти рок чилар сони	Жами белла шув лар	Шу жумладан турлар бўйича					Ишти рок чилар сони	Жами белла шув лар	Шу жумладан турлар бўйича					
		1	2	3	4	5			1	2	3	4	5	6
4	4	2	2	-	-	-	33	81	1	16	16	16	16	16
5	5	1	2	2	-	-	34	83	2	17	16	16	16	16
6	7	2	3	2	-	-	35	85	3	17	17	16	16	16
7	9	3	3	3	-	-	36	88	4	18	18	16	16	16
8	12	4	4	4	-	-	37	90	5	18	18	17	16	16
9	13	1	4	4	4	-	38	93	6	19	18	18	16	16
10	15	2	5	4	4	-	39	96	7	19	19	19	16	16
11	17	3	5	5	4	-	40	100	8	20	20	20	16	16
12	20	4	6	6	4	-	41	102	9	20	20	20	17	16
13	22	5	6	6	5	-	42	105	10	21	20	20	18	16
14	25	6	7	6	6	-	43	108	11	21	21	20	19	16
15	28	7	7	7	7	-	44	112	12	22	22	20	20	16
16	32	8	8	8	8	-	45	115	13	22	22	21	21	16
17	33	1	8	8	8	8	46	119	14	23	22	22	22	16
18	35	2	9	8	8	8	47	123	15	23	23	23	23	16
19	37	3	9	9	8	8	48	128	16	24	24	24	24	16
20	40	4	10	10	8	8	49	130	17	24	24	24	24	17
21	42	5	10	10	9	8	50	133	18	25	24	24	24	18
22	45	6	11	10	10	8	51	136	19	25	25	24	24	19
23	48	7	11	11	11	8	52	140	20	26	26	24	24	20
24	52	8	12	12	12	8	53	143	21	26	26	25	24	21
25	54	9	12	12	12	9	54	147	22	27	26	26	24	22
26	57	10	13	12	12	10	55	151	23	27	27	27	24	23
27	60	11	13	13	12	11	56	156	24	28	28	28	24	24
28	64	12	14	14	12	12	57	159	25	28	28	28	25	25
29	67	13	14	14	13	13	58	163	26	29	28	28	26	26
30	71	14	15	14	14	14	59	167	27	29	29	28	27	27
31	75	15	15	15	15	15	60	172	28	30	30	28	28	28
32	80	16	16	16	16	16	61	176	29	30	30	29	29	29
							62	181	30	31	30	30	30	30
							63	186	31	31	31	31	31	31
							64	192	32	32	32	32	32	32

Такомиллаштирилган олимпия тизими бўйича мусобақалар бир неча турларда ўтказилади. Турлар сони ва ўйин кунлари сони олимпия тизими мусобақалари сингари белгиланади. Беллашувларнинг умумий сони 4-жадвал бўйича иштирокчилар сонига кўра аниқланади.

Мусобақанинг ҳар бир турида иштирокчилар жуфтлигини белгилаш ва бу беллашувларнинг натижалари ҳисоби мусобақанинг асосий ва қўшимча жадваллардан иборат жадвали бўйича юритилади. Асосий жадвал олимпия тизими бўйича ўтказилувчи мусобақа жадвалидан фарқ қилмайди. Иштирокчининг фамилияси биринчи мағлубиятдан сўнг, қайси турда мағлубиятга учраганига кўра, қўшимча жадвалга тушади. Иккинчи турдан бошлаб, ҳар бир турда мусобақанинг аввалги турларида бир хил ғалаба ва мағлубият мунтазамлигига эга иштирокчилар учрашадилар.

7.2.3. Доира тизими

Доира тизими мусобақанинг ҳамма иштирокчилари ўртасидаги беллашувларни ўтказишда ҳамма ўринлар учун курашни кўзда тутади.

Тўпланган баҳолар бўйича иштирокчилар эгаллаган ўринлар аниқланади. Ғалабага эришилган беллашув учун (шахсий ёки жамоавий) бир очко, мағлубият учун - ноль берилади. Иштирокчи беллашувга келмаганда ёки ундан бош тортганда унга (ҳисоб кўрсатилмаган ҳолда) мағлубият белгиланади. Агар иштирокчи мусобақа жадвалида кўзда тутилган беллашувларнинг яримидан камида ўйнаган бўлса, унинг ҳамма натижалари (квалификацион ҳисоб учун эмас, балки ўринни аниқлаш учунгина) бекор қилинади.

Кўп очкога эга иштирокчи ғолиб ҳисобланади. Икки иштирокчининг очколари (шахсий ёки жамоавий мусобақаларда) тенг бўлиб қолганда, ўзаро беллашувнинг ғолиби устунликка эга бўлади. Шахсий мусобақаларда уч ёки ундан ортиқ иштирокчининг очколари тенглашганда қуйидаги мунтазамликда қўлланилувчи кўрсаткичлар бўйича иштирокчи устунликка эга бўлади:

1) ўзаро беллашувларда:

- тўпланган очколар бўйича;
- ғалабага эришилган ва мағлубиятга учралган сетлар турлитуманлиги бўйича;
- ғалабага эришилган ва мағлубиятга учралган геймлар турлитуманлиги бўйича;

2) ҳамма беллашувларда:

- ғалабага эришилган ва мағлубиятга учралган турли-туманлиги бўйича;

- ғалабага эришилган ва мағлубиятга учралган геймлар турли-туманлиги бўйича;

- ўзаро куръа ташлаш бўйича.

Жамоа мусобақаларида уч ёки ундан ортиқ иштирокчининг очколари тенг бўлганда қуйидаги мунтазам қўлланилувчи кўрсаткичлар бўйича жамоа устунликка эга бўлади:

1) улар орасидаги жамоа учрашувларида:

- тўпланган очколар миқдори бўйича;

- ғалабага эришилган ва мағлубиятга учралган якка ва жуфтлик беллашувлари турли-туманлиги бўйича;

- ғалабага эришилган ва мағлубиятга учралган сетлар турли-туманлиги бўйича;

- ғалабага эришилган ва мағлубиятга учралган геймлар турли-туманлиги бўйича.

2) ҳамма жамоа учрашувларида:

- ғалабага эришилган ва мағлубиятга учралган сетлар турли-туманлиги бўйича;

- мазкур жадвалнинг жамоа учрашувларида улар ўртасидаги ғалабага эришилган ва мағлубиятга учралган геймлар турли-туманлиги бўйича.

Шахсий мусобақа натижаларини расмийлаштириш намунаси сифатида 6 иштирокчига мўлжалланган жадвал келтирилган (5-жадвал).

Турлар бўйича беллашувларнинг кетма-кетлиги махсус жадваллар бўйича аниқланади, уларнинг турли миқдордаги иштирокчилар учун намуналари 6-жадвалда келтирилган. Бу жадвалларда мусобанинг ҳар бир турида ўзаро учрашувчи рақамлар кўрсатилган (улар жадвал устунларида қарама-қарши жойлаштирилган). Жуфт сонли иштирокчилар жадвалда қавс ичидаги рақамларда ҳисобга олинади. Тоқ сонли иштирокчиларда бир қатордаги рақам қавсдаги рақамга қарама-қарши жойлашган бўлиб, мувофиқ турда ўйиндан ҳоли. Доира тизими бўйича мусобақаларни ўтказиш учун зарур ўйин кунлари миқдори (ҳар бир иштирокчи кунига бир беллашувда иштирок этиши шарти билан), у жуфт бўлса, иштирокчилар сонидан биттага кам, у тоқ бўлганда эса иштирокчилар сонига тенг. Доира тизим бўйича ўтказилувчи мусобақа

беллашувларининг умумий миқдори $n(n-1)$, бу ерда n –мусобақа иштирокчилари сони 5 жадвал

5-жадвал

6 иштирокчига мўлжалланган

№ п/п	Фамилияси И.Н.	Тутилган йили	Рейтинг	Яшаш манзили	1	2	3	4	5	6	Очколар	Ўрин
1					X	$\frac{1}{6/2} \frac{7}{7/6}$	$\frac{1}{6/4} \frac{7}{7/5}$	0	$\frac{1}{7/5} \frac{6}{6/3}$	$\frac{1}{7/5} \frac{5}{5/7} \frac{6}{6/2}$	4	I
2					0	X	0	$\frac{1}{6/1} \frac{6}{6/2}$	0	0	1	VI
3					0	$\frac{1}{6/2} \frac{6}{6/3}$	X	$\frac{1}{6/4} \frac{6}{6/1}$	$\frac{1}{6/4} \frac{7}{7/5}$	$\frac{1}{6/1} \frac{6}{6/1}$	4	II
4					$\frac{1}{6/3} \frac{6}{6/3}$	0	0	X	$\frac{1}{6/3} \frac{4}{4/6} \frac{6}{6/2}$	0	2	V
5					0	$\frac{1}{6/3} \frac{6}{6/3}$	0	0	X	$\frac{1}{6/3} \frac{6}{6/4}$	2	III
6					0	$\frac{1}{6/4} \frac{6}{6/1}$	0	$\frac{1}{6/0} \frac{6}{6/2}$	0	X	2	IV

Турлар бўйича учрашувлар кетма-кетлиги жадвали

Турлар								
1	2	3	4	5	6	7	8	9
5-6 иштирокчи учун								
1-(6)	1-5	1-4	1-3	1-2				
2 - 5	(6)-4	5-3	4-2	3-6				
3 - 4	2-3	(6)-2	5-(6)	4-5				
7-8 иштирокчи учун								
1-(8)	1-7	1-6	1-5	1-4	1-3	1-2		
2-7	(8)-6	7-5	6-4	5-3	4-2	3-(8)		
3-6	2-5	(8)-4	7-3	6-2	5-(8)	4-7		
4-5	3-4	2-3	(8)-2	7-(8)	6-7	5-6		
9-10 иштирокчи учун								
1-(10)	1-9	1-8	1-7	1-6	1-5	1-4	1-3	1-2
2-9	(10)-8	9-7	8-6	7-5	6-4	5-3	4-2	3-(10)
3-8	2-7	(10)-6	9-5	8-4	7-3	6-2	5-(10)	4-9
4-7	3-6	2-5	(10)-4	9-3	8-2	7-(10)	6-9	5-8
5-6	4-5	3-4	2-3	(10)-2	9-(10)	8-9	7-8	6-7

7.2.4. Аралаш тизимлар

Аралаш тизимлар доира, Олимпия ва такомлаштирилган Олимпия тизимларининг турли бирлашувларини намоиш этади, уларнинг ҳар бири мусобақанинг турли босқичларида қўлланилиши мумкин. Мусобақанинг биринчи (дастлабки) босқичида гуруҳларда доира тизим, иккинчи (финал) босқичда эса такомлаштирилган Олимпия тизими, ёхуд гуруҳларда бир хил ўринларни эгаллаган иштирокчилар ўртасида доира тизим бўйича беллашувларни ўтказишни кўзда тутувчи аралаш тизимлар кенг тарқалди. Мусобақанинг финал қисмида иштирок этувчи ҳар бир гуруҳдан иштирокчилар сони ва гуруҳлар сони мазкур мусобақа тўғрисидаги низомда кўрсатилиши шарт.

Гуруҳлар иккита бўлса, у ҳолда мусобақанинг финал босқичида гуруҳларда бир хил ўрин эгаллаган иштирокчилар ўртасида беллашувлар ўтказилади, мусобақанинг биринчи босқичида гуруҳлардаги ғолиблар 1- ва 2-ўринлар, гуруҳларда 2-ўринни эгаллаганлар 3- ва 4-ўринлар учун учрашадилар.

Гуруҳлар «Илонча» схемаси бўйича шаклланиши мумкин (7-жадвал). Жадвалдаги қаторлар сони шаклланадиган гуруҳлар сонига, қаторлар сони эса ҳар бир гуруҳдаги иштирокчилар сонига тенг.

4 гуруҳнинг «Илон» схемаси бўйича шаклланиши

I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ	IV гуруҳ
1-----→	2-----→	3-----→	4
8 ←-----	7←-----	6←-----	5
9-----→	10-----→	11-----→	12
16←-----	15←-----	14←-----	13
17-----→	18-----→	19-----→	20
24←-----	23←-----	22←-----	21

VIII. МУСОБАҚА ЖАДВАЛИДА ИШТИРОКЧИЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ

8.1. Иштирокчиларни жойлаштиришнинг асосий талаблари

Мусобақа жадвалида иштирокчиларни дастлабки жойлаштириш турли спорт маҳоратига эга иштирокчилар (ёки жамоалар) ўртасида ўринларни ҳолисона тақсимлаш учун шароит яратиш мақсадида амалга оширилади. Бунинг учун мусобақа жадвалида иштирокчиларнинг жойлаштирилиши қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

1. Ҳар қандай тизимда кучли сифатида маълум таснифга эга мусобақа иштирокчилари дастлабки турларда ўзаро беллашмасликлари керак.

2. Мусобақа олдидан кучлари тахминан тенг деб топилган иштирокчилар мусобақа жадвалидаги мазкур иштирокчилар гуруҳи учун ажратилган ҳар қандай ўринга бир хилда кириш имкониятига эга бўлишлари лозим.

Бу талабларга риоя этиш учун жойлаштириш икки босқичда амалга оширилади: дастлаб тасниф орқали куч бўйича тартибга солинган ёки қуръа ташлаш орқали аниқланган иштирокчилар (мусобақанинг ҳар бир разряди учун алоҳида) рўйхати тузилади. Ўзбекистон спортчилари иштирок этадиган тартибли мусобақа рўйхатида ўйинчиларни жойлаштириш учун Ўзбекистон таснифи устувор бўлиб, сўнгра ITF ва қуръа таснифи туради.

Агар тартибга солинган жадвалдаги иштирокчилар сони мусобақа тўғрисидаги низомда асосий жадвал учун кўзда тутилган иштирокчилар сонидан ортиқ бўлса, у ҳолда ташкилотчилар дастлабки квалитацион мусобақаларини режалаштирадилар, унинг ғолиблари эса асосий жадвалга киритилади.

Квалитацион мусобақаси иштирокчилари сони асосий мусобақа иштирокчилари сонидан ошмаслиги лозим. Асосий жадвалга жумладан мусобақанинг ташкилий қўмитаси – вайлд кард (Wild Cards) таклифига биноан маълум иштирокчилар киритилади. Асосий жадвалга вайлд кард бўйича, квалитацион мусобақалари ва тартибга солинган рўйхатдан киритилган иштирокчилар сони нисбати қуйидаги кўринишга эга бўлиши керак (8-жадвал).

8-жадвал

Яккалик ўйинлари							
Жадвал ҳажми	16	24	32	48	64	96	128
Вайлд кард	2	2	4	6	8	8	8
Квалификацион ўйинлари натижаларига кўра	2	2	4	6	8	8	8/16
Тартибга солинган рўйхатдан	12	20	24	36	48	80	104/112
Жуфтлик ўйинлари							
Жадвал ҳажми	8	16	24	32	48	64	
Вайлд кард	1	2	2	2	4	8	
Тартибга солинган рўйхатдан	7	14	22	28	42	56	

Асосий ва квалификацион жадвали иштирокчилари таркиби аниқлангач, улар мусобақалар тўғрисидаги низомга мувофиқ мусобақалар жадвалида старт ўринлари бўйича жойлаштирилади. Бу икки принцип бўйича амалга оширилади.

1. Иштирокчиларни рейтингларига мувофиқ жойлаштириш.

2. Жойлаштириш ва қуръанинг мослигида гуруҳлар бўйича. Бу ҳолатда сочма ўйинчилар сони қуйидагича бўлиши лозим:

128 иштирокчидан иборат жадвал учун – 16 сочма,

64 иштирокчидан иборат жадвал учун – 16 сочма,

48 иштирокчидан иборат жадвал учун – 16 сочма,

32 иштирокчидан иборат жадвал учун – 8 сочма,

24 иштирокчидан иборат жадвал учун – 8 сочма,

16 иштирокчидан иборат жадвал учун – 4 сочма,

8 иштирокидан иборат жадвал учун - 2 сочма.

Жадвал бўйича сочма ўйинчиларни тақсимлаш.

1) 16 иштирокчи жадвалида 1-сочма 1-ўринга, 2-си 16-ўринга, давоми жадвалда берилган.

2) Қолган сочма ўйинчилардан иборат гуруҳлар (3 ва 4) ва (5-8, 9-12 ва 13-16) юқоридан қуйига қуръа бўйича қуйидаги принцип бўйича сочилиши лозим (9-жадвал):

9-жадвал

	16-иштирокчи (4 сочма)	24/32- иштирокчи (8 сочма)	48/64- иштирокчи (16 сочма)	96/128- иштирокчи (16 сочма)
Сочма 3,4	5	9	17	33
	12	24	48	96
Сочма 5,6,7,8		8	16	32
		16	32	64
		17	33	65
		25	49	97
Сочма 9,10,11,12			9	17
			25	49
			40	80
			56	112
Сочма 13,14,15,16			8	16
			24	48
			41	81
			57	113

8.2. Мусобақа иштирокчиларини саралаш

Ҳамма **сетка**¹ларни саралашини турли шаҳарлардан (ҳалқаро турнирлар ҳолатида мамлакатлардан) келган камида икки ўйинчи иштирокида ошқора ва мажбурий амалга оширилиши лозим. Бунда мусобақа даражасига кўра, бир клуб, шаҳар ёки мамлакат ўйинчилари мавжудлиги ҳисобга олиниши керак.

Бир клуб, шаҳар ёки мамлакатнинг икки иштирокчиси жадалнинг турли бурчакларига жойлаштирилиши керак. Агар бир клуб, шаҳар ёки мамлакатдан 3 ёки 4 иштирокчи қатнашса, у ҳолда рейтинг бўйича 1- ва 2-ўйинчи юқорида кўрсатилгандек сочилиши лозим, рейтинг бўйича 3- ва 4-ўйинчи бу клуб, шаҳар ёки мамлакат ўйинчилари ҳали киритилмаган чоракка сочилиши керак.

Бир клуб, шаҳар ёки мамлакатнинг тўртдан ортиқ қолган кучли ўйинчилари умумий асосда қуръа бўйича жойлаштирилади.

Вайл кард (Wild Cards) сочилиши ва қуръа ташлашгача аниқланиши шарт. Ўзи бош тортган ёки мусобақадан олинган вайл кард қуръа ташлангач, янги вайл кардга алмаштирилиши мумкин эмас. Ҳар қандай бўш ўрин шу жойга мос, тартибга солинган рўйхат

¹ Изоҳ: **Сетка** - ўйинчиларни жойлаштириш тартиби.

бўйича мувофиқ жадвалга тушмаган кейинги ўйинчи билан тўлдирилади; ёки саралаш мусобақалари бошланган бўлса, асосий катакдаги бўш ўринлар мос лаки лузер (Lucky Losers) билан тўлдирилиши мумкин, у саралаш мусобақалари ўйинчилари билан бир вақтда жойлаштирилиши лозим.

Саралаш мусобақалари биринчи саралаш беллашувининг биринчи түпи ўйинга киритилгач, бошланган саналади.

Лаки лузер (Lucky Losers) – саралаш ўйинларининг финал раундида мағлубиятга учраган ўйинчилар, асосий катакда бўш ўринлар пайдо бўлса, яъни саралаш ўйинларининг аввалги раундида мағлубиятга учраган ўйинчилар.

Иштирокчилар етишмаган мусобақаларда сеткани тўлдириш учун сочма ўйинчилар жойлаштирилгач, уларнинг остида биринчи турда чиқиб кетиш бўйича (мазкур турда ўйиндан ҳоли) «х» қўйилади. Агар «х» лар сочма ўйинчилардан ортиқ бўлса, у ҳолда қолган «х» лар қуръа бўйича жойлаштирилади, лекин уларнинг тақсимоти жадвал бўйича иложи борица текис бўлиши керак.

Саралаш ўйинларининг қуръа ташлаш жараёни

Саралаш жадвали бўлимлардан иборат бўлиши лозим. Асосий жадвалда ҳар бир бўлим ғолиби учун ўрин ажратилади. Агар асосий жадвал учун 4 ўйинчи талаб этилса, у ҳолда саралаш жадвалининг 4 бўлими: 6 ўйинчи учун 6 бўлим ва ҳоказо бўлиши керак.

Жадвал иштирокчилари асосий катак учун фойдаланилувчи мезонга мувофиқ жойлаштирилиши ёки сочилиши зарур. Ҳар бир бўлим камида иккита сочма ўйинчиларга эга бўлиши керак.

Биринчи сочма ўйинчи 1-бўлимнинг юқори ўрнига қўйилиши, иккинчи сочма ўйинчи 2-бўлимнинг юқори ўрнига ва ҳар бир бўлимнинг юқори чизиғида биттадан сочма ўйинчи жойлашгунча давом эттирилади.

Қолган сочма ўйинчилар бир гуруҳдек сочилиши лозим. Биринчи аниқланган ўйинчи қуръадан сўнг иккинчи бўлимнинг қуйи ўрнига қўйилиши ва ҳар бир бўлимнинг қуйи чизиғида биттадан сочма ўйинчилар жойлашгунча давом эттирилади.

Жуфтлик ўйинларининг қуръа ташлаш ва жойлаштириш жараёни қуйидаги устуворликларни ҳисобга олган ҳолда, мазкур мусобақадаги яккалик ўйинлари учун фойдаланилувчи принципга мувофиқ амалга оширилади:

1) яккалик ўйинларининг асосий жадвалига кирувчи ўйинчиларнинг йиғинди рейтинги;

2) яккалик ўйинларининг саралаш жадвалига кирувчи ўйинчиларнинг йиғинди рейтинги;

3) яккалик мусобақалари жадвалига кирмаган икки ўйинчининг йиғинди рейтинги.

8.3. Жамоа мусобақаларининг тартибга солинган иштирокчилари рўйхатини тузиш

Жамоа мусобақаси иштирокчиларининг тартибга солинган рўйхатида жамоанинг тартиб рақами Мусобақа тўғрисидаги низомга мувофиқ аниқланади.

IX. МУСОБАҚАНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

9.1. Ўйинчиларни ёзиш ва рўйхатга олиш

Ҳар бир иштирокчи, ўйинчи ёки жамоа Ўзбекистон Теннис федерацияси томонидан тасдиқланган шакл бўйича миллий федерация ёки вилоят, шаҳар, клуб номидан мазкур мусобақа тўғрисидаги низомда кўзда тутилган муддатда талабнома бериши лозим.

Ўйинчилар мусобақа тўғрисидаги низомда кўрсатилган муддатда куръа ташлаш олдидан рўйхатдан ўтишлари, ўз иштирокларини тасдиқлашлари керак.

Фавқулодда вазиятлар муносабати билан мусобақанинг бош ҳаками ўйинчиларни телефон қўнғироғи бўйича ҳам ёзиб қўйиши мумкин.

9.2. Иш жадвали

Учрашувлар олдиндан тузилган ва мусобақанинг бош ҳаками томонидан тасдиқланган иш жадвали бўйича ўтказилади, унда қуйидаги асосий қоидалар ҳисобга олиниши лозим:

1. Кун давомида ҳар бир иштирокчи учун учдан ортиқ, жумладан иккидан ортиқ яқкалик учрашувлари ўтказиш таъқиқланади. Бундан ташқари, мусобақа арафасида тўхтатилган беллашувлар ҳам давом эттирилиши мумкин.

2. Уч сетдан иборат беллашувлар бир соат олдин, беш сетдан иборат учрашувлар эса белгиланган кундалик ўйин якунланиши вақтидан 1 соату 30 дақиқа аввал бошланиши керак.

Истисноли вазиятлардан ташқари, саралаш турнири беллашувлари якунлангач, ўйинчи 12 соатлик таннаффус олиш ҳуқуқига эга.

Агар ўйинчи бир кунда икки саралаш беллашувида иштирок этган бўлса, сўнгги ўйинда мағлубиятга учраганига қарамай, бундай ўйинчи «Lucky Loser» тизими бўйича турнирга киритилмаса, у ҳолда уни кейинги кунги асосий турнир жадвалига киритмаслик лозим.

Жадвал бузилишига олиб келувчи об-ҳаво ёки бошқа тасодифий вазиятлардан ташқари, кун давомида бир неча беллашувларда иштирок этувчи ҳар бир ўйинчи қуйидаги давомийликдаги танаффуслар олиш ҳуқуқига эга:

- а) 1 соатдан камроқ ўйнаган бўлса – 0,5 соат ҳордик;
- б) 1 ва 0,5 соат оралиғида ўйнаган бўлса – 1 соат ҳордик;
- в) 1,5 соатдан кўпроқ ўйнаган бўлса – 1,5 соат ҳордик.

Агар ўйинчи 2-та турнир ёки 2-та ёш гуруҳида иштирок этса, у ҳолда ўйинлар оралиғидаги танаффус ўйинчининг бошқа турнирда ҳам ўйнашини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Агар асосий ҳакамлардан бирининг қарорига кўра ўйинни нисбатан кеч соатларга кўчириш имконияти бўлмаса, у ҳолда ўйинчи мағлубиятга учраган ҳисобланади.

9.3. Ўйиннинг кундалик якунланиш вақти

Очиқ ҳаводаги мусобақаларда ва сунъий ёритиш зарурати бўлмаганда ўйинлар бошлангунга қадар бош ҳакамлар ҳайъати томонидан ўйинларнинг кундалик якунланиш вақти белгиланади.

Қоронғи тушиши сабабли белгиланган вақтда якунланмаган учрашувлар бош ҳакамнинг буйруғига биноан эртанги кунга қолдирилиши мумкин, аммо бу сетда ўйналган геймлар жуфт сонда бўлгандагина амалга оширилиши мумкин.

9.4. Беллашувдаги тўплар сони

Уч сетдан иборат ҳар бир беллашув камида уч тўп билан амалга оширилади. Беш сетдан иборат беллашувда уч сетдан сўнг тўплар янгиларига алмаштирилади.

Эслатмалар. 1. Мусобақа тўғрисидаги низомда ўйналган маълум геймлардан сўнг тўпларни алмаштириши кўзда тутилади.

2. Агар тўплар нотўғри кетма-кетликда алмаштирилганлиги аниқланса, у ҳолда янги тўпларни узатиши лозим бўлган ўйинчи (ёки жуфтлик) кейинги сафар узатиши лозим бўлганда зарур кетма-кетлик тикланади.

Х. МУСОБАҚА ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

10.1. Низомнинг тасдиқланиши ва тарқатилиши

Ҳар бир мусобақа тегишли теннис федерацияси, клуби (спорт ташкилоти) томонидан тасдиқланган низом асосида ўтказилади. Мусобақа тўғрисидаги низом мусобақа бошланишидан бир ой аввал манфаатдор ташкилотларга тарқатилади. Низомга уни тасдиқлаган ташкилотгина ўзгартириш киритиши мумкин. Мусобақа давомида истисноли ҳолатлардагина низомни ўзгартириш учун тегишли ташкилотнинг расмий (ёзма) рухсати зарур.

10.2. Шахсий мусобақа тўғрисидаги низом

Шахсий мусобақа тўғрисидаги низомда қуйидагилар кўрсатилади:

- мусобақанинг мақсад ва вазифалари;
- мусобақани ўтказиш жойи (шаҳар, майдон) ва муддати, бошқа шаҳардан келувчи иштирокчи ва ҳакамларнинг келиш ва кетиш кун;
- кортни қоплаш (дарахт, ҳарт, асфальт, бўялган бетон, қумли тупроқ) ва кортнинг тузилиши (очиқ, очиқ ҳаводаги, зал, усти ёпиқ);
- мусобақага умумий раҳбарликни таъминловчи ташкилот (бош ҳакамлик ҳайъатини тайинлаш, молиялаштириш ва ҳоказо);
- мусобақа жойларини тайёрлаш, тўплар, қабул қилиш, жойлаштириш, озиқ-овқат, иштирокчи ва ҳакамларни кузатиш, транспорт учун жавобгар ташкилот;
- мусобақанинг тури ва разрядлари, уларнинг ўйналиш шароитлари;
- иштирокчилар таркиби ва уларнинг киритилиш шартлари;
- мусобақани ўтказиш тизими;
- мусобақа иштирокчиларини (қанча иштирокчи «сочилади») дастлабки жойлаштириш (қуръа ташлаш) шартлари;
- мусобақани ўтказиш тартиби (учрашув неча сетдан иборат, сетни ўйнаш шартлари, сетлар орасида танаффус қўлланилиши, қандай тўплар билан ўйналади, тўпларни алмаштириш тартиби, саралаш босқичи мавжудлиги);
- иштирокчиларни тақдирлаш турлари (медаллар, совринлар, ёрлиқлар, жетонлар ва ҳоказо);
- талабномаларни топшириш ва ўйинчиларни рўйхатга олиш тартиби ва муддати.

10.3. Жамоа ва шахсий-жамоавий мусобақалар тўғрисидаги низом

1. Жамоа мусобақаси тўғрисидаги низомда 47 параграфда санаб ўтилган масалалардан ташқарии қуйидагилар кўрсатилади:

- қуръа ташлаш шартлари ва муддатлари, жамоалар кучини аниқлаш учун очколарни ҳисоблаш тизими;

- жамоа таркиби (асосий ва захирадаги ўйинчи ва мураббийлар сони) ва жамоа ўйинчилари рақамларига улардан бири ўйиндан чиққан ҳолдагина риоя этиш тартиби (захирадаги ўйинчилар йўқлигида);

- яккалик ва жуфтлик беллашувлари сони;

- катта ёшдагиларнинг кичиклари билан алмаштирилиши шартлари.

2. Шахсий-жамоавий мусобақа тўғрисидаги низомда жумладан синовдаги иштирокчилар сони ва унинг иштирокчиларининг шахсий натижалари бўйича очколар бериш тартиби.

XI. МУСОБАҚА ИШТИРОКЧИЛАРИ

11.1. Ёш гуруҳлари

Мусобақа иштирокчилари қуйидаги ёш гуруҳларига бўлинади:

- 10 ёш ва ундан кичик ўғил бола ва қизлар;
- 12 ёш ва ундан кичик ўғил бола ва қизлар;
- 14 ёш ва ундан кичик ўғил бола ва қизлар;
- 16 ёш ва ундан кичик ўғил бола ва қизлар;
- 17-18 ёш йигит ва қизлар;
- катталар (19 ёш ва катта).

Катталар гуруҳи ўз навбатида кичик гуруҳларга бўлинади:

- 19-20 ёш ўспиринлар (ўспиринлар ва ўспирин қизлар);
- 21 ёшдан эркак ва аёллар;
- катта ёшдаги эркак ва аёллар (35 ёш ва ундан катта).

Иштирокчининг ёши паспорт ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси бўйича туғилган йили ёрдамида аниқланади.

11.2. Иштирокчиларнинг мусобақаларга киритилиши

Шахсий мусобақада талабнома берган спорт ташкилотининг спортчилари иштирок этади.

Жамоа мусобақаларида иштирок этиш учун Мусобақа тўғрисидаги низомда кўзда тутилган шаклдаги талабнома зарур.

15 ёшга тўлган иштирокчилар катта ёш гуруҳи мусобақаларида иштирок этишлари мумкин, бинобарин бунда Мусобақа тўғрисидаги низомда катта ёшдагилар учун кўрсатилган қоидаларга тўлиқ риоя этилиши шарт.

11.3. Мусобақа иштирокчиларига жазо тайинлаш тартиби

1. Мусобақа иштирокчиси интизомни ёки юқорида таъкидлаб ўтилган умумқабул қилинган хулқ-атвор меъёрларини бузганида устундаги ҳакам беллашув давомида қуйидагиларни эълон қилади:

1) агар иштирокчи қуйидагиларни амалга оширса, биринчи огоҳлантиришни беради:

- ракетка ёки тўпни ирғитиб юборса;
- ҳакам билан тортишса;
- ҳакамлар, тўпни узатувчи шахслар, томошабин ёки рақибларга беҳурматлик қилса;
- томошабинларга норозилик билдирса;
- ўйинни ўз ихтиёри билан тўхтатса ёки қасддан тўпнинг

ҳаракатини чўзса;

- тўрға қасддан урса;
- қасддан ракетка ёки мосламаларга зарар етказса;
- қоидада кўзда тутилмаган пайтда ҳакам ёки бошқа шахсдан маслаҳат кўрсатма олса ёки бирор ҳаракат айтиб турилса;
- агар мураббий ҳакамларнинг ҳаракатига аралашса ва ҳоказо.

2) юқорида кўрсатиб ўтилган қоидабузарликлардан бирор-бирини такрорласа, унга иккинчи огоҳлантириш беради ва рақиб ҳисобига очко киритади;

3) учинчи марта юқорида кўрсатиб ўтилган қоидабузарликларни такрорласа, учинчи огоҳлантириш беради ва мағлубиятни эълон қилади.

2. 1-параграфда кўрсатилган жазоларни қўллаш тартиби Ўзбекистон ҳудудида ўтказиладиган теннис бўйича ҳамма мусобақаларда амал қилади.

3. Иштирокчининг алоҳида номувофик хатти-ҳаракатида (сўқиниш, рақиб, ҳакамлар ёки атрофдаги шахсларни ҳақоратлаш ва ҳоказода) устундаги ҳакам, шунингдек бош ҳакам айбдорга мағлубиятни эълон қилган ҳолда, мазкур учрашувдан четлаштириши мумкин.

4. Устундаги ҳакам иштирокчига огоҳлантириш эълон қилганида ўйинчининг фамилияси ва у содир этган қоидабузарликни айтиб ўтади.

5. Устундаги ҳакам баённомада беллашув давомида, шунингдек ундан сўнг корт ёки очиқ ҳавода иштирокчи йўл қўйган қоидабузарликларни кўрсатиб ўтиши ва катта ҳакамга маълум қилиши, у эса ўз навбатида бош ҳакам ёки унинг муовинига ҳисобот бериши шарт.

6. Бош ҳакам ўйинчилар интизом ёки умумқабул қилинган ҳуқуқ-атвор меъёрларини бузганликлари тўғрисида маълумот олгач, бу масалани дарҳол ҳакам ва қоидани бузган ўйинчилар иштирокида бош ҳакамлар ҳайъати мажлисида кўриб чиқиши лозим.

7. Агар ўйинчига мағлубият эълон қилинган бўлса, бош ҳакам ҳаракат даражасига кўра айбдорни мусобақанинг мазкур разрядида кейинги иштироки ёки уни ҳамма разрядлардан чиқариш (ихтисосликни бекор қилиш) тўғрисидаги масалани ҳал этади.

8. Бош ҳакам ҳисоботида устундаги ҳакамнинг танбеҳларини илова қилган ҳолда, мусобақа пайтида қабул қилинган чора ва қоидабузарликларни кўрсатиб ўтади.

9. Ўзбекистон Теннис Федерацияси интизом комиссияси ихтисослиги бекор қилинган спортчининг кейинги мусобақаларда иштирок этиши тўғрисидаги масалани ҳал этади.

10. Мукофот фонди ўрнатилган мусобақаларда мусобақа қоидаларини бузганлик учун жарима санкциялари тизими қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолатда қоидабузарлик турига кўра, ўйинчидан ундириладиган жарима миқдори бош ҳакамлик ҳайъати ва мусобақани ўтказувчи ташкилот вакили томонидан белгиланади.

ХП. ЖАМОА САРДОРЛАРИ, МУРАББИЙ ВА ВАКИЛЛАР

1. Ҳар бир жамоа вакил (мураббий) ва сардорга эга бўлиши керак. **Вакил** жамоанинг жавобгар раҳбари ҳисобланади. Жамоанинг мазкур мусобақадаги иштироки билан боғлиқ масалалар фаолият доирасига киради. Сардор учрашув пайтида бошқариши лозим бўлган жамоадан тайинланади. Жамоа вакили йўқлигида сардор ҳамма вазифаларни бажаради. Вакил ва мураббийлар сони Мусобақа тўғрисидаги низом ёрдамида белгиланади.

2. Вакил (мураббий) ва жамоа сардори мусобақани ўтказиш пайтида (корт ва ундан ташқарида) ўйинчиларнинг қоидаларни бажариши ва интизоми учун жавобгар ҳисобланади.

3. Вакил (мураббий, сардор) қуръа ташлаш жараёнида иштирок этади, агар ҳамлар ҳайъати мажлислари вакиллар билан бирга муҳокама овози ҳукуқи билан ўтказилганда қатнашади.

4. Вакилнинг (мураббий, сардор) ҳакамлар буйруғига аралашиши ман этилади.

Вакил ўз норозиликларини ўйин тугагач, ёзма шаклда дарҳол ҳакамлар ҳайъатига топширади.

5. Вакил (мураббий, сардор) мусобақа пайтида жамоа вакиллари учун ажратилган махсус жойда бўлиши лозим; у ҳакамлар ҳайъатига чақириқ бўйича дарҳол бориши шарт.

6. Вакил (мураббий, сардор) жамоа учрашуви пайтида томонлар алмашувидаги танаффус вақтидагина ҳакамлар устуни ёнида махсус ажратилган жойда ўз ўйинчисига маслаҳат ва кўрсатма бериши мумкин. Шахсий ва шахсий-жамоавий учрашувларда бундай ҳаракатга рухсат этилмайди.

7. Агар низомда захирадаги ўйинчилар тўғрисида келишилган бўлса, у ҳолда жамоа таркиби тўғрисидаги талабнома кейинги ўйин кунида вакил (мураббий, сардор) томонидан жорий ўйин куни тугашидан олдин котибиятга топширилади.

8. Вакил (мураббий, сардор) жамоа учрашувлари баённомаларини имзолайди ва мусобақа тугагач, зарур ҳужжатларни олади.

ХIII. МУСОБАҚАНИНГ ҲАКАМЛИК ВА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ҲАЙЪАТИ

13.1. Ҳакамлик ҳайъати таркиби

1. Мусобақани ўтказиш учун ҳакамлик ҳайъати тузилади, унинг таркибига: мусобақанинг бош ҳаками, бош ҳакам муовинлари, бош котиб, катта ҳакамлар, устундаги, тўр олдидаги, чизиклардаги ҳакамлар, ахборот берувчи ҳакам, назорат комиссияси аъзолари киради.

2. Мусобақанинг бош ҳаками, унинг муовинлари ва бош котиб бош ҳакамлик ҳайъатини ташкил этадилар, унинг таркиби мазкур мусобақани ўтказувчи ташкилот томонидан теннис бўйича ҳакамлар ҳайъатини тақдим этиш орқали тасдиқланади.

Ҳакамлик ҳайъатининг сон таркиби мусобақа миқёси, иштирокчилар ва кортлар сонига кўра белгиланади.

3. Алоҳида мусобақаларда назоратчи ҳакам тайинланиши мумкин.

13.2. Бош ҳакам

Бош ҳакам қоида ва тасдиқланган низомга мувофиқ мусобақани ўтказишга жавобгар ҳисобланади.

1. Бош ҳакамнинг вазифасига қуйидагилар киради:

а) мусобақа ўтказиладиган жойлар ва беллашувлар бошлангунга қадар жиҳозларни тайёрлашни назорат қилиш;

б) ҳакамлар ҳайъатини жамлаш ва ҳакамлар ўртасидаги мажбуриятларни тақсимлаш, мусобақа олдидан ҳакамлар семинарини ўтказиш;

в) иштирокчиларни жойлаштириш (қуръа ташлаш), учрашувлар жадвали ҳамда уларнинг кундалик бошланиш ва якунланиш вақтини тасдиқлаш;

г) ҳакамлар ҳайъатига раҳбарлик қилиш ва мусобақа билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш (иштирокчи ва ҳакамларни жойлаштириш ва овқатланишини назорат қилишни киритган ҳолда);

д) беллашувни ўтказиш тартибини тузиш;

е) учрашув пайтида кортнинг олдида бўлиш ҳуқуқига эга шахслар (фотомухбир, кино ва телеоператорлар) рўйхатини тузиш;

ж) мусобақанинг очилиши ва ёпилиш намоиши, иштирокчилар, мураббий ва хизмат кўрсатувчи ходимларни тақдирлаш маросимини ташкил этиш;

з) бош ҳакамлик ҳайъати мажлисларида норозиликларни

топширилган кунда ҳал этиш;

и) мусобақа якунларини ўтказиш ва натижаларни тасдиқлаш, шунингдек мусобақани ўтказувчи ташкилот, тегишли ҳайъат ва ихтисослаштириш комиссиясига ҳисобот кўринишида тақдим этиш.

2. Бош ҳакам қуйидагиларни амалга ошириш ҳуқуқига эга:

а) мусобақа қоидалари, спортчиларга қўйилган талаб ва умумқабул қилинган ҳуқ-атвор меъёрларини бузган жамоа ва алоҳида иштирокчиларни мусобақадан четлаштириш;

б) учрашув жараёнида ўз мажбуриятини бажара олмаётган ҳакамларни четлаштириш;

в) ҳакам қоидани нотўғри қўллаганда, ҳакамнинг қарорларини бекор қилиш;

г) устундаги ҳакам иштирокчининг интизом ёки умумқабул қилинган ахлоқ меъёрларини бузишига эътибор бермаётган бўлса, учрашувга аралашиш, мазкур қоидаларга мувофиқ иштирокчига жазо тайинлаш;

д) мусобақани ўтказиш жойлари тайёрланмаганлиги туфайли, ноқулай об-ҳаво шароити ёки бошқа сабабларга кўра уни ёпиқ жойга (усти ёпиқ кортларга) кўчириш ёки бекор қилиш, бошқа кунга қолдириш;

е) зарурат туғилганда ҳакамлар жорий этган учрашув жадвалига ўзгартиришлар киритиш.

3. Мусобақанинг ҳамма иштирокчилари, жамоа вакиллари ва мураббийлар, шунингдек хизмат кўрсатувчи ходимлар бош ҳакамнинг буйруғини бажаришлари шарт.

13.2.1. Бош ҳакам муовинлари

Бош ҳакам муовинлари қуйидаги вазифаларни бажаришлари мумкин:

- мандат (ваколат) комиссияси ишида иштирок этиш;
- учрашувлар жадвалини тузиш;
- ҳакамлик иши ва унинг ҳисобини ташкил этиш;
- ахборот хизматини ташкил этиш;
- мусобақанинг очилиши ва ёпилиш намоёйиши, иштирокчилар, мураббий ва хизмат кўрсатувчи ходимларни тақдирлаш маросимини ўтказиш.

Бош ҳакам бўлмаганда муовинлардан бири бош ҳакамнинг ҳамма ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда унинг вазифаларини бажаради.

13.2.2. Бош котиб

Бош котиб котибият ишини бошқаради, у ерга машинистка, рассом ва унинг ишига ёрдам берувчи бошқа шахслар кириши мумкин.

1. Бош котиб мусобақани тайёрлаш даврида қуйидагиларни амалга оширади:

а) зарур миқдорда қуйидагиларга буюртма беради ва уларни олишни таъминлайди:

- канцелярия буюмлари;

- устундаги ҳакам баённомалари бланкалари, катта ҳакамнинг техник ҳисоботлари, жамоа учрашуви баённомалари, мусобақа жадваллари;

- тақдирлаш учун медаль ва ёрликлар (гувоҳнома, дипломлар);

- иштирокчи ва ҳакамлар учун нишонлар;

- иштирокчиларнинг чипта ва дастурлари;

в) жамоа учрашувларининг намойиш баённомалари ҳамда мусобақа тўғрисидаги низом ва қоидаларга мувофиқ мусобақа жадаллари, иштирокчилар фамилияси ёзилган планкалар, рақамли кўрсаткичларни (рассом ёрдамида) тайёрлайди.

2. Бош котиб мусобақа олдидан қуйидагиларни амалга оширади:

а) мандат (ваколат) комиссияси йўқлигида мусобақада иштирок этиш талабномасини қабул қилади ва текширади;

б) талабномаларга мувофиқ мусобақа иштирокчиларининг тўлиқ рўйхатини тузади ва нашр этади;

в) иштирокчи ва ҳакамларга чипта ва дастурларни тарқатади, катта ҳакамларни зарур ҳужжатлар билан таъминлайди.

г) бош ҳакамлик ҳайъатининг биринчи мажлисларини ҳужжатлаштиради, иштирокчиларни жойлаштириш (қуръа ташлаш) натижалари ва мусобақанинг биринчи кундаги учрашув жадвалини расмийлаштиради;

д) ўтказилган жойлаштиришга (қуръа ташлашга) мувофиқ намойиш жадвалларини (рассом ёрдамида) тўлдиради.

3. Бош котиб мусобақани ўтказиш пайтида қуйидагиларни амалга оширади:

а) кейинги кунги жадвалга мувофиқ катта ҳакам ва устундаги ҳакам баённомаларини тайёрлайди;

б) ҳар бир учрашувдан сўнг натижаларнинг тезкор ҳисобини юритади ва уларни намойиш жадвалларини тўлдириш учун дарҳол топширади;

в) катта ҳакамларнинг ҳисоботларини текширади;

г) ҳар куни кейинги кун жадвалини кўпайтиради, ҳамда мусобақани ўтказиш ва иштирокчиларнинг яшаш жойларида осиб чиқади;

д) бош ҳакамлик ҳайъати мажлиси баённомаларини юритади ва улар ҳамда бош ҳакамнинг буйруқларини нашр этади;

е) норозиликларни қабул қилиш, у ҳақда бош ҳакамга дарҳол ҳисобот беради ва улар бўйича ҳакамлар ҳайъати қарор қабул қилгач, уларнинг бажарилишини назорат қилади;

ж) матбуот, радио, телевидение, шунингдек ахборот берувчи ҳакамни зарур маълумотлар билан таъминлайди.

4. Бош котиб мусобақа якунланишига яқин:

а) тақдирлаш баённомаларини тайёрлайди, иштирокчилар, мураббийлар, ҳакамлар ва хизмат кўрсатувчи ходимларни тақдирлаш учун ёрликларни тўлдиради;

б) бош ҳакам ҳисоботи учун маълумотларни тайёрлайди;

в) мусобақа натижалари жадвалларини кўпайтиради ва жамоа мусобақаларида жамоа вакиллари учун папкалар тайёрлайди, уларга қуйидагиларни солади:

- иштирокчилар рўйхати;

- мусобақанинг якуний жадваллари;

- катта ҳакам томонидан имзоланган ва жамоа вакиллари (сардорлар) томонидан тасдиқланган мазкур жамоанинг рақиблар билан учрашувлари баённомалари;

- мазкур жамоага тааллуқли можароли масалалар бўйича бош ҳакамлик ҳайъати қарорлари мавжуд маълумотлар.

13.2.3. Катта ҳакам

Катта ҳакам тасдиқланган жадвалга мувофиқ маълум кортларда беллашувларни ўтказишга жавобгардир. Унинг иш жойи кортларнинг энг яхши шарҳини таъминлаши лозим.

1. Бош ҳакам ҳар куни ўйиндан олдин:

- котибиятда шахсий ёки жамоавий мусобақанинг ҳисобот бланки ва устундаги ҳакамнинг иштирокчилар фамилиялари ва келгуси беллашувларнинг рақамлари билан тўлдирилган баённомаларини олади;

- мазкур ўйин куни учун зарур тўплар сонини олади;

- жадвалга кўра келган иштирокчи ва ҳакамларнинг тайёргарлигини белгилайди;

- майдонлар бўйича беллашувларни тақсимлайди;
- устун ва чизикдаги ҳакамларни тақсимлайди ва устундаги ҳакам баённомасига уларнинг фамилияларини ёзади.

2. Бош ҳакам ҳар бир беллашувдан олдин:

- устундаги ҳакамга корт, тўп, (агар майдонда электр табло бўлмаса) иштирокчиларнинг исми шарифлари ёки (жамоавий мусобақаларда) жамоалар номи ёзилган планкалар беради ва унда сония кўрсаткичига эга (сонияни ўлчовчи) соат борлигини текширади;

- ўзи ёки ахборот берувчи ҳакам орқали ўйин бошланишини (ким қайси кортда ўйнашини) эълон қилади;

- ҳисоботда беллашувнинг бошланиш вақти, корт рақами, берилган тўплар сони ва ҳакамларнинг фамилияларини ёзади.

3. Бош ҳакам ўйин куни давомида:

- ҳар бир беллашув натижаларини ёзган ҳолда, бош ҳакамнинг ҳисоботини юритади;

- ҳар бир беллашув тугагач, устундаги ҳакамнинг баённомасини текширади ва тасдиқлайди;

- ҳар бир кортдаги беллашув оралиғидаги танаффус камроқ бўлишини кузатади;

- тўплар сарфланиш ҳисобини юритади;

- ўз ихтиёридаги ҳакамларнинг иши ҳисобини юритади.

4. Бош ҳакам ҳар бир жамоавий учрашувдан сўнг котибиятга жамоа сардорлари (ёки вакиллар) томонидан имзоланган ўйин баённомасини топширади.

5. Кундалик ўйинлар тугагач, котибиятга шахсий мусобақанинг катта ҳаками томонидан имзоланган ҳисоботни топширади.

6. Мусобақалар тугагач, бош ҳакамга (унинг муовинига) устун ва чизикдаги ҳакамлар иши тўғрисида ҳақиқий маълумотларни топширади.

7. Бош ҳакам ва унинг муовинлари йўқлигида бош ҳакамнинг ҳуқуқларидан фойдаланади.

13.2.4. Устундаги ҳакам

Устундаги ҳакам алоҳида беллашувнинг ўтказилишига раҳбарлик қилади. У турли устунлардан тахминан биттасининг тепасида жойлашади. Ҳар бир ҳакамда сония кўрсаткичига эга соат бўлиши лозим.

1. Устундаги ҳакам ўйин бошлангунга қадар:

- катта ҳакамдан чизикдаги ҳакамлар ва иштирокчиларнинг фамилияси ёзилган, беллашув рақами ва корт рақами, шунингдек иштирокчилар фамилиялари ёки жамоа номлари ёзилган планка ва тўплар кўрсатилган баённомани олади;

- унинг ихтиёрига ажратилган жойлар бўйича ҳакамлик бригадаси аъзоларини тақсимлайди;

- шарҳ учун қулай жойда планкаларни ошишни ташкил этади;

- кортнинг ҳолати ва тўрнинг баландлигини текширади, сет тугагач, томонлар алмашуви вақтида, шунингдек ўйиндаги узоқ танаффус ва тўрнинг баландлиги ўзгарганда ҳам шу ишини такрорлайди;

- иштирокчилар билан танишади, спорт кийимига нисбатан зарур талабларни текширади ва уларнинг кортдаги томонлари, тўп узатиш ёки қабул қилиш жойларини танлаш учун қуръа ташлайди;

- машқ қилиш тўғрисида эълон қилади ва беллашув иштирокчиларини таништиради;

- беллашув бошланишини эълон қилади.

2. Устундаги ҳакам беллашув пайтида:

- иштирокчиларнинг ўйин қоидаларига риоя этишларини кузатиб, хато, интизом қоидалари ёки умумқабул қилинган меъёрларнинг бузилиши ва ҳакамлар атамаларига мувофиқ ҳисобни белгилаган ҳолда, баланд овозда ва аниқ эълон қилади;

- кортдан тўп узатиш ва югуришдан аввал ўйинчиларга очко олишда ҳалакит берувчи тўп ва бошқа нарсалар олиншини кузатади;

- иштирокчиларнинг белгиланган давомийликдаги танаффусларга, уларни қасддан чўзишга йўл қўймаган ҳолда, риоя этишларини кузатади;

- баённомада ҳисоб ва қоидабузарликларни ёзиб боради.

***Эслатма.** Томошабинларга ҳисоб намойиши электр таблода ахборот берувчи ҳакам ёки устунга ўрнатилган махсус мосламада устундаги ҳакам томонидан амалга оширилади.*

3. Беллашув тугагач, устундаги ҳакам тўлдирилган баённомани имзолаб, дарҳол катта ҳакамга топширади.

4. Устундаги ҳакамнинг қарори якуний бўлиб, қоидаларнинг нотўғри қўллаши ҳолатларини истисно этган ҳолда, бекор қилиниши мумкин эмас.

5. Агар устундаги ҳакам очкони ўйнаш вақтида муҳим ўринга эга далилга (тўпнинг ерга тушиши, тўрга тегиши, икки томонлама уриш, тўпнинг майдонда пайдо бўлиши ва ҳоказога) нисбатан қарор

қабул қила олмаса, у очкони қайта ўйнашга белги беради.

6. Беллашув давомида устундаги ҳакам чизикдаги ҳакам билан ўрин алмашиши мумкин.

7. Устундаги ҳакам заруратга кўра катта ҳакам, бош ҳакам ёки унинг муовинига ҳакамлар бригадасининг исталган аъзосини ўзгартириш учун рухсат сўраб мурожаат этиш ҳукуқига эга.

13.2.5. Тўр олдидаги ҳакам ва чизиклардаги ҳакамлар

1. Тўр олдидаги ҳакам устундаги ҳакамнинг рўпарасида тўр олдидаги мослама орқасида (яккалик ўйинларида) ёки устун орқасида (жуфтлик ўйинларида) жойлашади.

Тўр олдидаги ҳакам қуйидагиларни белгилайди ҳамда баланд овозда ва аниқ эълон қилади:

- тўпни узатишда тўрнинг юқоридаги четига тегишини – «йўқ» деб айтиш ва (тўп рақиб томонга ўтиб кетса) қўлини кўтариш билан;

- рақиб томонида тўпга юқorigа отган ҳолда зарба бериш – «ўтказиш» деган ҳолда;

- очкони ўйнашда ўйинчи, унинг кийими ёки ракеткасининг тўрга тегиши – «тегди» деган ҳолда;

- тўпнинг тўр орқасидан учиб кетиши – «орқасидан» деган ҳолда.

Бундан ташқари, у тўпларни алмаштиради.

Эслатма. Тўр олдидаги ҳакам тўпни узатиш вақтидагина троснинг ён қисмига қўли билан тегиши ва тўрнинг юқори қисмини нигоҳи билан назорат қилиши лозим.

2. Чизикдаги ҳакам тасаввурдаги чизик давомида жойлашиб, у ерни, кортнинг ён ёки орқа чизигидан югуриш учун мўлжалланган ораликни кузатиши топширилган.

Чизикдаги ҳакам тўп чизик олдида ерга тушишида йўл қўйилган хатони белгилайди қўлини бир томонга қаратган ҳолда, «аут»ни аниқ эълон қилади, шунингдек тўпнинг чизикқа ёки ундан яқинроқ корт ичига тушишини «тўғри» ишораси билан тасдиқлайди.

Орқа чизикдаги, ён ва ўрта чизиклардаги ҳакам тўпни узатишда футбол ишорасини белгилайди.

3. Устундаги ҳакам, тўр ёки чизикдаги ҳакамларнинг фикрига кўра хатога йўл қўйилганини истисно этган ҳолда, тўр олдидаги ҳакам ва чизикдаги ҳакамларнинг қарори қатъийдир.

4. Агар тўр ёки чизикдаги ҳакам хатога йўл қўйганини англаса, у хатосини баланд овозда дарҳол тузатиши ва тўғри қарорни эълон

қилиши лозим.

5. Агар тўр ёки чизикдаги ҳакам қарор қабул қила олса, у якуний қарор қабул қилувчи устундаги ҳакамга бу ҳақда («ёпинг» ишораси билан) дарҳол белги бериши керак.

13.2.6. Ахборот берувчи ҳакам

1. Ахборот берувчи ҳакам мусобақа бошлангунга қадар қуйидагиларни амалга оширади:

а) мусобақа даврида радиодан фойдаланиш тартибини белгилайди ва уни бош ҳакам ёки унинг муовини билан маъқуллайди (радио орқали ахборот нафақат кортлар, балки уларнинг атрофи, буфет биноти, кийиниш ва дам олиш хоналарида ҳам ташкил этилиши керак).

б) иштирокчиларнинг фамилиялари ёзилган планкалар, ахборот стендларининг мавжудлигини текширади ва ҳоказо.

2. Ахборот берувчи ҳакам мусобақа пайтида:

а) радио ва бошқа ахборот воситалари ёрдамида иштирокчи ва томошабинларга мусобақа жараёни ҳақида ахборот беради;

б) матбуот, радио ва телевидениени маълумотнома ва ахборот материаллари билан таъминлайди;

в) очилиш намоиши пайтида ўйинчиларни томошабинларга таништиради ва тақдирлаш маросимини шарҳлайди.

г) намоиш таблоси ишини таъминлайди.

1. Эслатма: Ахборот берувчи ҳакам мусобақа натижалари бўйича ахборот маълумотларини бош котибдан олади.

2. Ўйрик миқёсдаги мусобақаларни ўтказишда бош ҳакам қарорига кўра 3-5 кишидан иборат (ахборот берувчи ҳакам-гуруҳ раҳбари, рассом, сураткаш, суҳандон ва намоиш таблоси оператори) ахборот гуруҳи ташкил этилиши мумкин.

13.2.7. Кузатув комиссияси

Кузатув комиссияси халқаро ва республика мусобақаларида устундаги, тўр олдидаги ва чизиклардаги ҳакамларнинг текшириш ва баҳолаш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўриш учун тузилади. Комиссиянинг сон ва аъзолари таркиби мусобақанинг бош ҳаками томонидан тасдиқланади. Комиссия ишини раис бошқаради.

Комиссия қуйидаги вазифаларни бажаради:

- бош ҳакам топшириғига биноан мусобақа олдидан ҳакамлар

семинарини ўтказиш;

- устундаги, тўр олдидаги ва чизиклардаги ҳакамларнинг ишини уларнинг кузатув варақаларини тўлдириш орқали кузатиш ва баҳолаш ҳамда белгиланган камчиликларни ҳал этиш орқали суҳбат ўтказиш;

- бош ҳакам топшириғига биноан кузатув давомида аниқланган ўзига хос хато ва камчиликларни муҳокама қилиш ва тезкор бартараф этиш учун мусобақа давомида ҳакамларнинг умумий мажлисини ўтказиш;

- тўпни узатувчи, электр таблога хизмат кўрсатувчи, сув келтирувчи шахслар ишидаги топилган камчиликлар ҳақида бош ҳакамга маълумот бериш;

- мусобақанинг биринчи кунларини кузатиш якунларига кўра ҳакамлар учун якуний ҳал этувчи беллашувларнинг энг яхши ҳакамларининг тавсиявий рўйхатини тузиш;

- учрашув комиссияси аъзолари томонидан кўриб чиқилган ҳакамлик натижаларига биноан якуний ўртача баҳолашни киритган ҳолда устундаги ва чизиклардаги ҳакамлар ишини ҳисобга олиш;

- бош ҳакамга кузатув комиссиясининг якуний баҳоларини тақдим этиш ва расмийлаштириш;

- мусобақа якунлангач, ҳакамларнинг якуний мажлисини ўтказиш.

Бундан ташқари, комиссия аъзолари спортчилар, мураббийлар ёки жамоа вакиллари томонидан интизом ёки умумқабул қилинган хулқ-атвор меъёрларининг бузилиш ҳолатларини кўриб чиқишда бош ҳакамлик ҳайъати мажлисларида иштирок этадилар.

Комиссия аъзолари ҳакамликни кузатишда ҳар бир ҳакам: устундаги, тўр олдидаги ва чизикдаги ҳакамларнинг ҳар қандай хатолари, номувофиқ ташқи кўриниш, кортга чиқишнинг ташкил этилмаганлиги, ҳакамлик суръатининг пастлиги, ҳакамлик эълонлари ва ишораларининг етарлича баланд ва аниқ эмаслиги, интизом ёки умумқабул қилинган хулқ-атвор меъёрларининг бузилишига эътиборсизлик, баённоманинг нотўғри юритилиши ва бошқа хатоларни белгилашлари керак.

Кузатув комиссияси аъзолари ҳакамларнинг тўп ерга тушишини белгилашни баҳолашлари мумкин эмас. Чизикдаги ҳакамларнинг хатолари устундаги ҳакам уларнинг қарорини бекор қилгандагина ҳисобга олинади.

13.3. Шифокор

Мусобақада хизмат кўрсатувчи шифокорнинг вазифасига қуйидагилар киради:

- иштирокчиларнинг саломатлиги, мусобақа давомида уларнинг овқатланишини назорат қилиш;
- иштирокчиларни текшириш ва касалланган ёки жароҳатланганларида уларга тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек уларнинг мусобақани давом эттириш имконияти тўғрисида хулоса тақдим этиш.

13.4. Мандат (ваколат) комиссияси

1. Мандат комиссияси таркибига: мусобақани ўтказувчи ташкилот раҳбари, бош ҳакам муовини ва бош котиб киради.

Агар иштирокчилар сони камроқ бўлса, мандат комиссияси вазифаларини бош ҳакам ёки унинг муовини ва бош котиб бажаради.

2. Мандат комиссияси низомда белгиланган муддатларда иштирок этади ва иштирокчиларнинг қуйидаги ҳужжатларини текширади:

- шахсий талабномалар;
- туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт (ҳарбийлар учун эса шахсини тасдиқловчи ҳужжат).

Бундан ташқари, баъзи мусобақаларда спортчилар томонидан имзоланган иштирокчилар маълумотномаси.

Шунингдек иштирокчиларнинг ёши, яшаш манзили ва ҳоказолар мусобақада иштирок этишига рухсат бериш шартлари низомига мувофиқ текширилади.

3. Комиссия жамоа мусобақаларида жамоалардаги иштирокчиларнинг амалдаги ихтисосликка мувофиқ, тўғри жойлаштирилганлигини текширади.

4. Мандат комиссиясидан ўтмаган иштирокчилар мусобақаларга қўйилмайди.

5. Мандат комиссияси ишни якунлагач, белгиланган шакл бўйича ҳисобот тузади, ундан иштирокчиларни (куръа ташлаш) жойлаштириш, жамоалар кучини аниқлашда фойдаланилади, сўнгра бош ҳакам ҳисоботига илова қилинади.

13.4.1. Тўпни узатувчи ходимлар раҳбари

Тўпни узатувчи ходимлар раҳбари ўзига бўйсунувчи шахслар ишига жавобгардир. Мусобақа бошлангунга қадар у кўрсатма бериш ва дастлабки машқларни амалга оширади, мусобақа даврида

кортларга тақсимлайди ва уларнинг ишини назорат қилади.

13.4.2. Спорт базасининг тайёрлиги ва ҳолатига жавобгар шахс

Мусобақа ўтказилувчи спорт базасининг тайёрлиги ва ҳолатига жавобгар шахс кортларни сақлаш (сув сепиш, текислаш, ўлчаш, ёмғирдан сўнг қуриштиш, бўйлаш ва ҳоказолар), майдонларни зарур мосламалар (тўрнинг баландлигини ўлчаш қолиплари, иштирокчилар ва ҳакамлар учун столчалар, қипиқли яшиклар, сувли графин ва стаканлар) билан жиҳозлаш бўйича базанинг хизмат кўрсатиш ходимлари ишини таъминлайди, шунингдек тўплар сақланишини ташкил этади.

13.4.3. Назоратчи ҳакам

Мусобақани ўтказишни кузатиш ва Ўзбекистон Теннис Федерацияси ҳакамлиги сифатини назорат этиш, ҳакамлар ҳайъатини тақдим этиш мақсадида назоратчи ҳакамни тайинлаши мумкин.

Назоратчи ҳакам мусобақадан бир кун аввал мусобақа ўтказиладиган жойга етиб келади:

1. Назоратчи ҳакам мусобақа бошлангунга қадар:

а) ҳамма хизматларнинг мусобақа бошланишига тайёрлигини (ташкилий қўмита амалга оширган тайёргарлик иши, мандат комиссияси ишини) текширади;

б) ҳакамлар семинарини ўтказишда иштирок этади;

в) бош ҳакамлик ҳайъати мажлисида қатнашади.

2. Назоратчи ҳакам мусобақа даврида қуйидагиларни амалга оширади:

а) тасдиқланган низомга мувофиқ мусобақани кузатади;

б) ҳакамлик ҳайъати буйруқларига аралашмаган ҳолда, ҳамма хизматлар (ташкилий қўмита, ҳакамлар ҳайъати ва овқатланиш ва транспортга жавобгар шахслар) ишини бош назорат қилади;

в) ўзи кузатган дарҳол бартараф этилиши лозим бўлган қоидабузарлик ва камчиликларни бош ҳакамлик ҳайъатига тезкор маълум қилади;

г) норозилик ва мурожаатларни кўриб чиқишда иштирок этади.

3. Назоратчи ҳакам мусобақа тугагач:

а) ўтказилган мусобақа муҳокамасини амалга оширади ва бош ҳакамлик ҳайъатининг якуний мажлисида ҳамма хизматларга баҳо беради;

б) икки кун давомида Теннис федерацияси ёки ҳакамлар ҳайъатига ўтган мусобақалар тўғрисида ёзма ҳисобот беради.

XIV. ЎЗБЕКИСТОН ТЕННИСЧИЛАРИНИНГ ТАСНИФИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

14.1. Умумий бўлим

1. Тасниф спортчиларнинг алоҳида рейтинги бўйича тузилади.
2. Спортчиларнинг алоҳида рейтинги мусобақадаги шахсий учрашувлар натижаларига кўра рейтинг ҳажми ўзгариши белгилари жадвали бўйича шаклланади.
3. Ўзгартирилган тасниф мусобақа натижаларини изчил ишлаб чиқишга кўра тузилади.

14.1.1. Очколарни ҳисоблаш тартиби

1. Ўйналган беллашувда ғолиб рейтингини мағлуб рейтингига бўлишда ҳосил бўлувчи ифода рейтингни ўзгартириш мезони ҳисобланади.
2. Ғолиб рейтингига қўшилувчи ва мағлуб рейтингдан айрилувчи очколарнинг маълум сони жадвал бўйича мазкур ифодага мос келади.

14.2. Жадвални ишлаб чиқиш принциплари

1. Бир хил рейтингли икки спортчининг учрашувида ғолибнинг рейтингига 10 очко қўшилади, мағлубнинг рейтинги ўзгармай қолади.
2. Ғолибнинг рейтинги 1,1 дан 1,9 гача ифодада мағлуб рейтингдан юқори бўлса, у ҳолда ғолиб ўз рейтингига 9 дан 1 очко гача мувофиқ қўшимча олади, бу ҳолатда мағлубнинг рейтинги аввалгидан ўзгаришсиз қолади.
3. Ғолиб ва мағлубнинг ўзаро ўлчанувчи рейтинглари ифодаси 2 ва ундан ортиқ сонга тенг бўлганда, мазкур учрашув икки спортчи рейтингига ҳам ўзгариш келтирмайди.
4. Ғолибнинг рейтинги 0,99 дан 0,5 гача ва ундан камроқ ифодада мағлуб рейтингдан камроқ бўлса, у ҳолда ғолиб ўз рейтингига мутаносиб ўсиб боровчи тартибда 11 дан 100 очкогача қўшимча олади, мағлуб рейтингдан эса 1 дан 50 очкогача олинади.
5. Ғолибда рейтинг бўлмаган, мағлуб эса рейтингга эга бўлган учрашувда мағлубнинг рейтингдан 25 очко айрилади ва ҳосил бўлган сон 5 очкога оширилиб, ғолибнинг шахсий рейтингига айланади.
6. 30 очкодан иборат энг кам шахсий рейтинг ўрнатилиб, ҳар

қандай шароитда ҳам уни ўзгартириш мумкин эмас.

7. Ҳисоб-китоблар натижасида ҳосил қилинган рейтингни ўзгартириш белгилари қўшилган якуний календарь режада кўрсатилган мусобақа коэффициентига кўпайтирилади.

8. АТР Tour, WTA Tour, Tour ETA, ITF ва РТТ мусобақаларидаги иштирок учун олинган очколар тегишли коэффициентлар билан спортчининг шахсий рейтингига қўшилади.

10, 12, 14, 16 ёшгача бўлган ёш гуруҳларидаги очколар мувофиқ равишда 5, 4, 3, 2га бўлинади.

9. АТР Tour, WTA Tour, Tour ETA, ITF ва РТТ мусобақалари иштирокчиси сочма ўйинчи бўлиб, унинг мазкур мусобақалардаги ўйинлари натижаси шахсий мавқеи даражасидан паст бўлса, у ҳолда бундай спортчининг шахсий рейтингини ўйинлари натижаси унинг мавқеи даражасида бўлганда олиши мумкин бўлган очколарининг ярмига камаяди.

10. Квалификацион мусобақаларидан ўтган спортчиларга асосий ўйинларнинг биринчи доирасига мувофиқ очколар қўшилади, асосий ўйинларнинг биринчи учрашувида мағлубиятга учраган, ихтисослик мусобақаларида қатнашмаган спортчига, у сочама ўйинчи бўлишини истисно этган ҳолда, очколар қўшилмайди.

14.3. Жарима санкциялари

Сабабсиз мусобақа келмаслик ёки беллашувдан бош тортишга икки спортчининг шахсий рейтингини ўтказилган беллашувдаги сингари ҳисоб-китоб амалга оширилади.

XV. ПРОФЕССИОНАЛ ЭРКАКЛАР ITF FUTURES ТУРНИРИГА ТАЛАБНОМА ТИЗИМИ

1. Рейтингсиз ўйинчилар (АТР очколарига эга ўйинчилар сингари) шу йилдан талабномани топшириш муддати якунлангунга қадар ҳамма ITF Futures турнирларига талабнома тоширишлари керак*

2. ITF ўз вақтида квалификация ва Асосий сеткалар иштирокчилари варағини чоп этади**

3. Талабномаларни тошириш ва бош тортишнинг охирги муддатлари турли кунларда бўлади***

- Талабномани топшириш охирги муддати – турнир бошланишидан 18 кун аввал пайшанба (14:00 GMT) (икки ярим ҳафта).****

- Турнирдан бош тортиш/чиқаришнинг охирги муддати – турнир бошланишидан 13 кун аввал*****

4. Futures турнирларининг ҳеч қайси Квалификация ёки Асосий сеткасига кирмаган ўйинчи турнирдан бош тортиш/чиқаришнинг охирги муддати келгунга қадар квалификация сеткасига кўтарилгунга қадар бир ёки ундан ортиқ альтернатив варақда қолади. Ўйинчи квалификация сеткасига кўтарилиши билан бошқа турнирлардан автоматик тарзда чиқарилади ва рўйхатга киритилган турнирда иштирок этиши шарт.

Сетка –ўйинчиларни жойлаштириш усули.

Изоҳ:

* Талабномани топшириш муддати якунлангач, турнир варағини тузишда Миллий рейтингга эга ўйинчилар Миллий рейтингсиз ўйинчилардан устунликка эга бўладилар. Турнир варағини тузишда янада янгиланган Миллий рейтинг фойдаланилиши учун Миллий ассоциация турнирдан 3 ҳафта аввал уларни ITF (тўғри форматда) Миллий рейтингга тақдим этиши керак.

***Талабномани охирги топшириш ва турнирдан чиқиш муддати орасидаги фарқда (5 кун), ўйинчилар бу ҳафтада талабнома топширилган ҳамма турнирларда (масалан, улар бирдан 6 та асосий сеткаларда) бўлишлари мумкин, лекин ҳеч қайси ўйинчи турнирдан охирги чиқариш муддати якунлангунга қадар бу турнирларнинг исталганида иштирок этишга мажбур бўлмайди. Бу 5 кунлик даврда ўйинчиларнинг турнирлардан ҳеч қандай жаримасиз чиқиш, шу

билан бирга ўйнашни истамаган турнирларидан чиқиш имкониятига эга бўладилар.

****АТР Challengers сериясидаги турнирларга талабнома топширишнинг охириги муддати душанба турнир бошланишига қадар 21-кунга тўғри келади. ITF Futures турнирларига талабномалар топширишнинг охириги муддати пайшанбага белгилангач (икки ярим ҳафтагача), АТР Challengers турнирига кира олмаган ўйинчиларга талабномани топширишнинг охириги муддати якунлангунга қадар имкон ITF Futures турнига альтернатив тарзда бориш имконини беради.

*****Дарҳол бирдан ортиқ асосий ёки квалификация сеткасига кирган ўйинчи турнирдан чиқаришнинг охириги муддати келгунга қадар бу ҳафтада дастлаб белгиланган устунликка кўра (истисно тарзида асосий сетка ўрни ёнида доимо квалификация ўрнидан устунлик бўлади) бирдан ташқари ҳамма турнирлардан автоматик тарзда чиқарилади ва мазкур турнирда ўйнаши шарт.

Агар ўйинчи турнирдан бош тортиш/чиқаришнинг охириги муддати якунлангач, Асосий ёки Квалификация сеткасидан чиқарилади, у ҳолда бу турнирдан кечикиб бош тортиш/чиқариш сифатида квалификацияланади ва у ITF кодексига кўра Жарималанади.

15.1. ITF Сериясидаги ўсмирлар турнирига талабномалар процедураси

ITF сериясидаги ўсмирлар турнирларига талабнома бериш ва ўйнаш учун теннисчи Халқаро теннис федерацияси томонидан бериладиган IPIN (Ўйинчининг халқаро идентификация рақами) га эга бўлиши керак, бунинг учун IPIN учун йиллик тўлов тўлаш зарур. Турнирга талабнома беришнинг якуний муддатига қадар ўз IPINини аввалдан тўлаш жуда муҳим. 2010 йилда ўсмирлар IPINи учун тўлов 30 АҚШ долларини ташкил этади. IPINни ITF сайтидан олиш мумкин.

Шундан сўнг, пароль (буни унутманг!), шунингдек IPIN учун тўлов: Интернетда ўйнайдиган биринчи турнирнинг реферисига кредит картаси ёки нақд пул тўлаш усули танланади.

Агар сизда IPIN бўлса, IPIN саҳифасига киришингиз ва IPIN учун йиллик тўлов: Интернетда ўйнайдиган биринчи турнирнинг реферисига кредит картаси ёки нақд пул тўлашингиз керак.

15.1.1.Талабномани топширишнинг охирги муддати:

«1-5» категориясидаги турнирлар: Турнир ҳафтасининг душанба кунидан йигирма етти кун олдин сешанба (Гринвич вақти билан 14:00 да).

«А» категориясидаги турнирлар ва уларнинг дастлабки муддатлари: қирқ бир (41), ўттиз тўрт (34), ёхуд йигирма етти (27) турнир ҳафтасининг душанба кунигача сешанба куни Гринвич вақти билан 14:00.

Алоҳида ҳолатларда «1-5» категориясидаги турнирлар ITF федерациясига 27 кунлик охирги муддати тўғрисидаги қоидаларни ўзгартириш талабномаларини топшириш мумкин.

Турнирга талабнома топширишдан аввал ўйинчи ITF Интернет сайтида ёки IPIN персонал хонасида чоп этилган турнир талабномаларини топширишнинг тўғри охирги муддатини Турнир расмий ахборот варағи (FACT SHEET) ёрдамида текшириши керак.

Турнирда иштирок этишдан бош тортишнинг охирги муддати (Асосий ёки Квалификация сеткаси): турнир ҳафтасининг душанба кунидан 30 кун аввал сешанба куни Гринвич вақти билан 14:00.

Freeze deadline: аввалги турнир ҳафтаси муҳотида Гринвич вақти билан 14:00.

Ўйинчининг мажбуриятига талабнома топшириш турнирда иштирок этишдан бош тортиш, шунингдек унинг ҳолатини Талабнома варағидан текшириш киради. Турнирга талабномалар ва турнирда иштирокдан бош тортиш Интернет ёхуд факс орқали юборилиши керак. Мазкур Талабнома ёки Бош тортиш мувофиқ тарздаги Расмий Талабнома ва Бош тортиш шаклларида тўлдирилиши керак. Электрон почта (email) орқали юборилган талабнома ва бош тортишлар қабул қилинмайди.

Турнирда иштирокдан бош тортишнинг охирги муддати – турнир ҳафтасининг душанба кунидан ўттиз кун аввал сешанба куни Гринвич вақти билан 14:00. Мазкур қоида турнирнинг Асосий ҳамда Квалификация сеткаси ўйинчиларига тааллуқли. Турнирдан охирги бош тортиш муддатидан сўнг альтернатива рўйхатидаги ўйинчи турнирнинг Асосий сеткаси ёхуд Квалификацияси рўйхати бўйича кўтарилмагунча истаган вақтида турнирда иштирокдан бош тортиши мумкин. Бу вақтда ўйинчи Халқаро Теннис Федерацияси (ITF) томонидан талабнома юборган бошқа турнирлар рўйхатидан автоматик тарзда чиқарилади. Охирги бош тортиш муддатидан сўнг Асосий сетка ёки Квалификацияга кўтарилган ўйинчи мазкур турнир

иштирокчиси ҳисобланади.

Турнирнинг Асосий сеткаси ёхуд Квалификациясига қабул қилинган ва турнирга бош тортиш ва бош тортиш сабаби тўғрисида мувофиқ маълумотномасиз келмаган ўйинчи, Теннис федерацияси (ITF) ёки турнирнинг бош ҳаками турнирга келмаганлиги учун жарима санкцияларига тортилади.

15.2. Турнирга ёзилиш. Рўйхатга олиш. Квалификация

Ҳар бир ўйинчи (турнирнинг бош ҳаками билан мулоқотда бўлиши шарт бўлган Wild Card олган ўйинчилардан ташқари) Турнирнинг Квалификацион сеткаси ўйинлари бошланишидан бир кун аввал 18:00 гача турнирнинг бош ҳаками ҳузурида рўйхатга олиниши керак. Агар ўйинчи кейинги турнирнинг Квалификация ўйинлари бошланишидан икки кун аввал иштирок этиб, ўйинни бой берган бўлса, мазкур ўйинчи аввалги ITF сериясидаги ўсмирлар турнирининг Бош ҳаками томонидан турнирнинг квалификация сеткасида иштирок этиш учун ёзилиши мумкин. Мазкур ўйинчи турнир ҳудудида бўлиши ва Квалификациянинг биринчи доираси якунлангунга қадар биринчи матчини ўйнашга тайёр бўлиши керак. Мазкур қоидада қайд этилмаган бошқа ҳолатларда, рўйхатга ёзила олмаган ўйинчилар Квалификация сеткасига киритилмаслиги керак.

15.3. Асосий сетка

1) Яккалик разряди. «А» сериясидаги ўсмирлар турнирлари Асосий сеткалари учун турнирга ёзилиш мажбурияти йўқ. Бироқ ўйинчилар турнирдан бир кун аввал келишлари ва мазкур мусобақанинг биринчи кунида ўйинга тайёр бўлишлари керак. Ўсмирлар турнирининг бошқа категориялари учун турнирнинг Асосий сеткасига қабул қилинган ҳар бир ўйинчи (турнирнинг бош ҳаками билан мулоқотда бўлиши шарт бўлган Wild Card олган ўйинчилардан ташқари) Турнирнинг Асосий сеткаси ўйинлари бошланишидан бир кун аввал 18:00 гача турнирнинг бош ҳаками ҳузурида рўйхатга олиниши керак.

2) Жуфтлик разряди. Ҳар бир ўйинчи шахсан келиши ва Бош ҳакам ҳузурида Турнирнинг Асосий сеткаси ўйинлари кунида 12:00 гача рўйхатга ёзилиши керак.

15.4. Tennis Europe ўсмирлар турида иштирок ва талабнома шартлари

Турнинг тузилиши: Tennis Europeнинг ўсмирлар тури Европа бўйича ўтказиладиган турнирлардан иборат. Уларда бутун дунёдан теннисчилар иштирок этиши мумкин. У уч ёш гуруҳдан ташкил топган: 16 ёшгача, 14 ёшгача ва 12 ёшгача. Ҳамма турнирлар уч категорияга ажратилади (биринчи, иккинчи ва учинчи). Биринчи категориядаги турнирлар йирик мусобақалар ва Европа чемпионатларини ўз ичига олади.

Календарлар: Календарнинг ҳамма турнирлари ҳақидаги тўлиқ маълумотни Tennis Europe сайтидан топишингиз мумкин. Уларни ҳафталар, категориялар ва ёш гуруҳлари бўйича кўриб чиқишингиз мумкин.

Интернетдаги маълумотлар: турнирларнинг календарлари турлар ҳақидаги расмий маълумот («факт-шитў») ва Tennis Europe ўсмирлар тури иштирокчилари рўйхати Tennis Europe сайтидадир.

IPINга эга бўлиш керак: 2010 йилдан бошлаб, Tennis Europe ўсмирлар турига талабнома юбориш ва ўйнаш учун албатта ITF (Халқаро теннис федерацияси) томонидан бериладиган IPIN (Ўйинчининг халқаро идентификация рақами) бўлиши керак, шунингдек IPIN учун йиллик тўлов тўланиши керак. IPINни турнирга якуний талабнома топширилгунга қадар тўланиши керак. Бунда қатъий ишончга эга бўлинади. 2010 йилда ўсмирлар IPINи учун тўлов 30 АҚШ долларини ташкил этади.

Агар IPINингиз бўлмаса, уни ITF сайтидан олишингиз мумкин. Сайтдаги кўрсатмаларга риоя қилинг. Бунда фамилия ва исмингиз, электрон почта манзили ва баъзи маълумотларни киритишингиз, сўнгра экранда пайдо бўлувчи ўйинчилар рўйхатидан ўзингизни топишингиз керак. Буларни бажаргач, имайлга (тизимга киритган манзилга) ҳат оласиз.

Сўнгра IPIN саҳифасини активлаштириш ва кўрсатилган манбага ўтиш керак. Шундан сўнг парол (буни унутманг!), шунингдек IPIN учун тўлов: Интернетда ўйнаш керак бўлган биринчи турнир реферисига (бош ҳакамга) кредит картаси орқали ёки нақд пул тўлаш усули танланади.

IPIN бўлса, IPIN саҳифасига кириб, IPIN учун ўйнаш керак бўлган биринчи турнир реферисига (бош ҳакамга) кредит картаси орқали ёки нақд пуллик йиллик тўлов амалга оширилади.

15.5. Спорт разрядлари ва унвонларнинг меъёрий талаблари: ХК СУ, Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси СУН

15.5.1. Ўзбекистон Республикаси халқаро классдаги спорт устаси қуйидагиларни бажариши керак:

- 1) Жаҳон профессионал теннисчилар 200-классификацияси қаторига кириш;
- 2) Йил давомида халқаро ITF, WTA, АТР турнирларида Жаҳон профессионал теннисчилар 200-классификацияси қаторига кирувчи турли ўйинчилар устидан 3 та ғалаба қозониш;
- 3) ITF Фьючерс, Челленджер халқаро турнирларидаги яккалик разрядида 200 Жаҳон профессионал теннисчилар классификацияси қаторига кирувчи 2 ўйинчи иштирокидаги яккалик разрядида 1-2-ўрин ёки жуфтлик разрядларида 1-ўринни эгаллаш;
- 4) Осиё чемпионатларида яккалик разрядида 1-2-ўрин ёки жуфтлик разрядларида 1-ўринни эгаллаш, Осиё ўйинларида яккалик разрядида 1-4 ёки жуфтлик разрядида 1-2 ўринларни эгаллаш;
- 5) Халқаро WTA, АТР турнирларида яккалик разрядида 1-8 ёки жуфтлик разрядида 1-4-ўринларни эгаллаш;
- 6) Олимпия ўйинлари, халқаро «Grand Slam» турнирларидаги асосий ўйинларда яккалик разрядида 1-раунд ёки жуфтлик разрядида 2-раунддан ўтиш.

15.5.2. Ўзбекистон Республикаси спорт устаси қуйидагиларни бажариши керак:

- 1) Ўзбекистон теннисчилари 1-4-классификацияси қаторига кириш;
- 2) йил давомида Ўзбекистон теннисчилари 1-4-классификацияси қаторига кирувчи турли ўйинчилар билан беллашувларда 3 марта ғалаба қозониш;
- 3) Ўзбекистон теннисчилари 1-4-классификацияси қаторига кирувчи икки ўйинчи иштирокидаги Ўзбекистон чемпионатида яккалик разрядида 1-ўринни эгаллаш;
- 4) Марказий Осиё ўйинларида яккалик разрядида 1-2-ўрин ёки жуфтлик разрядларида 1-ўринни эгаллаш;
- 5) Жаҳон профессионал теннисчилар 200-классификацияси қаторига кирувчи бир ўйинчи иштирокидаги ITF Фьючерс,

Челленджер халқаро турнирларида яккалик разрядида 1-4-ўрин ёки жуфтлик разрядларида 1-2-ўринларни эгаллаш;

6) Халқаро WTA, ATP турнирларида яккалик разрядида 1-раунд ёки жуфтлик разрядида 2-раунддан ўтиш.

15.5.3. Ўзбекистон Республикаси спорт устаси унвонига номзод қуйидагиларни бажариши керак:

1) Ўзбекистон теннисчилари 1-8-классификацияси қаторига кириш;

2) йил давомида Ўзбекистон теннисчилари 1-8-классификацияси қаторига кирувчи турли ўйинчилар билан беллашувларда 3 марта ғалаба қозониш;

3) Ўзбекистон теннисчилари 1-8-классификацияси қаторига кирувчи икки ўйинчи иштирокидаги Ўзбекистон чемпионатида яккалик разрядида 1-4-ўрин ёки жуфтлик разрядида 1-ўринни эгаллаш;

4) 4-категориядан паст бўлмаган Халқаро ITF ўсмирлар турнирларида яккалик разрядида 1-ўринни эгаллаш;

5) 3-категориядан паст бўлмаган Халқаро ITF ўсмирлар турнирларида яккалик разрядида 1-2-ўрин ёки жуфтлик разрядида 1-ўринни эгаллаш;

6) 2-категориядан паст бўлмаган Халқаро ITF ўсмирлар турнирларида яккалик разрядида 1-4-ўрин ёки жуфтлик разрядида 1-2-ўринни эгаллаш.

15.5.4. Биринчи разряд қуйидагиларни бажариши керак:

1) Жаҳон ўсмирлар 200-классификацияси (ITF Junior Rankings) ёки Ўзбекистон теннисчилари 20-классификацияси қаторига кириш;

2) йил давомида Жаҳон ўсмирлар 200-классификацияси (ITF Junior Rankings) ёки Ўзбекистон теннисчилари 20-классификацияси қаторига кирувчи турли ўйинчилар билан беллашувларда 3 марта ғалаба қозониш;

3) Ўзбекистон теннисчилари 20-классификацияси қаторига кирувчи икки ўйинчи иштирокидаги Ўзбекистон биринчилигида яккалик разрядида 1-ўринни эгаллаш;

4) 5-категория Халқаро ITF ўсмирлар турнирларида яккалик разрядида 1-2-ўрин ёки жуфтлик разрядида 1-ўринни эгаллаш;

5) 4-категориядан паст бўлмаган Халқаро ITF ўсмирлар турнирларида яккалик разрядида 1-4-ўрин ёки жуптлик разрядида 1-2-ўринни эгаллаш;

6) 3-категориядан паст бўлмаган Халқаро ITF ўсмирлар турнирларида яккалик разрядида 1-8-ўрин ёки жуптлик разрядида 1-2-ўринни эгаллаш.

15.5.5. Иккинчи разряд қуйидагиларни бажариши керак:

1) Жаҳон ўсмирлар классификацияси (ITF Junior Rankings) классификацияли ўйинчилар ёки Ўзбекистон теннисчилари 50-классификацияси қаторига кириш;

2) йил давомида Жаҳон ўсмирлар классификацияси (ITF Junior Rankings) турли классификацияли ўйинчилар билан беллашувларда 3 марта ғалаба ёки Ўзбекистон теннисчилари 50-классификацияси қаторига қирувчи турли ўйинчилар билан беллашувларда 3 марта ғалаба қозониш;

3) Ўзбекистон теннисчилари 50-классификацияси қаторига қирувчи икки ўйинчи иштирокидаги Ўзбекистон ўсмирлар биринчилигида яккалик разрядида 1-ўринни эгаллаш.

15.5.6. Учинчи разряд қуйидагиларни бажариши керак:

1) Ўзбекистон теннисчилари 100-классификацияси қаторига кириш;

2) йил давомида Ўзбекистон теннисчилари 100-классификацияси қаторига қирувчи турли ўйинчилар билан беллашувларда 3 марта ғалаба қозониш;

3) Ўзбекистон теннисчилари 100-классификацияси қаторига қирувчи икки ўйинчи иштирокидаги Ўзбекистон ўсмирлар биринчилигида яккалик разрядида 1-2-ўрин ёки жуптлик разрядида 1-ўринни эгаллаш.

15.5.7. Ўсмирлар разряди қуйидагини бажариши керак:

Ўзбекистон классификацияли теннисчилари қаторига кириш.

ЛУҒАТ

Ace – паррон ошириш.

Ad – устунлик (қисқартирилган Эдвантидж).

All – барабар ҳисоб (15-15; 30-30).

Alley – жуфт ўйинида ишлатиладиган корт қисми.

Approach – сеткага чиқиш олдидан бериладиган зарба.

Backcourt – ошириш чизиғи ва орқа чизиғи ўртасидаги корт қисми.

Backhand – ўнг қўлли ўйинчининг чап ёнида ва чапақай ўйинчининг ўнг ёнида урилган зарбани қайтариш.

Backspin – бураб урилган тўп.

Choke-up – ракеткани олдинда ушлаш.

Cross-court shot – кортни қиямасига кесиб юборилган тўп.

Deep shot – орқа чизиқ ёнига уриладиган тўп (ва шунингдек ошириш чизиғи ёнига).

Deuce – тенг.

Deuce court – кортнинг ўнг томони.

Double fault – иккала ошириши ҳам хато.

Doubles – жуфт ўйин.

Down-the-line shot – ён чизиқ бўйлаб ва унга яқин юборилган тўп.

Drop shot – сеткага яқин тушадиган тўп.

Fault – оширилган тўп майдонга тушмаган.

Fifteen – ўн беш, биринчи ютилган очко.

Flat shot – тўп тўғри чизиқ бўйлаб кичкина айланиш билан учиши.

Foot fault – ошириш пайтида орқа чизиққа босиш.

Forecourt – ошириш чизиғи ва сетка ўртасидаги майдонча.

Forehand – ўнг қўлли ўйинчининг чап ёнида ва чапақай ўйинчининг ўнг ёнида урилган тўпни қайтариш учун зарба.

Forty – 40 (уч очко ютган ўйинчи).

Game – гейм; бир ўйинчи ёки команда тўрт очко ёки тенг ҳисобдан сўнг икки очко кетма-кет ютса.

Good ball – тўғри тўп.

Ground strokes – ерга урилган тўпга зарба бериш.

Half-volley – тўп ерга тушиши билан зарба бериш.

Let – сетка. Ўйинга киритилган майдончага тушса, тўп ўйинга янгидан киритилади.

Lob – тўпни баланд кўтариб, одатан сетка ёнида турадиган ўйинчининг бош устидан учадиган воллей уриши.

Lob volley – рақибнинг бош устидан учадиган воллей уриши.

Out – тўп корт чегараланган чизиқлардан ёки ўйинга киритган тўп керакли майдончининг чизиғидан ташқари чиқса.

Love – 0, очко йўқ.

Net game – олдинги корт, сетка ёнидаги ўйин.

No-ad – геймда ҳисоблаш усул.

Overhead – бош устидан ракетка билан бериладиган зарба.

Poach – жуфт ўйинда, одатда сетка ёнида, шериги урадиган тўпни уриш.

Point – очко.

Rally – ўйинчилар томонидан кетма-кет яхши бериладиган зарба.

Receiver – оширишни қабул қиладиган ўйинчи.

Serve – ошириш.

Server – оширадиган ўйинчи.

Service breake – оширувчининг рақиб томонидан ютилган гейм.

Set – ҳисоб белгиси; олти ёки ортиқ гейм ютган ва икки гейм устунликка эга бўлган ўйинчи сет ютади.

Shot – тўпни зарба билан рақиб майдонига йўналтириш.

Singles – икки ўйинчи ўртасидаги ўйин.

Smash – бош устидан кучли зарба уриш.

Spin – тўп айланиши.

Stroke – тўпни ракетка билан уриш ҳаракати.

Tie – breake game – ҳисоб 6:6 бўлганда сетни ҳал қилишдан фойдаланиладиган усул.

Thirty – 30, ўйинчи икки очко ютгандаги ҳисоб.

Topspin – тўпни пастдан юқорига зарба бериш сабабли унинг олдинга айланиши.

Tournament – турнир, расмий мусобақа.

Volley – тўпни ерга тегизмасдан уриш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасида теннисни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори.1998.
2. Белиц – Гейман С. П. Теннис. - М.: ФиС, 1977. с. 224.
3. Мазуров М.Е. Оценка точности подачи в соревнованиях. Теннис: Ежегодник. - М.: ФиС, 1979. с.29-32.
4. Всеволодов И.В., Сокур Б.П. Факторы, влияющие на скорость и точность полёта мяча. - М.: Теннис, 1984. с.13-14
5. Атакузиев А. Теннис қоидалари билан танишиш. - Т., 1994. с.18.
6. Айрапетьянц Л.Р., Безверхов В.П. -Теннис. - Т.: Уз ГосИФК. 2001 с.68.
7. Голенко В.А., Скородумова А. П., Тарпищев Ш.А. Академия тенниса. - М., 2002. с. 202.
8. Пулатов Ш.А. Ёш теннисчиларда зарба бериш аниқлигини махсус ва ноанъанавий машқлар ёрдамида шакллантириш самарадорлиги. - Т.: «Фан - Спортга», 2005. с.3-7.
9. Безверхов В.П. Теннис правила игры и соревнований. - Т.: УзГИФК, 2008. с.101.
10. Безверхов В.П., Корнилов А., Лутков В.В. Правила игры в теннис. Организация соревнований по теннису.- Т.: УзГИФК, 2010. с.106.

А.А. Истомин, Ч.Р. Алимходжаева, В.П. Безверхов,
О.Г. Бурхонов,

ТЕННИС ЎЙИНИНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТ ҚОИДАЛАРИ

Муҳаррир
Комилова Д.Ж.
Техник муҳаррир
Мирҳидоятова Д.М.,
Муссаҳҳиҳ
Бобоева Н.
Компьютерда саҳифаловчи
Носирхўжаева Д.

“Иқтисодиёт” – 2011.

Босишга рухсат этилди 4.02.2011. Қоғоз бичими 60 х 84 1/16
Шартли босма табағи 5,8 Адади _____ нусха. _____ - сонли буюртма

Тошкент давлат иқтисодиёт университети босмахонасида босилган.
100003. Тошкент, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49 – уй.